

ДУНЁ АДАБИЁТИ

will be grateful for
in the direc

of your dreams. A da
together becomes a mem
to treasure. Life isn't
waiting for the storm
It's leaching to dance
rain. Dare to dream.
things in life are un
why we close our ey
we kiss laugh and
Because when you s
look around, this
pretty amazing. A
ther becomes a mes
I will be grateful
re to dream. Go c
in the direction
Life isn't about a
storm to pass.
in the

ОДАМ ЎФРИЛАРИ

Детектив ҳикоялар

ДУНЁ АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

ОДАМ ЎҒРИЛАРИ

Детектив ҳикоялар

Тошкент – 2017

УЎК: 821(4-011/-015)

КБК: 84 (0)

О 27

Одам ўғрилари: детектив ҳикоялар / Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Дилшодабону Аввалбоева. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2017. 160 бет. (Дунё адабиёти дурдоналари)

ISBN 978-9943-4339-7-7

УЎК: 821(4-011/-015)

КБК: 84 (0)

Одам вужудида яхшилик билан бир қаторда ёвузлик ҳам яшайди. Ёвузлик уруги униб, бутун авзойи баданини қоплаб олган одам нафақат ўзини, балки атрофидагиларни ҳам чоҳга итаради.

Мазкур китобдаги детектив ҳикояларда ҳам ана шундай одамларнинг манфур қиёфаси тасвирланган. Ҳикоялардаги баъзи қаҳрамонлар ва воқеа-ҳодисалар ёзувчининг бой тасавури маҳсули бўлиши мумкин. Энг муҳими, мазкур ҳикоялар орқали қалбингизда ёвузликка нисбатан нафрат уйғотиб, вужудингизда яхшилик ниҳолларининг баравж униб-ўсишига кўмаклашишдир.

Такризчи:

Абдуғафур Маматов,

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-4339-7-7

© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2017 йил.

ТАЖРИБАЛИ АЁЛ

Лидия Хартман куни билан кутган телефон қўнғироғи у иш вақтини тугатиб энди уйига қайтаётган маҳалда бўлди. У остонада тураркан, бошлиғи гўшакни олганини кўрди:

– Суғурта идораси, Тримейн эшитади.

Сўнгра бошлиқ Лидияга қараб бош силкиди. У югуриб келиб гўшакни қўлига олди ва шоша-пиша гапирди:

– Хартман хонимман.

– Мен Жулиусман, – эркак кишининг овози эшитилди. – Буффалодан қўнғироқ қиляпман.

– Буффало! – хитоб қилди аёл.

– У қаерга борса орқасидан кузатиб юришим кераклигини айтувдинг-ку, – деди Жулиус Вейганд норози оҳангда. – У Буффалога борадиган автобусга ўтириши билан мен ҳам машинамда йўлга тушдим.

Лидия илгичдан шляпасини олаётган бошлиғига кўз қирини ташлади ва Жулиусдан паст овозда сўради:

– У кузатаётганингни биладими?

– Йўк, у мени кўрмади. Мен уни хусусий детективга ўхшаб шаҳарма-шаҳар кузатиб юрибман.

Жаноб Тримейн кийиниб, хайрлашди. Лидия гўшакни қўли билан тўсганча унга хайрли кеч тилади. Бошлиқ чиқиб кетгач, Лидия сўради:

– У тузукми?

– Албатта, – жавоб қилди Вейганд истехзо билан. – У “Редмилл” меҳмонхонасига жойлашди ва тушдан кейин икки шиша вискини тугатди. Сенга айтгандим-ку, “унинг бўкиб ичишдан бошқа мақсади йўк” деб.

– Ё Худойим! Агар у ичиб олса миясига нима келса шуни қилади. Мен ўша ерга бораман.

– Шундай дейишингни билганим учун қатнов жадвалини кўздан кечириб қўйгандим. Поезд соат олтида Рочестердан

жўнайди ва етти яримда шу ерда бўлади. Автобус эса саккиздан кейин йўлга чиқади.

– Яхши, поездда бораман.

– Келиб нима қилмоқчисан?

– Унга ёрдам бераман, бирорта даҳшатли нарсага қўл уришига имкон бермайман.

– Масалан, ўзини ўлдиришига, шунақами? Маст одам ўзини ўлдирмайди.

– У маст эмас, – деди Лидия кескин. – Жим кўлидаги ҳамма нарсани йўқотганидан кейин шунақа бўлиб қолгани учун уни айблашга ҳаққинг йўқ.

– Унинг йўқотишлари – менинг ҳам йўқотишларим. Эсингдан чиқмасин, мен унинг ҳамкори эдим, – деди Вейганд.

– Биламан, – деди аёл. – Сен уни судга беришинг мумкин эди.

– Сени деб шундай қилмадим, Лидия. Фақат сени деб. Сенга қандай муносабатда эканлигимни биласан-ку.

– Жимнинг хотини эканман, бу ҳақда эшитишни хоҳламайман! – бақирди Лидия. – У менга ҳар қачонгидан ҳам муҳтож бўлиб турган бир пайтда уни ёлғиз ташлаб қўёлмайман.

– Жавобинг худди Жимнинг ишлари юришганидан кейин сен уни ташлаб кетадигандек янгради. Бу менга умид бағишлайди, – деди Вейганд.

– Етти яримда мени кутиб ол, – аёл суҳбатга нукта қўйди.

Лидия Хартман Буффалода поезддан тушганида, Жулиус Вейганд уни кутиб турганди. Лидиянинг хаёлига бундан бир ой олдин уни кўрганда юраги қинидан чиқиб кетгудай уриши келди. Аммо у пайтда Жулиус иши юришаётган бизнесмен эди, ҳозир эса банкрот бўлган. У бир омадли бизнесменни бошқасига алмаштириши мумкин эди, лекин

банкротни банкротга алмаштириш... Ўттиз иккига кирган аёл етарлича тажрибага эга бўлиши шарт.

Жулиус жилмайганча унга очиқчасига сукланиб қараб турарди. Лидия унинг ёнига келди ва юзини чимчилади:

– Менга унақа қарама.

– Бунча гўзал бўлмасанг, – деди Жулиус ва унинг қўлидаги юкларни олиб йўл бошлади.

У юкларни машина юкхонасига солиб, аёлга эшикни очди, сўнг машинани айланиб ўтиб, ўзи ҳам ўтирди. У машинани ўт олдиришдан олдин сўради:

– Хўш, энди нима қилмоқчисан?

– У билан гаплашмоқчиман. Агар уйга кетмайдиган бўлса, шу ерда қоламан.

– Унинг ақлини йўқотгунча ичишини томоша қиласанми? У бир ҳафтаям юриши мумкин.

– Унда мен ҳам бир ҳафта юраман.

– Ишингдан ажраласан.

– Эрталаб жаноб Тримейнга қўнғироқ қилиб ҳаммасини тушунтираман.

– У ерда ишлаётганингга энди уч ҳафта бўлди-ку, Лидия. Ҳар қандай бошлиқ ҳам сенга бир ҳафтага рухсат бермайди.

– Менинг эски ходим эканлигимни унутиб қўйибсан. Жим энди ишини бошлаган пайтларда мен у ерда беш йил ишлаганман.

– Аммо кейин беш йил ишламадинг.

– Мени мудир лавозимига ишга қабул қилишди, демак мени унутишмабди.

– Ҳа, бу Жимга руҳан таъсир қилди: у бизнесдан учиб кетган пайтда сен ишга қайтдинг.

– Учиб кетган пайтда?

– Яна нима дейиш мумкин? Бунини бошқача атай олмайман... Нимага ундан воз кечиб қўя қолмайсан? Бир ой олдин бу ҳақда гаплашгандик.

Бир ой олдин у бунчалик пастга куламаганди. Ундан ҳозир воз кечолмайман.

– Вафодорлигиндан ўргилдим! – қичқирди Жулиус. – у билан бир умр бирга бўлсанг ҳам уни оёққа тургиза олмайсан. У тамом бўлган одам.

– Сени деб ундан воз кечишимни истайсанми? – сўради аёл заҳархандалик билан. – Сен ҳам худди унга ўхшаган банкротсан-ку.

– Ҳа, лекин вақти келиб ўзимни тиклайман, Жим эса ҳеч қачон. Унга ёрдам берган тақдирингда ҳам иши юришмайди. Лидия, у лапашанг.

– Бўлиши мумкин, лекин у менинг эрим. Ва айни пайтда сен менга мос эркак эмассан. Ҳаттоки агар Жим билан ажрашадиган бўлсам ҳам сен унинг ўрнига номзод бўлолмайсан.

Жулиус унга ажабланиб қаради:

– Жиддий гапиряпсанми?

– Албатта. Эҳтимол ўн йил олдин сенга тегишим мумкин эди. Аммо мен Жимникиман. Сенга эса ҳозир ўзингни тиклашинг учун ёрдамчи керак. Лекин мен ёрдамчи бўлолмайман. Мен ўттиз иккига кирдим, сен эса қирққа яқинлашяпсан. Энди молиявий курашларга тоқатим йўқ, чарчадим. Менинг бўлажак эрим оёғида мустаҳкам тура оладиган бадавлат инсон бўлиши керак. Ўшандагина у билан ҳаётимни боғлашим мумкин.

– Нотўғри фикрляяпсан. Жим билан бўлганинг учун кўп тер тўкишга мажбур бўлгансан. Агар мен билан бўлганингда чарчамаган бўлардинг.

– Лекин мен Жимга текканман. Бўл, у турган жойга борайлик.

Жулиус индамай машинани юргизди. “Редмилл” меҳмонхонаси Перл-стрит кўчасида жойлашганди. Улар меҳмонхонага етиб келишди ва ичкарига киришди. Бино ичи ҳам ташқариси каби кўримсиз эди. Мебел ва гиламлар

эскириб кетган, аммо тоза эди. Икки қария залда газета ўқиб ўтиришар, рўйхатхонада тепакал бир киши навбатчиликда эди. Вейганд унинг ёнига келиб сўради:

– У ҳали ҳам хонасидами?

Навбатчи бош силкиди. Вейганд Лидияни лифтга бошлади.

– Жимни кузатиб туриши учун унга ўн доллар бердим, акс ҳолда Жимнинг қанча виски ичганини қаердан билардим, – деди Жулиус.

– Барча харажатларингни тўлайман, – деди аёл куруқкина қилиб.

– Жиннилик қилма, бир неча доллар мен учун ҳеч нарса эмас. Менда етарлича пул бор, сен эса анча пулингдан айрилдинг.

Улар еттинчи қаватга кўтарилишди. Йўлак бўйлаб юришгач, 714-хона эшиги олдига келишди.

– У шу ерда, – пичирлади Жулиус.

Эшик тепасида бўялган ойнаванд дарча бўлиб, унинг қия очиклигидан хонада чироқ ёниқ эканлигини билиш мумкин эди. Лидия эшикни тақиллатди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. У қаттиқроқ тақиллатди. Бир оз кутишгач, Вейганд эшикни муштлай бошлади. Қарама-қарши томондаги эшик очилиб, бир қария мўралади. Уларга бир қараб қўйгач, эшикни ёпди.

– Ухлапти, шекилли, – деди Лидия.

– Аниқроғи, маст бўлиб қотиб қолган, – жавоб қилди Жулиус. – Пастга тушиб захира калитни олиб келаман.

Вейганд кетди, Лидия эса кута бошлади. Бир неча дақиқадан кейин Жулиус навбатчи билан қайтиб келди.

– Лидия, бу киши жаноб Симмс. Унга сен Жимнинг хотини эканлигини айтдим.

– Яхшимисиз, – деди Симмс Лидияга шубҳали назар ташлагач. – Бу ерда тўполон кўтармайсиз, деб умид қиламан.

– Мен эримдан ташвишдаман, – деди Лидия. – Эрим билан жанжаллашганимиз йўқ, тўполон қилиш ниятида ҳам эмасман. У мени кўрса хурсанд бўлади.

– Яхши, – деди Симмз.

У калитни тирқишга солиб буради ва эшикни итарди. Аммо эшик очилмади.

– Эшикни зулфинлаб олибди, – деди Симмз ва эшикни гурсиллатиб ура бошлади.

Йўлакда бир нечта эшиклар очилди, ҳамма нима бўлаётганига қизиқиб мўралай бошлади. Симмз бир кишини уйғота олишмаётганини айтиб, уларни безовта қилгани учун узр сўради. Эшиклар ёпилди, улар эса 714-хона эшиги олдида турганча хонадан бирор овоз келармикин, деган умидда диққат билан қулоқ солишди. Аммо хона жимжит эди.

Лидия ташвишли овозда гапирди:

– Жим ухлаётганда хуррак отарди.

Симмз яна эшикни очишга уринди, аммо бундан натижа чиқмади.

У бошини чайқади ва деди:

– Дарчадан мўралаймиз. Ҳозир нарвон олиб келаман.

У ўн дақиқалардан кейин нарвон билан қайтиб келди. Нарвонни эшикка тирагач, деди:

– Мен ҳар эҳтимолга қарши пичоқ олиб келдим. Дарчадан одам сиғиши қийин, лекин дарчани ушлаб турган пластинани чиқариб оламиз ва дарча очилади.

У охириги поғонага кўтарилди ва пичоқ билан пластинани бўшатди.

– Мен бу ердан сиғмайман. Балки сиз уриниб кўрарсиз, хоним? – деди у.

– Бўпти, – деди Лидия.

У пойабзалини ечди ва нарвонга чикди. Дарчадан аста кириб, ичкарига тушди.

– Нима гап?

– Ҳозир эшикни очаман.

Йўлакда ичи қизиб турган Вейганд ҳам шу йўл билан ичкарига тушмоқчи бўлди. Унинг юзи дарчада кўринган пайтда Лидия эшик томон келаётганди.

– Нима гап? – сўради Вейганд унинг юзи оқариб кетганини кўриб.

Жулиус каравотда ётган кишини кўролмади, чунки уни Лидиянинг гавдаси тўсиб турарди. Лидия унга жавоб бериш ўрнига эшик зулфинини туширди. Вейганд нарвондан тушди ва Симмзнинг кетидан хонага кирди. Лидия ташқарига чиқиб пойабзалини кийди ва деворга суянганча кўзларини юмди. Хонадаги эркаклар каравотда ётган кишининг жасадига ҳайрат билан тикилиб туришарди. У ўттиз беш ёшлардаги эркак эди. У битта шимда ётарди. Каравотда бўш шиша ётар, яна бир шиша эса полда турарди. Унинг қўллари қорнида, кўксининг чап томонидаги қонли жароҳатдан сал пастроқда эди.

Симмз унинг юзига қўлини теккизиб кўрди ва шу заҳоти тортиб олди.

– Совуқ, демак ўлган, – деди у.

– Мен эса маст одамлар ўзини ўлдирмайдилар, деб ўйловдим, – деди Жулиус.

Симмз дарҳол унга қаради:

– Ўзини ўлдирибдими? Унда пичоқ қани?

Вейганд хона ичига аланглади. Сўнг эмаклаб каравот тагига кирди. Кейин эса навбатчига шубҳали тикилди.

– Эшик аниқ ичидан беркмиди? – сўради у.

– Ҳа, – жавоб берди Симмз дарчага тикиларкан.

Вейганд ваннахона эшигига қаради. Навбатчи “култ” этиб ютинди.

– Қотил ҳали ҳам шу ерда деб ўйлайсизми? – шивирлади у.

Вейганд индамай шишалардан бирини қўлига олди ва ваннахона эшигини шахд билан очди. Шишани баланд

кўтарганча ичкарига кирди. Сўнг эса у ердан ажабланиб қайтиб чикди. Симмз ҳожатхона эшигига қараб турарди. Вейганд шишани боши узра кўтарганча ҳожатхона эшигини очди. У ер ҳам бўм-бўш эди. Жулиус шишани столга қўйди ва дераза олдига келди. Пастга қарагач, деди:

– Дераза остида кенглиги бир футча келадиган токчага ўхшаш бўртиқ бор экан. Кўшни хонада ким туради?

– Менимча, текширувни бас қилиб полицияга мурожаат қилганимиз маъкул, – деди Симмз.

– Гапингиз тўғри, – деди Вейганд.

Лидия бир чайқалди ва ўтириб қолди. Жулиус уни елкасидан тутди ва бағрига босди.

– Бўлди, тузукман, – деди аёл шикаста овозда.

Жулиус Лидияни елкасидан тутганча залга етаклаб келди. Аёл зўрға қадам ташларди. Симмз хонасига кириб телефон гўшагини кўтарди. Жулиус Лидияни диванга ўтқизмокчи бўлди, лекин у ўтиришни истамади. Жулиус унга синовчан тикилди:

– Нега ўтирмаяпсан?

– Мен ўзимга келдим, – деди у. – Бугун Рочестерга қайтолмасак керак?

– Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Полиция биз билан гаплашади.

– Мехмонхонадан жой олганмисан?

Вейганд инкор маъносида бош чайқади:

– Йўқ. Мен бугун Жимни олиб уйга қайтамиз, деб ўйлагандим.

– Шу ерда қоламизми?

– Ҳа. Мен бориб билай-чи, бўш хоналар бормикин.

У навбатчи гўшакни қўйган пайтда хонага етиб келди.

– Полиция ҳозир келади. Шу атрофда бўлиб туринглар.

– Биз ҳам шу фикрдамиз. Бўш хоналарингиз борми?

Симмз қоғоз титкилаётган пайтда Лидия меҳмонхонадан чиқиб кетди. Вейганд рўйхатдан ўтиш ишларини тугатиб ортига ўгирилди ва Лидия юклари билан турганини кўрди.

– Ўзим олиб келардим, – деди у юк халталарини оларкан.

– Оғирмас. Хона олдингми?

– Ҳа, бешинчи қаватдан иккита хона олдим. Кел, полицияни шу ерда кутиб турамиз, ҳозир келаркан.

Лидия диванга ўтирди. Вейганд унинг ёнига жойлашди. Беш дақиқадан кейин полициячилар кириб келишди. Улар икки киши эди. Бири ўрта ёшлардаги гавдали киши бўлиб, ўзини сержант Чарльз Картер деб таништирди. Иккинчиси эса Гарри Никольсон исмли ёш, озғингина йигит эди. Картер Симмздан доктор чақирган-чақирмаганлигини сўради.

– Ҳа, сер. Бир неча дақиқадан кейин етиб келади.

– Юринг, жасадни кўрамиз, – деди Картер. – Гарри, сен булар билан қоласан ва доктор келганида юқорига олиб чиқасан.

Сержант ва Симмз кетишди. Афтидан, Гарри Николсоннинг қотиллик бўйича ҳеч қандай савол бергиси йўқ эди. У об-ҳаво ҳақида нимадир деб минғирлагач, жим бўлди. Беш дақиқадан кейин кўлида тиббиёт чамадонини кўтарган кекса киши пайдо бўлди. Никольсон уни эшик олдида кутиб олди ва лифт томонга бошлади. Лидия соатига қараб ажабланди. Саккиздан қирқ беш дақиқа ўтганди. У поезддан тушганидан бери энди бир соату ўн беш дақиқа ўтибди. Никольсон қайтиб келиб ҳам гапирмади. Чамаси, саволларни сержант берарди. Йигирма дақиқадан кейин Симмз, доктор ва сержант тушиб келишди. Доктор кетди, Симмз билан сержант эса ўтирганларнинг олдига келишди.

– Бу қотиллик, – деди сержант. – Кимдир унинг юрагига пичоқ санчган. У қон чикқунча жон таслим қилган. Аммо ғалати воқеа.

– Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Никольсон.

– Симмзнинг айтишича, эшик ичидан зулфинланган, дарча эса қия очик бўлган.

Симмз Лидияга ишора қилди:

– Бу аёл дарчадан кириб эшикни очди.

Николсон Лидияга қаради.

– Дарчадан фақат мен сиғардим, – деди у.

Никольсон шеригига юзланди:

– Қотил ёнгин нарвонидан фойдаланган бўлса керак.

– Ёнгин нарвони ўрнатилмаган, – деди Картер.

– Ҳм-м. Унда у жасадни топишган пайтда хонада бўлган. Ваннахонага яшириниб олган бўлса керак. Улар бизни чақиргани тушишганда қочиб қолган.

Картер бош чайқади:

– Йўқ, Симмзнинг айтишича, улар хонани текшириб чиқишган.

У Вейгандга қаради:

– Тўғрими, жаноб?

Вейганд бош силкиди:

– Каравотнинг остигача қарадим.

Никольсон сўради:

– Шеф, хонада қандайдир сир бор, деб ўйлайсизми?

– Йўқ, – жавоб қайтарди Картер. – Бу фақатгина дераза остидаги бўртиқ ягона йўл эканлигидан далолат беради. Баландликдан кўркмайдиган одам шу йўл билан хонадан хонага ўтиши мумкин.

– Қўшни хоналарда ким туради? – сўради Никольсон Симмздан.

– Иккала хона ҳам бўш.

– Бу хоналарни кўрдим, – гапида давом этди Картер, – деразалар берк, лекин зулфинланмаган. Қотил деразадан бемалол кирган. Эшик эса ичкаридан очилади, ташқарига чиқиб ёпилганда яна кулфланиб қолади.

– Доктор нима деди? – сўради Никольсон.

– Ўлим бугун соат уч билан бешнинг орасида юз берган. Аникроғи, уч ярим билан беш яримнинг орасида. Менимча, беш яримларда.

– Нимага ундай деб ўйлайсиз?

– Симмз унга соат икки яримда иккинчи вискини келтириб берган. Биринчи шишани у икки ярим соатда бўшатган. Иккинчисини ҳам шунча вақтда бўшатган бўлса керак. Бу соат бешларга тўғри келади. Булар ичкарига киришганда иккала шиша ҳам бўш бўлган.

– Мантиқан тўғри, – бош ирғади Никольсон. – Нима қиламиз?

– Сен экспертларни чақир, бармоқ изларини олишсин. Мен булар билан бошқармага кетаман.

Жулиус Вейганд ўрнидан турди:

– Унда машинамни бир четга олиб қўй.

– Ташвишланманг, жаноб Вейганд, – деди Симмз, – калитни берсангиз, ўзим уни четга олиб қўяман. Хартман хонимнинг юklarини ҳам хонасига олиб кириб қўяман. Айтганча, 521-хона сизники.

– Раҳмат, – деди Лидия.

Вейганд калитни берди ва сержант уларни полиция бошқармасига олиб кетди. Улар лифтда юқори қаватга кўтарилишди ва сержант Картер уларни “Қотилликлар” деган ёзув осилган эшик олдига олиб келди. Ичкарида бир нечта стол ва стуллар жойлашган хона бўлиб, бир киши телефонда ким биландир гаплашаётганди. Хонада бошқа ҳеч ким йўқ эди. Картер жойига ўтирди ва Лидия билан Жулиусга ҳам ўтиришга ишора қилди.

– Чекасизми? – деди у сигарет қутисини узатаркан. Улар рад этишгач, Картер бир дона сигарет олди ва Лидияга қараб деди:

– Тушунишимча, мархум сизнинг эрингиз эди, шундайми?

Лидия тасдиқ маъносида бош силкиди.

– Рочестердан келдингизми?

– Ҳа, Жулиус ҳам.

– Ҳм-м, эрингиз бу ерда нима қилаётганди?

– Ичиб ётганди, – Лидиянинг овози зўрға эшитилди.

Кейинги пайтда фақат ичаётганди. Жим бу ерга келишдан олдин Рочестердаги меҳмонхонада ҳам шунақа қилганди.

– “Кейинги пайтда” деганингиз нимани англатади?

– Кейинги бир неча ҳафталардан бери. У бизнесдаги ишлари орқага кетганидан тушкунликка тушиб қолганди.

– У нима билан шуғулланарди?

– Жим билан Жулиус кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи “Вейганд ва Хартман” компаниясига эгалик қилишарди. Уч ҳафта олдин улар банкрот бўлишди. Бу Жимни деб бўлди.

– Нима учун? – сўради Картер.

– У... пулларни ноқонуний ўзлаштириб олган. Жулиус буни жуда кеч пайқаган. У ўшанда ҳам яхшилик қилди. Жимни бу иши учун судга бериши ҳам мумкин эди.

– Бу билан ишим ўнгланиб қолмасди, Жимнинг қамалгани қоларди, холос, – гап қўшди Жулиус.

Картер Вейгандга ўтирилди.

– Шеригингизга шунчалик ачиндингизми?

– Йўғ-э. Агар Лидия бўлмаганида уни қаматиб юборардим, – деди Вейганд. – Лидиянинг дилини оғритишни истамадим.

– Шунақами! Ҳўш, нима учун?

– Биринчидан, унинг айби йўқ, иккинчидан, уни севиб қолганман.

Картер унга узоқ тикилиб турди, кейин Лидияга ўтирилди:

– Эрингиз бу ерда эканлигини қаердан билдингиз?

– Жулиус соат бешларда менга қўнғироқ қилди. Мен ундан эримни кузатиб юришини илтимос қилгандим. Чунки Жимдан хавотирда эдим. Жулиус Жимнинг “Редмилл”

меҳмонхонасида эканлигини ва вискига буюртма берганини айтгач, соат олтидаги поездга ўтирдим ва етти яримда етиб келдим. Жулиус мени кутиб олди.

– Ҳм-м. Агар сиз соат бешда Рочестерда бўлган бўлсангиз, сиздан гумон олиб ташланади, – минғирлади Картер ва яна Вейгандга қаради.

– Унинг айтганларини тасдиқлайсизми?

– Албатта. Наҳотки ундан шубҳаланиш мумкин бўлса?

– Қоидага кўра, эр ўлдирилганида биринчи ўринда хотини гумон остига олинади. Энди сизга келсак. Марҳумни Рочестердан бу ерга сиз олиб келдингизми?

– Йўқ. Мен унинг Буффалога борадиган автобусга чипта олганини кўргач, тўғри бу ерга келдим. У меҳмонхонага жойлашгач, навбатчидан уни кузатиб туришини сўрадим. Навбатчи менга Жим виски буюртирганини айтганидан кейин Лидияга кўнғироқ қилдим.

– Тушунарли. Демак, сиз ўзингизни банкрот қилган инсоннинг аччиқ қисматини енгиллаштиришни ўз зиммангизга олгансиз.

Вейганд қизариб кетди.

– Уни деб қилмадим. Ҳаммасини Лидия учун қилдим.

– Албатта, чин севги намунаси, – киноя қилди Картер.

Вейганд баттар қизарди.

– Нимага шаъма қияпсиз, сержант?

– Ҳозир тушунтириб бераман, – деди Картер. – Хартманнинг чўнтагида бор-йўғи олтмиш уч доллар пул бўлган. Демак, талончилик юз берган дейиш кийин. У бу ерлик эмасди, шунинг учун унинг бу ерда душмани бўлган деёлмаймиз. Сиз унга қасдлашиб қолгансиз, бунинг устига унинг хотинини севасиз. Уйланганмисиз, жаноб Вейганд?

– Йўқ, лекин мени айбламоқчи бўлсангиз...

– Мен ҳозирча ҳеч кимни айблаганим йўқ, – унинг гапини бўлди сержант. – Мен фақат сизда қотиллик қилиш учун бир-иккита сабаб бўлганини ва шунинг учун

Рочестердан бу ерга келганингизни таъкидламоқчиман, холос.

– Лекин у менинг илтимосим билан бу ерга келганди, – эътироз билдирди Лидия. – Мен Жим ўзини ўлдиришидан кўрққандим.

– Эҳтимол, лекин манави киши эрингиз айнан шундай қилмаслигидан кўпроқ кўрққан бўлса керак, – деди Картер заҳархандалик билан. – Ҳар қалай, “энг маъқул” гумондорни топмагунимизча, Вейганд, сиз ҳибсга олинасиз.

Жулиус Вейганд ўрнидан сакраб турди, энди оғзини жуфтлаган пайтда эшик очилиб, қўлида қоғоз халта кўтарган Гарри Никольсон кириб келди. Сержант Картер ундан сўради:

– Натижа борми?

– Экспертлар ҳали ҳам бармоқ изларини олишяпти.

У халтани стол устига қўйди.

– Мана буни кўринг-чи.

Сержант халта ичига қўлини суқди ва ингичка буклама пичоқни чиқарди. Пичоқ тиғида қорамтир доғ бор эди. Картер пичоқни стол устига қўйди ва сўради:

– Бу пичоқни бирортангиз биласизми?

Лидия пичоққа энгашди. Унинг суякдан ишланган қора сопида зарҳал билан ёзилган “Ж.Х.” ҳарфлари кўриниб турарди.

– Бу эримнинг пичоғи. У пичоқни доим ўзи билан олиб юрарди, – пичирлади у.

Картер Никольсонга қаради.

– Демак, у ўз пичоғи билан ўлдирилган. Ҳа-а. Чамаси, котил кирган пайтда у маст бўлиб ухлаб ётган бўлган.

– Фикримни айтайми? – деди Никольсон. – Тўғри, биз Хартманнинг ва пичоқдаги қон гуруҳларининг натижасини кутишимиз керак, лекин гаров ўйнайманки, улар бир хил чиқади!

— Гаровнинг кераги йўқ, — деди Картер. — Бунни қаердан топдинг?

— Вейганднинг машинасини текширувдим, — деди Никольсон. — Пичоқ машина ичидаги қутичада турган экан.

Лидия меҳмонхонага қайтганида ярим тун бўлганди. У Жулиусга нисбатан чиқарилган айбловга узоқ эътироз билдирди. Кейин эса адвокатга қўнғироқ қилиб унинг келишини кутди. Аммо ҳеч нарса ёрдам бермади: қасддан қотиллик қилишда гумон остига олинган шахсни гаров эвазига қўйиб юбориш тақиқланганлиги боис Жулиус Вейганд ҳибсхонада қолди. Лидиянинг барча ҳаракатлари Жулиусга ёрдам бермаган бўлса-да, унинг ўзига ёрдам берганди. Агар полиция уни ҳам қотилликда гумон қилганида ёмон бўларди. Бахтига, полициядагилар унинг эри учун қайғурганини маъқуллашди. Албатта, ҳеч ким, Жулиуснинг ўзи ҳам Лидия нима учун Жимнинг ўз жонига қасд қилишидан бунчалик хавотирланганлигининг асл сабабини билмасди...

Лидия хонага кириб ечинди. Пайпоғини ечаётиб сондаги кичкинагина қонли доғни кўриб қошини чимирди. Пичоқни пайпоғи ичига солганида теккан суюқ қон доғ бўлиб қотиб қолганди.

Иккинчи пайпоғини ечишдан олдин у ваннахонага кириб қон доғини ювиб ташлади. Бу пайпоғини ечаркан, пайпоғи орасидан букланган қоғоз парчасини олиб ўқишга тутинди. Жимнинг хонасида уни ўқишга вақти бўлмаганди. Ўшанда бу қоғозни пайпоғи орасига яширишга зўрға улгурганди.

Хат қинғир-қийшиқ қилиб ёзилганди. Лекин ўқиса бўларди:

“Кечир, мен ҳаётдан кетишнинг шу йўлини танладим...”.

Қолган сўзларни ўқий олмади, лекин бунни ўз жонига қасд қилган одамнинг мактуби дейишга шунинг ўзи етарли эди. Лидия қоғозни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Яхшиям у Жим ҳаётини суғурта қилдирган суғурта

идорасида ишларди. Акс ҳолда эри ўз жонига қасд қилгани учун эллик минг доллар суғурта пулини ололмаслигини билмаган бўларди. Яхшиям у ўн йиллик никоҳидан сўнг нимагадир эришадиган бўлди. Агарда пичокни Жимнинг кўксидан суғуриб олмаганида ва унинг қўлидаги хатни яширмаганида бунга эришолмаган бўларди.

*Рус тилидан
Дилшодбек Асқаров таржимаси*

ОЙ СЕҲРИ

Навбатдаги ҳикоямнинг сюжетини миямда пиштаётганимда, одатда, кўчаларда дайдийман. Агар ўша пайтда Токиода бўлсам, доим бир йўналишда сайр қиламан: Асакуса истироҳат боғи, Юзта гул боғи, Уэнодаги Император музейи, ҳайвонот боғи, Сумидагавадаги паром, Рёгокудаги сумо зали (у ердаги юмалоқ гумбаз менга Панораманинг эски биносини эслатади). Мана, ҳозир ҳам Рёгокудан, “Арвоҳлар кечаси” томошасидан келдим. Лабиринтнинг ёнидан ўтаётганимда болаликдаги ширин хотиралар ёдимга тушиб кетди... Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Бир сафар кўлёмани қайта-қайта сўрайверишгач, уйда ўтиролмай қолдим. Токиода бир ҳафта дайдиб, кунлардан бир куни Уэно истироҳат боғига кириб қолдим. Кун ботаётганди. Деярли хувиллаб қолган музейнинг ёпилишига оз вақт қолганди. Токиоликлар, одатда, томоша тугаб пардалар туширилишини ҳам кутмай пойабзалларини қайтариб олишга шошилишади. Бу менинг ғашимни келтиради.

Ҳайвонот боғида ҳам аҳвол шу эди. Томошабинлар ёппасига уйларига қараб югураётгандек эди гўё. Дарвозалар ҳали ёпилмаган бўлса ҳам, ҳайвонот боғи хувиллаб қолганди. Сукунатдан роҳатланиб, маймунлар қафасининг ёнида хаёл суриб қолдим. Безор қилган бекорчи оломон тарқалгач, ҳатто маймунлар ҳам мунғайиб қолишганди. Бир пайт ортимда кимдир турганини ҳис қилиб, сесканиб кетдим.

Ўгирилиб қарасам, қаршимда рангида қон йўқ, узун сочли бир йигит турибди. Эғнидаги дазмол кўрмаган камзули шалвираб қолган – дайдининг ўзгинаси эди.

У лаб-лунжини буриб маймунларнинг жигига тега бошлади. Унинг бу ерга кўпдан бери келиши ва маймунларни масхара қилиш жону дили экани сезилиб

турарди. Йигит чўнтагидан емак чиқариб маймунларни томоша кўрсатишга мажбур қиларди-да, хумордан чикқач, егуликни уларга отарди. Маймунларнинг қилиқларини кўриб, ичагим узилгудек хохоладим.

– Маймун ўзини маймундек тутмаса нима қиларкан-а? – деб қолди йигит қўлида мандарин пўстлоғини ўйнатаркан. Қафасдаги маймун ҳам унга таклидан панжасидаги пўстлокни ҳавога отиб илиб оларди. Жилмайганимни кўриб, йигит қўшиб қўйди. – Аслида бу жуда аянчли одат. Бояқиш маймунларни худо урган...

“Ў-ҳў, бу ғирт файласуф экан-ку”, деб ўйладим ичимда.

– Маймуннинг бунақа майнавозчилик қилиши кулгили. Лекин одам шу ишни қилса борми... Аслида худо одамни ҳам шунақа қилиб яратган. Бу ҳақда ўйлашга кўрқасан киши. Тоғда маймунга йўлиққан саёҳатчи ҳақидаги воқеани эшитганмисиз?

Йигит гап сотишни хуш кўрар экан, борган сари унинг чакаги очилаётганди. Мен ўзим тортинчоқ одамман, бегоналар билан гаплашишни ёқтирмайман, лекин бу йигитча мени беихтиёр қизиқтириб қўйди: ранги бўздек оппоқ бояқиш дайдининг файласуфлардек гапириши эътиборимни тортди.

Мен бош чайқадим:

– Йўқ, эшитмаганман. Қанақа воқеа экан?

– Кунлардан бир куни, – ҳикоясини бошлади у, – бир шаҳарлик тоғда каттакон маймунни учратиб қолибди. Маймун шўхлик қилиб унинг қўлидаги қилични тортиб олибди-да, сермай бошлабди. Саёҳатчининг боши қотибди: қуролидан айрилди, энди тирик қолиши дарғумон...

Ичимда кулиб қўйдим: қоронғи тушаётганда манави ғалати нусханинг менга ажабтовур ҳикояни айтиб туриши четдан жуда ғалати кўринса керак.

– Шаҳарлик қиличини қайтариб олишга роса уринса ҳам қўлидан ҳеч иш келмабди... Маймун дарахтга чиқиб

кетибди. Лекин шаҳарлик ҳам анойилардан эмас экан, безбет маймунни чув туширишнинг йўлини дарров топибди. Оёғининг остидаги бир шохни олибди-да, қиличдан сермай бошлабди. Маймун ҳам, одатдагидек, унга тақлид қилибди. Шаҳарлик айнан шуни кутаётган экан, шохни сермашдан тўхтаб, бўйнига тирабди-да, худди кесаётгандай қилиб қимирлатибди. Маймун эса ўзини бўғизлаб қўйибди. Нариги дунёга равона бўлибди, ха-ха-ха! Қон шарриллаб оксаям у шаҳарликка тақлид қилишни қўймасмиш. Охири жони узилибди... Шаҳарлик эса уйига ўлжа билан қайтибди. Хуллас, маймуннинг адабини берибди, ха-ха-ха!

Суҳбатдошимнинг кулгиси этни жунжиктирадиган совук кулги эди. Мен жилмайган бўлдим, йигит эса кулишдан тўхтаб гапира кетди:

– Мен ўзимдан бир сўз ҳам қўшганим йўқ. Маймунларнинг бори шу. Уларнинг қисмати шунақа. Бир синаб кўрамизми?

У ерда ётган бир таёқни олиб маймунга узатди. Ўзи эса қўлидаги таёқ билан бўйнини кесаётгандек қилиб кўрсатди. У маймунларнинг феъл-атворини яхши ўрганган экан, айтгани тўғри чикди. Маймун ўзини бўғизлашга роса уринди.

– Ана, нима дегандим? – деди йигит ғолибона ишшайиб.
– Кўрдингизми? Таёқнинг ўрнида пичоқ бўлганда нима бўларди? Аллақачон унинг жони узиларди!

Ҳайвонот боғида биздан бошқа ҳеч ким йўқ, сершоҳ дарахтлар ваҳимали кўланка ташлаб турарди. Этим жимирлаб кетди: юзи бўзарган суҳбатдошим одамда аллақандай мудҳиш таассурот қолдирарди.

– Даҳшатли манзара, тўғрими? Тақлид қилиш одати одамни ҳам худди шу қўйга солиши мумкин. Одам ҳам бу одатдан қутулолмайди... Масалан, Тард деган

жамиятшунос инсоннинг ҳар бир амали тақлид деб ҳисоблаган.

Шундан кейин йигит ғалати гапларни гапира бошлади. Айтганларининг барини ҳозир эслолмайману, лекин гапларидан тақлид қилиш хавфли деган хулоса келиб чиқарди. Айтмоқчи, ойналар ҳам уни худди тақлиддек кўрқитаркан.

– Ойнага қараганда ҳеч кўрққанмисиз? – деб сўради у. – Менимча, бу дунёда ойнадек кўрқинчли нарса бўлмаса керак. Нега дейсизми? Ойнада маймундек сизга тақлид қиладиган нусхангиз бор-ку!

Ҳайвонот боғи ёпилаётганди. Қоровулнинг қистовидан сўнг дарвозага қараб юрдик. Лекин хайрлашиш ўрнига тун қоронғусида Уэно боғига йўл олдик.

– Мен сизни танийман, – деди ҳамроҳим. – Сиз – саргузашт ҳикоялар ёзадиган Эдогавасиз.

Сўқмоқ дарахтларнинг қоп-қора кўланкаси орасидан ўтганди ва ҳамроҳимнинг бу гапи мени яна ваҳимага солди. Кўрққанганимни яширмайман, лекин шу билан бирга мени бу одам жуда қизиқтириб қўйганди.

– Менга сизнинг романларингиз ёқади. Лекин, очиғини айтсам, охиргилари зерикарлироқ чиққан. Авваллари янгидай туюлгани учун уларни кўлдан қўймай ўқигандирман балки, – деди йигит пинагини бузмай. Очиғини айтгани менга ёқди.

– Ана ой, қаранг!

Унинг фикри лип этиб бир нарсадан иккинчисига кўчаверарди. Эси оғиб қолган бўлса-чи, деган гумонга ҳам бордим.

– Бугун ўн тўртинчи – ой тўлай деб қолган. Ана, қаранг, “ойнинг ойдин шуъласи”. Сеҳрли ва гўзал шуъла... Ойнинг сеҳр-жодуси ҳақида қаердадир ўқигандим. Атрофга қаранг, ҳамма нарса ўзгарган: кундузги манзарага сира ўхшамайди!

Сиз ҳам ўзгарибсиз... Ҳайвонот боғида кўринишингиз мутлақо бошқача эди!

У менга шунчалар қаттиқ тикилдики, ўзимни йўқотиб қўяй дедим. Йигитга қарагандим, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди: унинг киртайган кўзлари ва қорайиб турган оғзи жуда ваҳимали кўринарди.

— Ой ва ойна ўртасида сирли бир алоқа бор. Шоирлар ойнанинг сувдаги аксини мадҳ этишади. “Ой кўзгуга айланса эди...” деб бекорга айтишмаган. Ҳа, ойна ва ой бир-бирига жуда ўхшайди. Анави ёққа қаранг!

Йигит кўрсатган томонга қарадим: қаршимда туман остида кумушдек товланиб Синобадзу қўли ястаниб ётарди. Қўл ҳозир кундузгидан икки баробар каттароқ кўринарди.

— Биз қуёш нурида борлиқнинг асл шамойилини кўрамиз. Ой нури эса бизга унинг аксини кўрсатади. Сиз ҳеч шулар ҳақида ўйлаганмисиз?

Сухбатдошимнинг ўзи ҳам ойнадаги аксга ўхшар — қоронғида қадди ғира-шира кўринар, юзи оппоқ доғни эслатарди.

— Сиз янги ҳикоя учун сюжет кидираяпсиз, шундайми? — деб сўради у кутилмаганда. — Менда сизга мос бир сюжет бор. Бу — ҳаётий воқеа, ўзимдан бир сўз ҳам қўшмайман. Ҳўш, айтиб берайми?

Менга ҳақиқатан ҳам сюжет керак эди. Шундай экан, жон деб рози бўлдим:

— Қаёққа борамиз? Балки бирор ресторанга кириб қиттак-қиттак ичиб сухбатлашармиз?

Аммо ҳамроҳим бош чайқади:

— Ресторанга бориш шарт эмас. Аслида мен тортинчок эмасман. Лекин ҳикоямни электр нури остида айтолмайман. Яхшиси, шу ерда ўтирайлик. Шу баҳона сеҳрли ой шуъласини, қўлни томоша қиламиз... Гапни чўзиб сизни кўп қийнамайман.

Мен рози бўлдим ва биз кўл ёқасидаги улкан харсанглардан бирига ўтирдик.

– Конан Дойлнинг “Даҳшат водийси” деган қиссаси эсингиздами? – деб сўради у. – Адашмасам, воқеалари тоғлар орасидаги бир дарада рўй беради. Лекин “даҳшат водийлари” тоғдан бошқа жойларда ҳам бор. Масалан, мен шаҳарнинг қоқ маркази – Маруноути даҳасидаги битта шунақа жойни билардим. Иккита тош иморат орасидаги торгина бўшлиқни кўз олдингизга келтиринг. Тамаддун яратган дара... Оддий тоғлар бунинг олдида ҳеч нарса эмас. Харсангларни совуқ бетон девор билан солиштириб бўлармиди? Бу ерда на ўт-ўлан, на гул ўсади. Кўзни чалғитадиган ҳеч нарса йўқ. Йил бўйи шу аҳвол. Баҳайбат болталар билан очилган машъум тиркиш. Тубида туриб қарасангиз, осмон ингичка тасмага ўхшаб кўринади. Ой ва қуёш нури у ерга бир лаҳзагина тушади, холос, қолган вақт зулмат ҳукм суради. Бунақа тиркишда кундуз куни ҳам юлдузларни кўрса бўлади, доим этни жунжиктирадиган муздек шамол эсиб туради...

Шунақа жойда мен роппа-роса Буюк зилзилагача яшаганман. Иморат S кўчасига қараган эди. Олд томони чиройли қилиб безатилган, лекин бинонинг ичига киришингиз билан ўликлар маконига – иккита совуқ девор орасидаги бир неча метрли чоҳга кўзингиз тушарди. Деворларда дераза тиркишларидан бўлак ҳеч вақо кўринмасди. Бу уйдаги хоналар яшаш учун ижарага ҳам берилса-да, асосан, идоралар жойлашганди. Шунинг учун бу ерда ҳаёт фақат кундуз куни ғайнар, кун ботгач, ҳамма ходимлар уйига шошиларди.

Кундузги ғовур-ғувурдан кейин оғир сукунат чўқар, ҳатто дарадаги уккиларнинг овози эшитилаётгандек бўларди. Хуллас, одамни ваҳима босарди.

Ўша ерда хат ташувчи бўлиб ишлардим ва кун ботгач, бинодаги ертўлада тунардим. Мендан ташқари бу уйда яна

бешта одам яшаса-да, улар билан гаплашмасдим. Расм чизишни ва ёлғизликни яхши кўрардим ва бўш вақт топилди дегунча холироқ жой топиб, расм чизардим. Баъзан эрталабдан кечгача бир оғиз ҳам гапирмасдим.

Сизга гапириб бермоқчи бўлган воқеа ўша “дара”да рўй берди, шунинг учун ҳам у жойни батафсил тасвирлаяпман.

Қизиғи, кўшни уйнинг девори бизнинг деворимиз билан бир хил эди. Ғалати, машъум ўхшашлик... Меъмор биноларни атайлаб шундай курганига шубҳам йўқ. Ҳар иккала уй ҳам беш қаватли эди. Олд томони, безаклари, ранги бир-бирига ўхшамаса-да, ўша “дара”ни ҳосил қилган орқа деворлари мутлақо бир хил эди. Томнинг кўриниши, кулранг бўёқ, ҳар бир қаватга тўрттадан қурилган деразалар шакли, хуллас, бари ойнадаги аксдек такрорланганди. Ҳатто бетондаги ёриқлар ҳам ўхшашдек туюларди.

Ўша “дара” томондаги хоналарга куёш нури камдан-кам тушарди (балки адашаётгандирман), шунинг учун у ерда деярли ҳеч ким яшамасди. Айниқса, бешинчи қаватдаги бунақа нокулай хоналар йил бўйи ҳувиллаб ётарди ва мен бўш вақт топилди дегунча мольберт ва бўёқларни кўтариб, ўша ёққа чиқардим. Лекин ҳар сафар рўпарадаги бинонинг деворига кўзим тушганда афтим буришиб, кўнглим қандайдир фалокатни сезарди. Ва кўп ўтмай тахминларим тўғри чикди...

Бир неча кун ичида бешинчи қаватда яшаётган учта одам ўз жонига қасд қилди. Дастлаб атир-упа сотиш билан шуғулланадиган қари савдогар ўзини осди. Ижарага хона олишга келгандаёқ бу одамнинг ўта жиззаки ва таъсирчан эканини пайқагандик. У савдогарга ўхшамас, доим хаёлга чўмиб юрар, кўриниши ҳам телбанамо эди. Унинг деразаси лаънати “дара”га қараган хонани ижарага олишига ишончим комил эди. Ҳақиқатан ҳам, савдогар бешинчи қаватдаги энг хилват ва арзон бир жуфт хонани танлади ва бир ҳафтадан кейин ўз жонига қасд қилди. Ҳеч кими йўқ

сўқкабош савдогар хоналардан бирига эски каравон ўрнатиб, гўрдай зимистонда ёлғиз ухларди.

Хуллас, ой тўлган оқшом у деразадан чиқиб турган кабелли тўсинга ўзини осди. Тўсинга арқон боғлаб сиртмоққа бошини сукди. Тонгда йўлакни супураётган фаррош савдогарнинг деразадан осилиб турган мурдасини кўргач, ҳаммаёққа жар солди.

Лекин қари тадбиркор нега ўзини осгани номаълумлигича қолди. Полиция ҳеч қандай сабаб тополмади. Мархумнинг ишлари жойида, ҳеч кимдан қарзи йўқ эди, қарияни оилавий муаммолар ҳам безовта қилмасди. Шундан кейин ҳамма инс-жинслару савдогарнинг ғалати феъл-атвори ҳақида гапира бошлади. Лекин кўп ўтмай воқеа яна такрорланди. Бу сафар ўзини ўлдирган одам мархумнинг хонасини бир тунга ижарага олганди, холос. Эртаси куни унинг мурдасини ҳам бўйнига сиртмоқ осилган ҳолда топишди. Ҳамманинг боши қотганди. Савдогардан фарқли ўлароқ, иккинчи мархум рисоладагидек одам эди ва арзонлиги учунгина бу хонани ижарага олганди. “Дахшат водийси”га очилган лаънати дераза! Ундан қараган ҳар қандай одамнинг ўзини ўлдиргиси келарди. Бутун даҳада ваҳимали миш-мишлар тарқалди.

Ўзини ўлдирган учинчи одам ҳам машъум хонада муқим яшамасди. Ҳаммага ўзини кўрсатмоқчи бўлган бир идора ходими хонага кириб, инс-жинсларни ўз кўзим билан кўрмоқчиман деб туриб олди...

...Йигитнинг хикоясидан аллақачон зерика бошлаган бўлсам-да, миқ этмай эшитаётгандим, лекин шу жойида чидаб туrolмадим.

— Бу шоввоз ҳам деразага ўзини осган, шундайми? — дедим кесатиб.

Йигит менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди-да, кейин бош сермади.

– Демак, бир нечта одам битта жойда, бир хил усулда ўз жонига қасд қилса, ҳаммасига тақлид қилиш одати сабаб бўларкан-да?

– Э, гап бу ёқда экан-да. Зерикиб қолибсиз-да, – деди йигит. – Лекин янглишаяпсиз! Агар воқеа шунчалик жўн бўлганда, мен у ҳақда гапириб ҳам ўтирмасдим.

Йигит жилмайди:

– Ўлим бор жойда шайтоннинг қўли борлигига сизни ишонтириб ўтирмоқчи эмасман. Бу шундоқ ҳам сийқаси чиққан мавзу.

Ўзр айтиб, ҳикояни давом эттиришни сўрадим.

– Хуллас, қаҳрамонимиз машъум хонага кириб, устидан кулфлаб олди-да, уч кеча мижжа қоқмай чиқди. Лекин унга жин ҳам урмади. Шундан кейин ёвуз рухларни қувдим, деб роса гердайди. Ана ўшанда мен бир нарсани пайқадим: ҳар уч тунда ҳам ойни булутлар тўсиб қўйганди!

– Бу ўлимларга ойнинг алоқаси бор демоқчимисиз?

– Ҳа-да! Ҳалиги икки бечора тиниқ осмонда ой нур сочиб турганда ўз жонига қасд қилган. Ойни булут тўсгач, ҳеч бало рўй бермаган. Фалокат унинг нури бир лаҳзага уйлар орасидаги тирқишни ёритганда рўй берган. Ойнинг сеҳру жодуси...

Йигит ой нурида кумуш рангга бурканган кўлга қаради. Сув юзаси ҳақиқатан ҳам улкан ойнада акс этаётгандек жилваланарди.

– Ҳа, ҳамма гап ой нурининг сеҳрида. Бу совук ёғду кўнгилни ўртаб, юракни чўғдек қиздиради. Қалбга шоирона қайғу солади... Ой нури нафақат шоирларга, оддий одамларга ҳам ҳаётнинг ўткинчилигини эслатади. Агар “романтик телбалик”, деган таъриф тўғри бўлса, ой ёғдуси бизни айнан шу кўйга солади.

Суҳбатдошимнинг чиройли гаплари мени ҳайратга солди.

– Уларни ўз жонига қасд қилишга ой ундаган демокчимисиз? – деб сўрадим яна.

– Ҳа. Лекин бунга фақат ой сабабчи дейиш ҳам нотўғри. Чунки агар ой нури шундай кудратга эга бўлганда, ҳозир бизлар ҳам ўзимизни осардик-ку, тўғрими? Иккимиз ой нурида чўмилаяпмиз, десак ҳам бўлаверади!

Ғира-ширада йигитнинг юзидаги табассум худди эски ойнадагидек қийшиқ кўринди ва арвоҳлар ҳақидаги ривоятни эшитаётган боладек баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

– Қаерига келувдим... Ҳа, хуллас, ўша ботир машъум хонада тўртинчи кунни ҳам ўтказмоқчи бўлди. Афсуски, шу кун кечқурун осмонга тўлин ой чикди. Ертўлада ухлаб ётганимда ярим тунда мени кимдир туртгандек бўлди. Уйғониб, осмондаги ойни кўрдиму, тунги кийимда тор зинадан бешинчи қаватга қараб югурдим. Уйнинг ичи қоп-қоронғи ва жим-жит эди. Бунақа ваҳимали сукунатни тасаввур қилиш ҳам қийин. Худди гўрдагидек...

Йўлакда бир-иккита чироқ милтиллаб турар, лекин шу ёруғ ҳам мудҳиш зулматга зеб берарди гўё. Ҳалиги лаънати хонага етиб келгач, қадам товушимнинг акс-садосини эшитиб, кўрқиб кетдим. Тутқични бурасам, эшик очиқ экан. Хонанинг бир бурчагидаги столда ҳаворанг қалпоқли фонус хира нур сочиб турарди. Шу ғира-ширада хонани кўздан кечирдим: ҳеч ким йўқ. Каравот бўм-бўш. Лекин деразанинг очиқ эди. Узоқлашаётган ой сўнгги нурларини сочиб деворнинг ярми ва қўшни бинонинг томини ёритарди. Рўпарадаги дераза ҳам ланг очиқ, ичи қоп-қоронғи эди. Ойнадаги акснинг ўзгинаси! Ой нури бу ўхшашликни янаям бўрттирарди...

Кўнглим қандайдир фалокат рўй берганини сезиб, деразанинг ёнига келдим-у, негадир дастлаб пастга, бинолар орасидаги “дара”га қарадим. Ойнинг ғира-шира ёғдуси энди фақат томнинг бир четини ёритар, “дара” эса қоп-қора

тубсиз ўпконга ўхшарди. Кейин кўрқа-писа бошимни ўнгга бурдим. Девор деярли кўринмай қолган, лекин ҳалиям ой нурининг таъсирида атрофдаги нарсаларни илғаш мумкин эди. Ўнг томонда мен кутган манзара намоён бўлди: қора шим кийган эркак жасади кўл-оёғи шалвираб осилиб турар, бўйнига сиртмоқ тортилганди. Боши эса қийшайиб қолганди. Ой ёғдусидан ҳайратланган қаҳрамонимиз ҳам тўсинга ўзини осганди.

Ортга тисарилдим. Юрагимни ваҳима босди: ой менга ҳам шундай таъсир қилса нима бўлади? Шу пайт... Ортга тисариларканман, кўзим рўпарадаги бинога тушди, у ердаги ланг очик деразадан бир одамнинг юзи кўринди! Ғира-шира қоронғида ҳам унинг буришган, сарғиш, бадбашара юзи аниқ кўринди... Ўша одам менга тикилиб турарди!

Ҳайратдан донг қотиб қолдим. Кўшни бино ўша пайтлар уй эгаси ва банк ўртасидаги можаро туфайли беркитилган, у ерда ҳеч ким бўлмаслиги керак эди. Аммо ярим тунда ҳеч зоғ яшамайдиган уйдан менга кимдир тикилиб турарди! Тўсинда осилиб ётган жасаднинг тўғрисидаги ичи қоп-қоронғи деразада алвастининг сарғиш башараси кўринди! Йўқ, бу тасодиф эмасди. Балки у арвоҳдир? Қўрққанимдан баданимдан совуқ тер оқар, лекин сарик юзли арвоҳдан кўз узмасдим.

Яхшироқ тикилиб, бу эти устихонига ёпишган жиккаккина чол эканини пайқадим. Шу пайт унинг буришган башараси масхарамуз ишшайди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Эртаси куни ходимлардан, хизматкор чолдан роса сўраб-суриштирдим. Ҳаммалари рўпарадаги бино бўм-бўшлигини, у ерда ҳатто қоровул ҳам йўқлигини айтишди. Чамаси, ҳақиқатан ҳам арвоҳга йўлиққандим. Полициячилар ҳар уччала ўлим ҳолатини ипидан-игнасиғача ўрганишди ва бундан ҳеч қандай натижа чиқмади: уларни ҳеч ким ўлдирмаганди. Аммо мен бир йўла учта одамнинг

гайритабий тарзда ўз жонига қасд қилишига ишонмасдим. Тунни ўша хонада ўтказган одам эсдан оғиб ўзини осадидеган ақл бовар қилмас изох мени қониктирмасди. Рўй бераётган воқеаларда ҳалиги сарик нусханинг қўли бор эди. Марҳумларнинг уччовини ҳам ўша ўлдирганди. Ва ҳар сафар тасқара башарасини буриштириб, совук ишшайган ҳам аниқ эди. Бу ерда қандайдир сир борлигига ишончи комил эди.

...Бир ҳафтадан кейин ғаройиб воқеа рўй берди. Топширик билан мени қаёққадир юборишди ва ҳалиги бинонинг ёнидан ўтаётганимда уйнинг биқинида бир нечта эшикли чоғроққина эски ғиштин иморат борлигини пайқадим. Бу бинодаги хоналарни майда тадбиркорлар ва кичик идоралар ижарага олишаркан. Тош зина бўйлаб уйнинг эшикларидан бири томонга шоша-пиша чиқиш кетган, эгнига камзул кийган бир қари жаноб эътиборимни тортди. Бу қотма чолни қаердадир кўргандек эдим. Юришдан тўхтаб, унга разм солдим. Чол эшик олдида оёқ кийимини артаётиб мен томонга ўтирилган эди, ҳайратдан нафасим қайтиб кетди. Бу ярим тунда деразадан қараган ўша бадбашара сарик арвоҳ эди! Чол ичкарига кириб кетди. Эшикдаги тилларанг лавҳага: “Доктор Рёсан Мэра. Кўшифокори” деб ёзиб қўйилганди. Ўша ердаги халташувчидан доктор Мэра бояги чол эканини аниқладим.

Ўйлаб ўйимга етолмасдим: тиббиёт докторининг ярим тунда бўм-бўш бинода изғиб, тиржайганча ўзини осганларни томоша қилишини қандай тушуниш мумкин?

Аста-секин доктор Мэранинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ҳақида маълумот тўплай бошладим. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, у шифокор сифатида унчалик обрўли орттирмаган экан. Пул топишни ҳам эпполмасмиш ҳалигача беморларини ижарага олган хонасида қабул қиларкан. Фейл-атвори ҳам ғалати: беморларга кўпо муомала қилар, баъзан ўзини эси оғиб қолгандек тутар.

эмиш. Сўққабош доктор мижозларни қабул қиладиган хонасининг ортидаги хужрада яшаркан. Айтишларича, у китоб ўқишни яхши кўрар, жавонида тиббий кўлланмалардан ташқари фалсафа, психология ва криминология ҳақидаги китоблар ҳам кўп экан.

Докторнинг қабулида бўлган бир савдогар менга ғалати гапларни айтди: “Ҳар куни тонгда у махсус шиша қутига ясама кўзларни териб кўяди. Уларни бир кўрсангиз эди! Одамни ўйиб юборай дейди! Шундай ёқимсиз ўқталадикки... Хонасида скелет ва келбати одамдек келадиган, мумдан ясалган кўғирчоқлари ҳам бор. Кўз дўхтирига буларнинг нима кераги бор, ҳайронман”.

Ўша кундан бошлаб бўш вақт топилди дегунча доктор ва бешинчи каватдаги ҳалиги деразани кузата бошладим. Сарик башара деразадан бирор марта ҳам қарамади. Лекин доктор, барибир, менда шубҳа уйғотаётганди. Ахир, ўша окшом мен деразада унинг юзини кўрувдим-да. Бошқа томондан, уни нимада айблашни ҳам билмасдим. Ўзини осган уччала одамни ҳам доктор Мэра ўлдирган десак, у бу қотилликларни қандай амалга оширган? Шу жойда тахминларим боши берк кўчага кириб қоларди. Лекин докторнинг қотил эканига ишончим комил эди. Эрталабдан-кечгача шу жумбоқни ечишга уриниб бош қотирардим. Ва бир куни доктор яшаётган бинонинг ортидаги ғиштин деворга чиқиб, унинг хужрасига мўраладим. Хужрада савдогар айтган мум кўғирчоқлар, скелет ва ичига ясама кўзлар солинган шиша қути турарди. Доктор шу матоҳлар билан қандай қилиб қўшни бинодаги одамларни ўз амрига бўйсундирган экан-а? Ўйлаб ўйимга етолмасдим. Гипноз қилганмикан? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Одамни гипноз орқали ўзини ўлдиришга мажбур қилиб бўлмаслиги ҳақида эшитгандим.

...Орадан ярим йил ўтгач, ниҳоят бу жумбоқнинг ечимини топдим. Осакадан келган бир киши арзон экан деб

бешинчи қаватдаги ҳалиги машъум хонани ижарага олди. Ким билади, балки у ўтмишдаги воқеалар энди такрорланмайди, деб ўйлагандир. Лекин бу одам ҳам ўз жонига қасд қилишига ишонардим. Ва мен бу хунрезликка чек қўйишга аҳд қилдим.

Ўша кундан бошлаб ишни бир четга суриб, доктор Мэрани эрта-ю кеч кузата бошладим ва кутилмаганда унинг машъум сиридан воқиф бўлдим.

Ҳалиги хонага янги ижарачи келганига уч кун бўлганди. Учинчи куни кечкурун доктор Мэра уйдан одатда кўтариб оладиган жомадонисиз ими-жимида чикди. Мен ҳам дарров унинг ортидан тушдим. Лекин Мэра мени ҳайрон қолдириб, яқинроқдаги кийим дўконига кирди-ю, камзул-шим сотиб олиб уйига қайтди.

Аслида, дўхтирларнинг энг чаласаводиям ўзига тайёр кийим сотиб олмайди. Бошқа томондан, агар доктор Мэра бирор ёрдамчисига кийим олган бўлса, нега кўчага ими-жимида, бекиниб чикди? Бу ерда қандайдир сир бор. Камзул-шим унга нимага керак?

Докторнинг ортидан ёпилган эшикка қараб ўйланиб қолдим. Кейин бинонинг ортидаги ғиштин девордан унинг хужраси кафтдагидек кўринишини эслаб, ўша ёкка югурдим. Деворга чиққанимда доктор ичкарида ғалати иш билан шуғулланаётганди.

...Хўш, сизнингча у нима қилаётганди? Мумдан ясалган, бўйи одам бўйидек келадиган кўғирчоқлар ҳақидаги гапим эсингиздами? Доктор Мэра шу кўғирчоқлардан бирига харид қилган кийимларини кийдираётганди. Юздан ортик ясама шиша кўз эса унга бакрайиб турарди. Ҳайратдан дон қотиб қолдим. Доктор Мэра эса кўғирчоқни одамдай қилиб ясатди.

Кўғирчоққа кийдирилган камзулнинг ранги ҳам, йўл-йўл чизиклари ҳам ҳалиги хонани ижарага олган осакалик кишининг кийимига қуйиб қўйгандек ўхшарди. Доктор

дўкондан атайин шу камзулни танлаганди. Тунлари осмонни тўлин ой ёритар, машъум фалокат яна такрорланмаслиги учун дархол бирор чора кўриш керак эди. Нима қилсам экан деб роса бошим қотди. Ва, ниҳоят, миямга зўр бир фикр келди.

Яхшилаб тайёрлангач, ярим тунда сўлоқмондек тугунни кўтариб, бешинчи қаватдаги хонага пусиб кирдим. Осакалик ижарачи кечкурун уйига кетганди. Эшикни аввалроқ ясаттирган калит билан очдим-да, столга ўтириб ўзимни ишлаётгандек қилиб кўрсатдим. Эгнимдаги йўл-йўл камзул осакаликнинг кийими билан бир хил эди, уни бир танишимдан қарзга олгандим. Ҳатто сочимни ҳам янги ижарачиникидек тараб олгандим. Деразага орқа ўтириб, жимгина кута бошладим. Хуллас, сариқ иблиснинг кўзига осакалик ижарачи бўлиб кўриниш учун кўлимдан келганини қилдим ва рақибим ҳам тайёргарлик кўришини уч соатча кутдим. Тишимни-тишимга босиб, қимирламай ўтирдим. Ўйлаган режам иш берармикан, дея ҳаяжондан қалт-қалт титрасам-да, деразага қарамасликка ўзимни мажбур қилдим. Соат ўн бирдан ўнта ўтганда ташқаридан уккининг товуши эшитилди. Ҳалиги арвоҳ шу йўл билан мени деразага қарашга мажбур қилаётганди. Маруноутининг қоқ марказида уккининг товушини эшитган ҳар қандай одам ҳам деразадан қараши аниқ! Ўрнимдан турдим-да, деразани очдим. Рўпарадаги бинонинг девори ой ёруғида кумуш рангга бурканганди. Эсингизда бўлса, бу девор бизнинг деворга қуйиб қўйгандек ўхшашини айтгандим. Ғалати, мудҳиш ўхшашлик! Қаршимда худди кумуш рангли улкан ойна тургандек эди. Ой нури бу манзарага ваҳимали тус берарди.

...Қаршимдаги деразамнинг аксидай туюлаётган дераза ҳам ланг очик эди. Унда у ёқда ҳам мен кўринишим керак-ку? ...Бу ғалати фикр беихтиёр бўтун хаёлимни чулғаб олди. Ҳозир эсласам, тепа сочим тикка бўлиб кетади... Мен қаёққа

гойиб бўлдим? Анави очик деразадан қараб туришим керак ку, ахир! Шунда деворга аланглаб, ниҳоят ўзимни топдим. Ҳа, ана мен, ие, тўсинга осилиб турибманми?.. Кўзларимни ишонгим келмасди. Бу хиссиётни сўз билан таърифлаш қийин. Худди тунги босинқирашга ўхшайди. Одатда, одам кўркинчали тушда шу кўйга тушади. Қаршингизда ў аксингизнинг кўзи юмуқ холда тўсинга осилиб турганини бир тасаввур қилинг-а. Дарров кўзларингизни юмиб олдингиз келмайдими? Хуллас, энди аксимга ўхшаш учун ўзимни осилишим керак эди... Ўзини осган аксим ой ёруғидан жуда чиройли кўринар ва унга тақлид қилгим келаварарди...

Ой нурисиз доктор Мэранинг бу ёвуз хийласидан ҳеч иш чиқмасди. У ойдин тунлардагина деразасидаги тўғонга кўғирчоқ осиб қўйиб, соппа-соғ одамни ўз жонига қас қилишга ундарди. Унинг хийласини фош қилган бўлсам-да тузоғига илиниб, дераза тоқчасига оёқ қўйишимга бир бах қолди. Кўнглимдаги мудҳиш истакдан бир амаллаб тийилиб, келтирган тугунимни очдим... Уч-тўрт дақиқадан кейин деразадан докторнинг бурушган сариқ башараси кўринди. У жасадни томоша қилмоқчи эди. Ўзим ҳам шунга кутиб тургандим. Энди навбат меники!

Тугундан келтирган нарсамни чиқариб, эҳтиёткорлик билан дераза тоқчасига қўйдим... Унинг нималигини сезиб тургандирсиз? Топдингиз, мумдан ясалган кўғирчоқ! Мен уни доктор кирган ўша дўкондан қарзга олиб, худди унинг ўзидек кийинтириб қўйгандим.

Ой нурида қўшни деразадан қараётган докторнинг юзи энди аниқ кўринарди. Ҳа, бу ҳаёт-мамот жанги эди. Мен қўшни бинодаги махлукқа тикилиб турардим. Энди кунини битди, разил!

Худо бизни худди маймундек тақлидчи қилиб яратган. Одамзоднинг қисмати шунақа. Доктор Мэра ҳам ўзи қўйган тузоққа ўзи илинди. Тоқчадан ўз аксини кўриб, беихтиёр деразага чиқиб олди. Кўғирчоқнинг қўл-оёғини

кимирлатгандим, у ҳам шу ҳаракатни такрорлади. Шунда кўғирчоқни пастга улоқтирдим!.. Доктор ҳам бир сакраб пастга шўнғиди. Кўп ўтмай “дара” тубидан гурсиллаган товуш эшитилди. Доктор Мэранинг жони узилганди.

Мен ҳам худди Мэрадек тиржайиб арқонни тортдим-да, кўғирчоқни чиқариб олдим. Уни пастда қолдирганимда ҳар хил шубҳа-гумонлар урчирди...

Ҳикоясини тугатгач, йигит совуқ илжайди.

– Доктор Мэранинг ёвузликларига нима сабаб бўлган дейсизми? Қотиллик учун сабабнинг кераги йўқлигини сиз ёзувчилар билишингиз лозим...

Йигит ўрнидан туриб нари кетди. Тўхтатмоқчи бўлгандим, қайрилиб ҳам қарамади. Тунги зулматда кўздан гойиб бўлди. Мен эса, харсангда ўтириб, ой нури остида бу воқеаларни туш кўраётган бўлсам-чи, деб ўйлаб қолдим.

*Рус тилидан
А. ОТАБОЕВ таржимаси*

ОДАМ ЎҒРИЛАРИ

Адам Карлсоннинг кулоғига итнинг хуриган овози базў чалинди, орадан ўн беш сония ўтиб эса учиб ўтаётган самолётнинг товуши келди. Двигателлар товуши бирдан баландлаб, сўнг эшитилмай қолди. Самолёт шундоққина устидан учиб ўтганди.

У соатга қаради: тунги икки-ю ўттиз икки.

Адам каравотга ўтирди ва хонани яна бир марта диққат билан кўздан кечириб чикди. Уч яримга тўрт метрли хона Биронта ҳам деразаси йўқ. Девор, пол ва шифти мустақкам бетондан. Қалин эшикли. Ташқаридан келган овоз деярли эшитилмайди.

У қанча вақтдан бери бу ерда? Худди бир неча кунде туюлса-да, аслида, бу ерга келганига саккиз соатча бўлди. Ҳаммаси кеча кечки пайт содир бўлди. Бунинг охири қандай тугайди?

* * *

Адам машинани гаражга қўйди ва узун йўлак бўйлаб уйига йўл олди. Бирдан қоронғилик қаъридан юзига фақат кўзлари-гина кўриниб турувчи ниқоб кийган, қўлларини тўппонча ушлаган иккита кимса пайдо бўлди.

У чўчиб кетди, лекин ваҳимага тушмади. Қўлларини кўтар-ди ва “Пулларимни олинглар, ҳужжатларимни тегмасанглар бўлди”, деди. У айти пайтда ага ҳужжатларини олиб кетишса, уларни қайта тиклаш машмашаси ҳақида ўйлаётганди.

Лекин босқинчиларни пул ҳам, ҳужжат ҳам қизиқтирмади. Бўйи баланд эркак тўппончаси билан уни юришга имо қилди. Улар орқага қайтишди, дарвозада кўчага чиқишди ва йўл четида турган машинага ўтиришди.

Адамнинг кўзи ва қўл-оёқларини боғлашиб, орқаси ўриндиққа ётқизишди. Аввалига у ҳаракат йўналишини

аниклашга уриниб кўрди, бироқ машина шунчалик кўп бурилишлардан ўтдики, у ҳисобдан адашиб кетди.

Тахминан бир соатча юргач, автомобил тўхтади. Адамнинг оёқларини ечишди.

Кўзлари боғлиқ ҳолда қаергадир етаклаб боришди. Эшик-нинг очилгани эшитилди. Зиналардан пастга тушиб, уни мана шу хонага олиб киришди. Унинг қўлларини арқондан бўшатишиб, кўзига боғланган матони олишганида кўзлари чироқ ёруғидан қамашиб кетди. Хонада битта каравот, стол-стулдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Стол устида бир варақ қоғоз ва ручка турарди.

Баланд бўйли эркак сўз қотди.

– Ўтир, – буюрди у. – Хотинингга хат ёз. Бизга икки юз минг доллар керак.

Адам кўзларини пирпиратди.

– Икки юз минг?

– Худди шундай. Энди билгандирсиз, нима учун бу ерга олиб келганимизни, – деди баланд бўйли киноя билан.

Адам куриб қолган лабларини ялади.

– Хотиним ўтган ҳафтада онаси билан Европага кетган.

Никоблилар бир-бирларига қарашди. Баланд бўйли эркак тўппончасини ўқталди.

– Бизга икки юз минг керак. Ким орқали беришингизнинг фарқи йўқ.

Адам стулга ўтирди.

– Пулни фақат Гарольд Баннистер орқали олиш мумкин. У менинг адвокатим ва маслаҳатчим.

Яна у томон тўппонча ўқталди.

– Ручкани ол. Мен айтганимни ёз.

Адам бундай деб ёзди:

“Ҳурматли Гарольд!

Менга икки юз минг доллар керак бўлиб қолди. Пулни нима қилишингизни телефон орқали айтишади.

Полицияга хабар берманг. Агар полицияга мурожаат қилсангиз, мени қайтиб тирик ҳолда кўрмайсиз.

Адам Карлсон”.

Дароз эркак матни ўқиб чиқди ва бош ирғади. Сўнг иккала ниқобли хонани тарк этишди ва эшикни қулфлашди.

Адам каравотга ётди ва кўзларини юмди. Балки улар пулни олганларидан кейин уни ўлдиришмоқчидир? Агар ўлдириш ниятлари бўлса, у ҳолда ниқобда юришнинг нима кераги бор? Адам мана шу фикрга ёпишиб олди. Улар юзларидаги ниқобни ечмагунларича унинг ҳаёти хавф остида эмас.

Адам эшик қулфининг шикирлашидан уйғониб кетди. У соатга қаради. Саккиздан ўн беш дақиқа ўтганди. Унинг юраги дукиллаб ура бошлади.

Баланд бўйли эркак патнис кўтариб кирди. Ниқоб ҳали ҳам юзида эди.

— Нонушта, — деди у.

У Адамнинг нонушта қилиб бўлишини кутиб турди, сўнг чўнтагидан мато чиқариб унинг кўзларини боғлади.

— Ишхонангга кўнғироқ қиласан. Котибангга бир ҳафтадан кейин келишингни айтасан. “Сафарга чиқаман” дейсан.

Уни хонадан олиб чиқишди.

— Котибангнинг телефон рақамини айт, — деди дароз.

Адам айтди ва телефонда рақам теририлишини эшитиб турди. Гўшакни унга беришди. Котибасининг чақирикка жавоби эшитилди.

— Маж, — деди Адам, — мен бир ҳафта ишга келмайман. Озгина дам оламан, саёҳатга чиқмоқчиман.

— Хўп, сер, — деди котибаси. — Агар зарурият туғилса сиз билан қандай боғланамиз?

– Зарурият туғилмайди, – деди Адам. – Барча ишлар ва учрашувларни бекор қилинг.

Баланд бўйли гўшакни унинг кўлидан тортиб олди.

– Балки яна бирортасига кўнғироқ қилиб қўясан? Яхшилаб ўйла, бизга полиция ёрдамида сени қидириб юришларининг кераги йўқ.

Адам бирпас ўйлади ва деди:

– Уй хизматчисига.

У рақамни айтди ва баланд бўйли унга гўшакни берди.

– Риган хоним?

– Ҳа, – жавоб берди аёл. – Сизмисиз, жаноб Карлсон?

– Ҳа.

– Қаердасиз? Нонуштага тушмадингиз, хавотирланиб Жеймсга айтдим. У сизни тополмади. Кеча кечқурун келган экансиз, чунки ҳамма машиналар гаражда турибди.

– Ҳа, келгандим. Тонг саҳарда танишим келганди. Ўша билан чиқиб кетганман. Риган хоним, мен бир ҳафтача уйда бўлмайман. Дам олишга кетаман.

– Яхши. Кеча хотинингиздан хат келганди. Стол устига қўйгандим, кўрмабсиз.

– Ҳа, эътибор бермабман.

Баланд бўйли уни яна хонага қайтариб олиб кирди ва кўзи-ни ечди. Кечки пайт Адамга дарознинг шериги овқат олиб кирди.

“Афтидан, улар эшик олдида навбати билан кўриқчилик қилишади: кундузи баланд бўйли, кечқурун бўйи пастроғи”, ўйлади Адам ва сўради:

– Баннистердан хабар борми?

Паст бўйли инкор маъносида бош чайқади. У Адам овқатланиб бўлишини сабрсизлик билан кутди. Ора-орада эса ўнг кўли бармоқларини қисирлатиб қўйди.

Эрталаб дароз Адамга нонушта олиб кирди.

– Пулни олдингизларми?

Баланд бўйли бош чайқади.

– Йўқ. Баннистерга пайшанбагача муҳлат бердик.

* * *

Соатлар, кун ва тунлар имиллаб ўтарди. Пайшанба кун кечкурун баланд бўйли эркак хонага кирди ва жаҳл билан деди:

– Баннистер ишни чўзаяпти. – У чўнтагидан мато чиқарди.
– Унга айт, эртага ўн иккигача пулни тайёрласин, акс ҳолда кеч бўлади. Тушундингми?

Адамнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Ҳа, тушундим.

Адам Баннистерга кўнғироқ қилди:

– Гарольд, нимага пулни тайёрламадингиз?

– Адам, – деди Баннистер, – бу сизми?

– Ҳа.

– Тузукмисиз?

– Ҳа, – жавоб қайтарди Адам. – Улар ишни чўзаётганини гизни айтишди.

Баннистер дарров жавоб қайтармади.

– Йўқ, Адам. Бунча пулни топиш учун вақт керак. Бунда ташқари, сизга қарашли “Олтилайн Кемиклз” фирмасининг акциялари нархи бугунги курс билан бор-йўғи йигирм саккиз ярим долларга баҳоланаяпти. “Душанбагача нарх кўтарилиб қолармикин”, деб ўйлагандим.

– Акцияларни зудлик билан сотинг, – деди Адам қатъий. Баннистер хўрсинди.

– Хўп, Адам. “Шор Апартамент” фирмангизнинг акцияларига эса Рожерс атиги етмиш беш минг бермоқчи.

– Майли. – Адам гўшакни маҳкам қисди. – Гарольд эртага ўн иккига пулни етказиб келиш керак. Акс ҳолда кеч бўлади.

Баннистер бир неча сония жим қолди.

– Тушунарли, Адам. Пулни, албатта, топаман. Мен ишонаверинг.

* * *

Эртасига кундузги соат бирда баланд бўйли тушлик олиб кирганида Адам сўради:

– Баннистер пул топибдими?

Баланд бўйли минғирлади:

– Унга қўнғироқ қилдик, топганини айтди. Кечкурун пулни олсак, биламиз аниғини. – У стол устига патнисни қўйди. – Ҳаммаси яхши бўлишини Худодан сўраб тур.

* * *

Кечкурун Адам эшик қулфининг шиқирлаганини эшитди. Унинг юраги кинидан чиқиб кетгудек ура бошлади. Хонага дароз билан пастак бўйли одатдагидек ниқобда кириб келишди.

Ўн дақикадан сўнг Адам кўзи ва оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда машина ичида ётарди.

Улар жуда узоқ йўл юришди. Ниҳоят машина тўхтади, уни йўл четидаги ўтлоққа туширишди.

Адам энди нима бўлишини кўрқув билан кутарди. Бир оздан сўнг у машинанинг кетаётганини эшитди.

Бир неча дақиқа ётгач, у тушовдан қутулишга уринди. Арқон ва матони ечгач, атрофга аланглади. Ой ёруғида нарироқда уй борлигини кўрди. У ёрдам сўраш учун уй томонга йўл олди.

* * *

Тунги иккиларга яқин полиция Адамни сўроқ қилишни тугатди ва кетишига ижозат берди. Тапқарида уни Гарольд Баннистер кутиб турарди.

Баннистер кўринишидан жудаям ҳолдан тойганди.

– Полиция мени қийнаб юборди. Сизни ўғирлаб кетишганини билганим заҳоти уларга хабар беришим керак экан.

Улар Баннистернинг машинасига ўтиришди. Адам кўзларини ишқалади. У жудаям чарчаган, аммо қаттиқ хаяжонланганидан уйқуси келмасди.

– Бирор нарса ичгим келяпти.

Баннистер машинани юргизди.

– Ҳаммаёқ ёпилган, уйимга борамиз.

Йигирма дақиқадан кейин Адам Баннистернинг уйидан ўти-рарди. Баннистер ичимликлар турадиган жавон олди ва борди.

– Менга кўнғироқ қилган одам шевасидан худди Ўрта ғарбликдек туюлди. Шеригининг шевасини билмадингизми?

– Билмадим, – деди Адам. – У умуман гапирмади.

Шу пайт Адамнинг кулоғига итнинг хуригани эшитилди. Яқинлашиб келаётган самолётнинг овозини эшитгач эса қотиб қолди. Самолёт шундайгина уй устидан учиб ўтиб кетди.

Адам соатга қаради.

Тунги иккидан ўттиз икки дақиқа ўтганди.

Унинг кўзлари чаноғидан чиқиб кетай деди. Итнинг хуриши ва самолётнинг овозини у ўтган душанбадан бошлаб ҳар тун худди шу вақтда эшитиб келганди.

Баннистер жавоннинг ичидаги шишаларни кўздан кечираётганди.

– Вермут қаёққа қойиб бўлдийкин? – У шундай деб ўн қўли бармоқларини қисирлатиб қўйди. – Мана! – Баннистер шишани олди ва Адамга ўтирилди. – Полиция сизни ўғирлаб кетганларни топишига умид қиламан.

Адам полга тикилди ва унга пастда ертўла бордери туюлди. Сўнг пастак бўйли адвокатига қаради.

– Ҳа, – деди у жилмайиб, – менимча полиция уларни албатта, топади.

Рус тилида

Дилшодбек Асқаров таржимаси

ФАЗОДАГИ МОЖАРО

Хонасининг эшигини кимдир тақиллатмай кўққисдан очди-ю, хаёл суриб ўтирган Лиж Бейлининг капалаги учиб, кўлидаги трубкасини полга тушириб юборди. У бетакаллуф меҳмонни койимоқчи бўлганди, ким келганини кўриб, эгилиб трубкасини олишния унутди.

– Дэниел Олив! Кўзларимга ишонмайман, ўзингизмисиз?
– Ҳа, бу менман, – деди меҳмон дона-дона қилиб. Унинг қиссиз юзи кишида ғалати таассурот қолдирарди.

– Олдиндан хабар бермай, сизни безовта қилганим учун ўзр. Лекин вазият шуни тақозо қилди. Бу ерга келганимни ҳамкасбларингиз ҳам, роботлар ҳам билмагани маъқул. Сизни кўрганимдан жуда хурсандман, дўстим Лиж.

Робот шундай деб, Лиж билан худди одамдек қўл сиқишиб кўришди.

– Сизни ўзимнинг хонамда кўраман деб сира ўйламагандим, – деди изқувар хайратини яширолмай. – Қандай шамол учирди? Ҳеч кимга билдирмай келганингизга қараганда галактикамизда яна бирор кўнгилсизлик рўй бердими, дейман?

– Йўк, дўстим Лиж. Мени бу ерга етаклаган муаммо бир қарашда арзимас гапдек туюлиши мумкин. Коинотда парвоз вақтида иккита математик олим жанжаллашиб қолишди. Ерга яқинлигимиз учун...

– Демак, воқеа юлдузлараро лайнер бортида рўй берган, шундайми?

– Худди шундай. Олимларнинг низоси беэиёндек туюлса-да, аслида, ўртада жиддий масала турибди.

Бейли беихтиёр жилмайди.

– Инсонларнинг айрим хатти-ҳаракатлари роботларни ўйлантириши табиий. Ахир, одамлар роботларга ўхшаб Уч Қонунга бўйсунишмайди-да.

– Афсуски, шундай, – деди Р.Дэниел жиддий киёфада. Баъзан инсонларнинг ўзлари ҳам бир-бирларини тушунишга қодир эмас, деб ўйлаб қоламан. Лекин менимча жанжаллашган икки олим ҳолатини сиз бошқа сайёраларда яшайдиган одамлардан яхшироқ тушунасиз. Чунки ерда инсонлар тиғиз яшайди. Шунинг учун ҳам олдингизга ёрдам сўраб келдим.

Р. Дэниел шундай деб бир оз сукут сақлади-да, кейин кўшиб қўйди:

– Одамларнинг муомала маданиятидан тузуккина хабардорман. Лекин боя сўрашаётганда хотинингиз ва ўғлингизнинг аҳволи яхшими, дейиш ёдимдан кўтарилибди.

– Яхши, раҳмат. Ўғлим коллежда ўқияпти. Жесси эса сиёсат билан шуғулланаяпти. Энди айтинг-чи, сизни олдимга ким юборди?

– Ерга яқин қолганда капитанга сиз билан маслаҳатлашсак-чи, деб ўзим таклиф қилдим, – деди Р.Дэниел.

– Капитан рози бўлдимми? – улкан фазо кемасининг бошқарувчиси арзимаган низо туфайли парвоз режасини бузгани Бейлини таажжубга солди.

– Муаммони ҳал этишнинг бошқа йўли йўқ эди. Мен сизни унга роса мақтадим, лекин бир оғиз ҳам ёлғон гапирганим йўқ. Фазо кемасининг учувчи ва йўловчилари ерга тушиб карантинни бузмаслиги учун ёнингизга бир ўзим келдим.

– Ўша низо ҳақида гапиринг-чи, – деди Бейли қошини чимириб.

– “Эта Карини” фазо кемаси йўловчилари орасида нейробиофизика бўйича юлдузлараро конференцияда катнашиш учун Аврорага учаётган икки нафар математик

ҳам бор. Шу олимлар ўзаро келишолмай қолишди. Бирининг исм-фамилияси — Алфред Барр Гумбольдт. Иккинчиси — Женнан Себбет. Сиз уларни танимайсизми?

— Йўқ, математикларга ишим тушмаган, — деди Бейли энсасини қашиб. Ишқилиб капитанга мени математика бўйича мутахассис демадингизми?

— Йўқ, дўстим. Гап шундаки, можаронинг математикага деярли алоқаси йўқ.

— Хўш, жанжал нимадан чикди?

— Аввал сизга олимлар ҳақида қисқача гапириб берай, — деди робот тараддуланиб. — Доктор Гумбольдт галактиканинг уч нафар энг кўзга кўринган зиёлиларидан бири. Доктор Себбет эса, ундан анча ёш, ҳали элликка ҳам кирмаган. Себбет замонавий математиканинг мураккаб муаммолари билан шуғулланаётган ноёб истеъдод эгаси.

— Демак, икковиям донғи кетган олим, — Бейли полда ётган трубкасини олди-ю, тутатгиси келмай четга қўйди.

— Шу олимлардан бири иккинчисининг обрўсини тўкмоқчи. Адашмасам, машҳур одамлар учун обрўни йўқотиш ўлим билан баробар, шундайми?

— Шундай десаям бўлади, — деди Бейли ўйланиб. — Хўш, ким шеригининг мисқоллаб йикқан обрўсини тўкмоқчи бўлаяпти?

— Биз ҳам шуни билолмаяпмиз-да, дўстим Лиж, — деди Дэниел. — Иккала математик ҳам бир-бирини айблаяпти. Гумбольдтнинг айтишича, фазо кемаси парвозни бошлагач, унинг миясига кутилмаганда ажойиб ғоя келган. У инсон бош чаноғидаги нейронларнинг микротўлқинларни ютишини математик йўл билан таҳлил этиш методини ўйлаб топган. Илмий фаразини обдон ўйлаб кўргач, Гумбольдт фанда инқилоб ясайдиган оламшумул кашфиёт қилганини тушунган. Кейин кема бортида тасодифан доктор Себбетни учратиб, қувончини у билан баҳам кўрган. Ёш ҳамкасбига ғоясини ипидан игнасиғача изохлаб

тушунтирган. Себбет ҳам бу оламшумул кашфиёт эканини тасдиқлаб, Гумбольдтнинг кўкларга кўтариб мақтаган. Шундан сўнг Гумбольдт Аврорадаги конференцияда ғоясини жамоатчиликка етказиш учун ҳисобот тайёрлашни киришган. Кейин билса, унинг илмий фаразини ўзлаштириб олган Себбет ҳам худди шу мазмунда ҳисобот ёзаётган экан.

– Гумбольдтнинг фиғони фалакка чиққандир?

– Бўлмасам-чи?

– Хўш, Себбет нима деяпти?

– Гумбольдтнинг гапларини сўзма-сўз такрорляпти. Фақат исмларнинг ўрни алмашган. Себбетнинг айтишича, кашфиётни у қилгану, Гумбольдт унинг ғоясини ўғирлаган.

– Демак, икковиям кашфиёт меники деяпти, тўғрими? Лекин ҳақиқатнинг тагига етиш осон-ку. Илмий тадқиқот ёзилган қоғозлар кўздан кечирилса, муаллиф ким экани аён бўлади-қолади.

– Агар кашфиёт бошқа соҳага алоқадор бўлганда бу худди айтганингиздек қилардик, дўстим Лиж, – деди робот.

– Аммо бу ерда гап математика ҳақида кетаяпти. Доктор Гумбольдт кашфиётини миясида хомчўт қилганини конференцияга ҳисобот ёзгунича қоғозга туширмаганини айтаяпти. Себбет ҳам худди шундай деяпти.

– Ундай бўлса, икковиниям миясини зонддан ўтказиб ким ёлғон гапираётганини аниқланглар.

Р.Дэниел бош чайқади.

– Менимча, сиз гап кимлар ҳақида кетаётганини яхши тушунмаяпсиз, дўстим Лиж. Бу олимлар – Галактикалараро Академия аъзолари. Уларнинг хулқ-атворини фақат Академия комиссияси муҳокама қилади. Ўзлари роз бўлишсагина мияларини зонддан ўтказишимиз мумкин.

– Улардан рухсат сўранглар унда. Ёлғон гапираётганини миси чиқишидан кўрқиб унамайди. Шунда айбдор кимлигини билиб оласизлар.

– Дўстим Лиж, бундай нуфузли зиёлилар учун мия текширувига рози бўлишнинг ўзи айбини тан олиб шарманда бўлиш билан баробар. Икковиям йўқ дейди.

– Шунақами?.. Унда низога аралашманглар. Аврорага етиб борганингларда ким ёлғон гапираётганини конференциядаги академиклар аниқлайди.

– Бу можарони конференцияга етиб бормаи туриб босди-босди қилиш керак-да, дўстим. Агар у ёқдагилар жанжалдан хабар топишса иккала математикнинг ҳам номига доғ тушади. Бизларга ҳам гап тегади.

– Ўзлариям низони тинч йўл билан ҳал қилишмоқчимиз?

– Ҳа. Айниқса, Гумбольдт жанжалнинг овоза бўлишига қарши. “Агар Себбет ғояни ўғирлаганини тан олиб, конференцияда ҳисобот беришимга тўсқинлик қилмаса, унинг устидан кенгашга шикоят ёзмайман, ўртадаги гап шу ерда қолади”, деяпти у.

– Себбет нима деяпти?

– У ҳам худди шу гапни айтаяпти: Гумбольдт айбини тан олса, олам гулистон эмиш. Дўстим Лиж, менимча, икковиям сир бой бермоқчи эмас, бир-бирининг оғзини пойлаётир.

– Пойлашса пойлайверишсин.

– Аммо бу кетишда низо Аврорадаги кенгашгача бориб етади. Кейин фазо кемамизда тартиб-интизомни сақ-долмаган капитанимизга гап тегади.

– Хўш, Дэниел. Сизнингча, бу чигални қандай ечиш мумкин?

– Битта йўли бор – Академиянинг обрўсини сақлаш, фанга доғ туширмаслик учун олимлардан бирини айбни ўз бўйнига олишга кўндирамыз. Аммо бу ҳолатда ҳақиқат қарор топмайди. Айбсиз айбдор мисқоллаб йиққан обрўсидан айрилиши, ғояни ўғирлаган фирибгар эса сувдан қуруқ чиқиши мумкин. Шунинг учун бу йўл ҳам тўғри келмайди.

Бейли оғир тин олди.

– Гувоҳларимиз ҳам борлигини айтишни унутибман, деди Р.Дэниел.

– Жин урсин, гапни шундай бошламайсизми. Қанақа гувоҳлар?

– Доктор Гумбольдтнинг хизматчи роботи Р. Престон ва доктор Себбетнинг роботи Р. Аид, Р. Престон кашфиётчи хўжайини қилганини, Себбет эса уни ўзлаштириб олганини таъкидлаётир, Р. Аид эса кашфиёт Себбетники, Гумбольдт ўғри, деяпти.

– Демак, роботлардан бири ёлғон гапираяпти. Тажрибали роботсихолог ёллаб, уларни текширувдан ўтказсанглар ҳақиқат ойдинлашади.

– Кемамиз бортида роботсихолог йўқ-да. Роботларни Ерга юборишга эса хўжайинлари рухсат бермайди.

– Оббо, унда мендан нима истайсиз ўзи, Дэниел? – деди Бейли хиёл аччиқланиб.

– Бу муаммони ҳал этиш фақат сизнинг қўлингизда келади, дўстим Лиж.

– Шунақами? Унда математикларингиз билан гаплашишим керак.

– Афсуски, бунинг иложи йўқ. Карантин туфайли улар кема бортини тарк эта олишмайди.

– Ҳеч бўлмаса хизматчи роботларни видеофон орқали сўроқ қилишнинг иложи бордир?

– Ҳа, буни уюштириш мумкин.

– Демак, иккала роботни ҳам сўроқ қиламан. Айтинг-чи Р. Дэниел, кема бортида олинган кўрсатмалар қоғозга туширилганми?

– Ҳа, сизга керак бўлади, деб уларни олиб келувдим.

– Яхши қилибсиз... Роботларни сўроққа тутишдан аввал бир ўйлаб кўрсак. Одатда робот ёлғон гапирмайди. Лекин Уч Қонундан бирини бузмаслик учун алдаши мумкин. Яъни Учинчи Қонунга биноан ўзини омон сақлаш, Иккинчи Қонунга кўра хўжайини – инсоннинг буйруғини бажариш

Биринчи Қонун бўйича одамларни хавф-хатардан асраш ва уларга зиён етказилишига йўл қўймаслик учун робот ёлғон гапириш ҳукукига эга. Бизнинг ҳолатимизда хизматчи роботлардан бири хўжайинининг обрў-эътиборини сақлаш учун ёлғон ишлатаётир. Бу Биринчи Қонунга тўғри келади. Чунки машхур математик учун обрўсини йўқотиш ўлим билан баробар.

– Аммо ёлғон гапираётган робот нариги олимга зарар етказади-ку, дўстим Лиж?

– Гапингиз тўғри. Лекин робот учун хўжайинининг манфаати биринчи ўринда туради-да... Хўш, дастлаб доктор Себбетнинг роботи Р.Аидни сўроқ қиламиз.

– Бир дақиқа, – деди Р. Дэниел девор томонга юриб. – Ҳозир проекторли микроузаткични ёқаман. Деворда роботнинг акси пайдо бўлади. У билан худди ёнма-ён ўтириб суҳбатлашаётгандек бемалол гаплашаверасиз.

Кўп ўтмай оппоқ деворда Р. Аиднинг икки ўлчамли тасвири кўринди. Р.Дэниелдан фарқли ўларок, танаси металдан ясалган учта блокдан иборат бу новча робот сираям одамга ўхшамасди.

– Салом, Р. Аид, – деди Бейли.

– Салом, сэр, – кўриниши ўхшамасаям Р. Аид одамлардек равон гапирарди.

– Сен Женан Себбетнинг ёрдамчисисан, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Қачондан бери унинг хизматидасан?

– Йигирма икки йилдан бери, сэр.

– Хўжайинингнинг обрў-эътибори сен учун муҳимми?

– Ҳа, сэр.

– Сен унинг обрўсини ҳимоя қилиш керак, деб ҳисоблайсанми?

– Ҳа, сэр.

– Худди унинг ҳаётини ҳимоя қилгандекми?

– Йўқ, сэр.

– Худди бошқа бирор одамнинг обрўсини ҳимоя қилгандекми?

Р. Аид бир оз ўйлаб, кейин шундай деди:

– Саволингизга аниқ жавоб бериш мушкул, сэр. Бунақа ҳолатларда вазиятга қараб иш кўраман.

Р. Аид Бейли ўйлагандан кўра фаросатлироқ экан. Изкувар кутилмаган савол билан уни қармоққа илинтириш осон кечмаслигини тушунди.

– Айт-чи, агар сен хўжайинингнинг обрўсини бошқа одамнинг, мисол учун, Алфред Гумбольдтнинг обрўсидан муҳимроқ, деб ҳисоблаганингда уни ҳимоя қилиш учун ёлғон гапирармидинг?

– Ҳа, сэр.

– Хўжайининг ва Гумбольдт ўртасидаги тортишув ҳақида кўрсатма бераётганингда ёлғон ишлатганмисан?

– Йўқ, сэр.

– Агар алдашга мажбур бўлганингда ҳам буни тан олмасдинг, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Унда гапимни диққат билан эшит, – деди Бейли ҳал қилувчи ҳамлага ўтиб. – Сенинг хўжайининг Женан Себбет ёш ва келажаги порлоқ математик. Агар Гумбольдтнинг гапи тасдиқланиб, кашфиётни Себбет ўғирлагини аниқланса ҳам бу хўжайинингнинг келажакдаги фаолиятига унчалик таъсир қилмайди. Негаки, олдинда уни бундан ҳам катта кашфиётлар кутаётир. Лекин агар Гумбольдтнинг ўзи плагиатга қўл ургани исботланса, унинг мисқоллаб йикқан обрўи бир пул бўлади. Шухратини қайта тиклашга эса унда вақт йўқ. Гумбольдт қартайиб қолган. Хуллас, кўриб турганингдек, доктор Гумбольдт хўжайининг билан солиштирганда анча танг аҳволда қолган, шундай эмасми?

Р. Аид узок ўйлагач ниҳоят тилга кирди:

– Аввал берган кўрсатмаларим ёлгон эди. Кашфиётни доктор Гумбольдт қилган, хўжайиним эса уни ўзлаштирмакчи эди.

– Жуда соз, – деди Бейли. – Сенга раҳмат. Кетишинг мумкин.

Девордаги тасвир ўчгач, Бейли трубкасини тутатди.

– Энди Гумбольдтнинг роботини чақиринг. Унга ҳам худди шу саволларни бераман.

– Нимага? – хайрон бўлди Р. Дэниел. – Р. Аид барини тан олди-ку?

– Р. Аиднинг иқрори билан иш битмайди. Унга Гумбольдт оғир аҳволда деганимдан кейин кўрсатмасини ўзгартирди. Ҳозирги иқрори танг ҳолатда қолган инсонни ҳимоя қилиш учун айтилган ёлгон бўлиши ҳам мумкин. Шундай экан, демак, ҳали иш битгани йўқ.

Кўп ўтмай деворда Гумбольдтнинг роботи Р. Престоннинг тасвири кўринди. Бу робот Р. Аиддан фақат кўксидаги нақш билан фарқланарди.

– Салом, Р. Престон, – деди Бейли.

– Салом, сэр.

– Сен Алфред Гумбольдтнинг ёрдамчисисан-а, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Қачондан бери унинг хизматидасан?

– Йигирма икки йилдан бери, сэр.

– Хўжайинингнинг обрў-эътибори сен учун муҳимми?

– Ҳа, сэр.

– Сен унинг обрўсини ҳимоя қилиш керак, деб ҳисоблайсанми?

– Ҳа, сэр.

– Худди унинг ҳаётини ҳимоя қилгандекми?

– Йўқ, сэр.

– Худди бошқа бирор одамнинг обрўсини ҳимоя қилгандекми?

Р. Престон бир оз ўйлаб кейин гапирди:

– Саволингизга аниқ жавоб бериш мушкул, сэр. Бунақа ҳолатларда вазиятга қараб иш кўрганман.

– Айт-чи, агар сен хўжайинингнинг обрўси бошқа одамнинг, мисол учун, Женан Себбетнинг обрўсидан муҳимроқ, деб ҳисоблаганингда уни ҳимоя қилиш учун ёлгон гапирармидинг?

– Ҳа, сэр.

– Хўжайининг ва Себбет ўртасидаги тортишув ҳақида кўрсатма бераётганингда ёлгон ишлатганмисан?

– Йўқ, сэр.

– Агар алдашга мажбур бўлганингда ҳам буни тан олмасдинг, шундайми?

– Ҳа, сэр.

– Тушунарли, – деди Бейли. – Энди вазиятни жиддийроқ таҳлил қилайлик. Хўжайининг Алфред Гумбольдт донғи кетган атоқли олим. Агар Себбетнинг гапи тўғри чиқиб, Гумбольдт унинг кашфиётини ўғирлаган бўлса, бу хўжайинингнинг обрўсига унчалик салбий таъсир қилмайди. Қариянинг ёш ҳамкасбига ҳавас қилиб беихтиёр унинг ғоясини ўзлаштирганини кўпчилик тўғри қабул қилади. Лекин агар Себбет хўжайинингнинг ғоясини ўғирлагани исботланса, ёш олимнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Унинг энди танилаётган номига доғ тушиб, обрўси бир тийин бўлади. Хуллас, Себбет хўжайининг билан солиштирганда жуда танг аҳволда қолган, тўғрими?

Р. Престон узоқ вақт товуш чиқармади. Сўнгра:

– Аввалги кўрсатмаларим ёлғо... – деди-ю ўчиб қолди.

– Менимча, Р. Престоннинг мияси ишдан чикди, дўстим Лиж, – деди Р.Дэниел гапга аралашиб.

– Ниҳоят айб кимда эканини аниқладик, – Бейли мамнун жилмайди.

– Ўғрини топдикми?

– Ҳа.

– Қанақасига?

– Ҳозир сизга тушунтираман. Масалан, мен виждони поким олим бўлсам, роботим худди Р. Аидга ўхшаб фақат бошқа бирор инсонга ҳам кўмак бериш учун, Уч Қонунга кўра, ёлғон ишлатади ва бу ёлғон унга зарар қилмайди. Лекин агар мен кашфиётни ўғирласам-у, роботимга ёлғон кўрсатма беришни буюрсам, у Уч Қонунга кўра менга ёрдам бериш учун ёлғон гапиради. Лекин бу ёлғон бошқа бир инсонга салбий таъсир этганини билса, ҳақиқат ва ёлғон ўртасида аросатда қолиб, мияси ишдан чиқади. Р. Престоннинг мияси куйди. Демак, унинг хўжайини доктор Гумбольдт шеригининг кашфиётини ўғирлаган. Фазо кемаси капитанига шундай деб айтинг, дўстим Дэниел. У Гумбольдт билан бир гаплашиб кўрсин.

– Кўрсатмангизни ҳозирок видеофон орқали капитанга етказаман. Мени маъзур тутасиз, кема капитани билан ёлғиз гаплашишим керак, – Р.Дэниел шундай деб хонадан чиқиб кетди.

Бейли тахмини тўғри чиқишига умид боғлаб трубка тутатганча роботни узоқ кутди. Ниҳоят Р. Дэниел ортга қайтди.

– Айтганингиз тўғри чикди. Капитан билан суҳбатдан сўнг доктор Гумбольдт Себбетнинг кашфиётини ўғирлаганини тан олди. Айтингчи, дўстим Лиж, роботсихолог бўлмай туриб ёрдамчи роботлардан қайси бири ёлғон гапираётганини қандай аниқладингиз?

Бейли табассумини яширолмади.

– Дўстим Дэниел, мен роботларнинг эмас, одамларнинг фикрлаш тарзидан келиб чиқиб ҳақиқатни топдим. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: ёш олим Себбет кема бортида оламшумул кашфиёт қилади. Турган гапки, у қария Гумбольдтдан маслаҳат сўрайди. Гумбольдтдек доврўғи дoston, кўпни кўрган олим ўз кашфиётини таҳлил қилиш учун тажрибасиз Себбетдан маслаҳат сўраши мумкинмиди?

Менимча, йўқ. Себбетнинг Гумбольдтдек обрўли зотнинг кашфиётини ўтирлашга ҳадди сиғармиди? Йўқ. Бошқа томондан, қария Гумбольдтнинг ёш ҳамкасбининг ғўрлигидан фойдаланиб, тайёр ғояни ўзлаштириб олганини тахмин қилиш қийин эмас. Шу эҳтимолларнинг барини ҳисобга олиб айбдор кимлигини аниқладим. Роботларнинг кўрсатмаси эса, фақат исбот вазифасини ўтади, холос.

Р. Дэниел изкуварнинг гаплари устида анча бош қотирди.

– Сизга катта раҳмат, – деди у Бейлининг қўлини сиқаркан. – Яқин кунларда яна учрашамиз, деган умиддаман.

– Бунақа можароларга мени аралаштирмаслигингиз учун кечроқ учрашишга ям розиман, – деди Бейли кулиб.

Рус тилидан

А.Отабоев таржимаси

БОСҚИН

Ёзнинг охири, кечки соат беш, уфқда оппоқ булутларни кесиб ўтган чизик кўзга ташланади. Уч моторли “Боинг 727” реактив самолёти 28 минг фут баландликда парвоз қилмоқда. У Теннесси дарёси водийсига яқинлашмоқда. Самолёт Кеннеди номидаги Нью-Йорк аэропортидан Янги Орлеанга йўл олган.

Радист тор эшикдан бир амаллаб ичкарига кирди, ҳаво кемаси командирига дўстона бош ирғади, пулт ёнига ўтириб, қулоғига гўшакни тақди ва турли тугмачаларни бирин-кетин босиб чикди. Командир бир неча сония радистга тикилиб турди, унинг юзида ҳеч қандай хавотирни сезмади, сўнгра елкаси оша пастдаги манзарага кўз ташлади. Сув юзасида куёш нурлари жилва қиларди. Командир микрофонга энгашди, йўловчилар салонига эшиттирилаётган мусиқани ўчириб, микрофон тугмасини босди.

– Хонимлар ва жаноблар, кема командири гапиряпти. Пастда, ўнг томонимизда Уоттс Бар кўли жойлашган. Чап томондаги йўловчилар тўғон ва Чикамауга кўлини кўришлари мумкин. Олдинги ўриндиқларда ўтирган кўзи ўткир йўловчиларимиз эса Смоуки тоғи манзарасидан баҳраманд бўлишлари мумкин...

У микрофонни ўчирди, яна мусиқа янгради. Шу пайт ички сўзлашув ускунасининг чироғи ўчиб-ёна бошлади. Командир тугмачани босди.

– Эштаман?

– Командир, мен Клариссаман. Бизда ноҳуш ҳодиса юз берди.

– Қанақа ноҳуш ҳодиса?

– Бир йўловчи Милли билан бирга ҳожатхонага қамалиб олди. – Стюардессанинг овози ташвишли эди. – Бу

шилқимлик эмас, командир. Бу самолётни эгаллаб олишга уриниш. — Қиз хотиржам сўзлашга ҳаракат қилар, аммо овозидаги ҳаяжон билиниб турарди.

Радист ҳайрон бўлганча командирга ўтирилди. Иккинчи учувчи ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо лайнер командири Литтлжон унга ўтиришга ишора қилди.

— Қўриқчиларимиз қаерда?

— Биттаси ёнимда...

— Йўловчилар билишдими?

— Улар ҳеч нарсани сезишгани йўқ. Ҳозирча.

— Жуда яхши. Билмай қўя қолишсин. Гўшакни қўриқчига бер.

Қисқа жимликдан сўнг эркак кишининг овози эшитилди:

— Салом, командир. Менимча, мана бундай бўлган: йўловчилардан бири ҳожатхона ёнидаги хонага кириб олган ва бунга ҳеч ким эътибор бермаган. Сўнгра стюардессага тўппонча ўқталиб, уни ҳожатхонага киришга мажбур қилган. Мен стюардесса билан ташқарида туриб гаплашдим. Унга ҳеч қандай зиён етмаган, аммо унинг айтишича, анави кимса тўппонча ва пичоқ билан қуролланган, қўлида эса нитроглитсеринли шиша бор экан. — Қўриқчи йўталиб қўйди. — Нима қилишимни буюрасиз?

— Ҳеч нарса, — жавоб қилди командир тез ва қатъийлик билан. — Жойингизга қайтинг. Музокарани Кларисса олиб борсин. Мен эса Янги Орлеан билан боғланаман ва керакли кўрсатмаларни оламан.

Радист Янги Орлеандаги диспетчерлик бўлими билан боғланишга киришди.

— Кларисса, — чақирди командир ички алоқа ускунаси орқали.

— Ҳа, командир?

— Ҳожатхона эшигига “ҳожатхона таъмирда” деган ёзувни илиб қўйинг. Милли тузукми?

– Ҳа, сер. Бир дақиқа... у нимадир деярти... Командир? Унинг айтишича, босқинчи йўналишни ўзгартиришни ва Жексонвиллга учишимизни талаб қияпти экан. Ёқилғи қуйиш учун.

– У қаерга учмоқчи экан ўзи? Ёқилгимиз Кубагача учишга етади. Миллига айт, бу самолёт “747” эмас.

– Хўп, сер. У бошқа ҳеч нима демади.

– Босқинчининг исми нима экан?

– У хартфордлик Чарльз Вагнер номига чипта олган. 16-С ўриндикда жойлашган. Мен унга таом келтириб бергандим...

– Кўриниши қанақа?

– Ҳаммадақа, – деди Кларисса. – Ёши ўттизларда, сочи ўсган...

– У кўп микдорда спиртли ичимлик ичганмиди?

– Йўқ, фақат пиво. У маст эмаслигига ишончим комил. Мен нима қилай?

– Ҳеч нарса. Ҳожатхона эшигига ёзувни илиб қўйишни унутма. Агар бирор нарса...

– Янги Орлеандаги диспетчерлик бўлими. Улар алоқада, – радист командирнинг гапини бўлди. – Фалокат сигнали йўлланг! Самолётда босқинчи бор, – деди командир микрофонга.

– Шартлари?

– У стюардессамиз билан ҳожатхонага қамалиб олган. Куролланган, қўлида нитроглитсеринли шиша ҳам бўлиши мумкин.

– У қаерга учмоқчи?

– Ҳозирча Жексонвиллга. Ёқилғи қуйиш учун.

– Алоқада қолинг, – деди диспетчер. – Мен раҳбарият билан гаплашиб кўраман.

Командир бир нуктага тикилиб қолди. Орага жимлик чўкди. Бирпасдан сўнг қитирлаган товуш эшитилди. Энди бошқа одамнинг овози келди.

– Кларисса?

– Шу, холос. Ҳозирча. Қўнганимиздан кейин қолган кўрсатмаларни бераркан.

– Тушунарли. – Литтлжон ташқи алоқа ускунасига ўтди.

– Хавфсизлик хизмати? Қўниш учун 725-йўлакни тозалатиш кўйишингизни сўрайман.

– Рожер, алоқа тугади.

– У талаб қилган пул нима бўлди?

– Пул айтилган вақтда бўлади. Парашютлар ҳам.

– Яхши, – деди командир.

Микрофон ўчирилди. Узоқда қуёш ботаётганди. Самолёт жанубий йўналишдаги ҳаво йўлагига кирди. Ниҳоят, пастда Жексонвиллдаги қўниш йўлаги кўзга ташланди. Самолёт пастлай бошлади. Командир бошқарувни иккинчи учувчига берди, ўзи эса йўловчиларни тинчлантиришни ўз зиммасига олди. У ички сўзлашув карнайи тугмасини босди.

– Хонимлар ва жаноблар, лайнер командири гапиряпти. Об-ҳаво шароити туфайли биз Флорида штатининг Жексонвилл шаҳрига қўнишга мажбурмиз. Авиакомпания вакиллари аэропортда сизларга нима учун ушланиб қолганимизни тушунтиришади ва барча зарур нарсалар билан таъминлашади. Юзага келган ноқулайлик учун узр сўраймиз. Энди эса хавфсизлик тасмаларини тақиб, ўриндикларни тик ҳолатга келтиришингизни ва чекмаслигингизни сўрайман...

* * *

Сўнгги йўловчи ҳам автобус нима учун аэровокзалдан бунчалик узоқда турганига ҳайрон бўлганча лайнерни тарк этди. Самолёт ёнига машина келиб тўхтаганида ёқилғи қуйиш жараёни ниҳоясига етаётганди. Машинадан икки киши тушди.

Улардан бири кичкинагина парашют ва қоп кўтариб олганди. Иккинчиси эса катта парашют билан эди. Улар

зинадан кўтарилишди, кўлларидаги нарсаларни полга қўйишди, лекин самолёт ичига киришмади. Улар ранги оқариб кетган Клариссага бош ирғашди, ҳожатхона томонга бир қараб қўйишди ва пастга тушиб кетишди. Улар ФҚБ агентлари эди. Командир Литтлжон агентларнинг машинага ўтириб ортига қайтиб кетишаётганини иллюминатор орқали кузатиб турди. Сўнг микрофонни қўлига олди.

– Кларисса?

– Ҳа, сер?

– Энди қаёққа учамиз?

– Бир дақиқа. – Узоқ жимлик чўкди. – Командир, – яна Клариссанинг овози келди. – У Маямига учишимизни сўраяпти. Энг паст тезликда ва икки минг фут баландликда учишингизни талаб қиляпти. Яна, орқадаги йўловчилар эшигини ёпмаслигимизни айтди...

Шу пайт суҳбатни эшитиб турган хавфсизлик ходимининг овози эшитилди.

– Командир, сизнинг самолётингиздан парашютда сакраш мумкинми?

– Менинг самолётимдан мумкин, – жавоб қайтарди Литтлжон. – Афтидан, у атайин айнан “727”ни танлаган. “707” ёки “747”дан сакрашнинг иложи йўқ. У ё самолётларни жуда яхши билади ёки бу ишга тайёрланиш учун самолётларни махсус ўрганиб чиққан.

– Чорак миллион доллар учун ҳар қандай одам дуч келган нарсани ўрганишга рози бўлади, – деди хавфсизлик хизмати ходими, – ҳаттоки биринчи марта парашютдан сакрашга ҳам. У бирорта ҳам парашют мактабида рўйхатдан ўтмаган экан, биз ҳаммасини текшириб чиқдик.

– Агарда унинг исми ростдан ҳам Вагнер бўлса.

– Тўғри. Эшик очиқ туриши самолётга хавф туғдирмайдими?

– Икки минг фут баландликда хавфли эмас. Нима қилайлик?

Нариги тарафда жимлик юзага келди. Сўнг бошқа одамнинг овози эшитилди.

– Командир? Ҳарбий ҳаво кучлари майори Уиллоуби гапиряпти. Сиз қандай фикрдасиз?

– Менимча, биз сувга яқинроқ учишимиз керак, – деди Литтлжон, – у сувга сакрамайди. Сизлар эса бир нечта самолёт билан бизни бирор жойда кутиб турасизлар.

Сухбатга жанговар тажрибаси бор иккинчи учувчи аралашди.

– Агар у беш юз фут баландликдан сакраса ҳам қоронғуда уни кўришмайди.

– Ҳеч бўлмаса уриниб кўришар.

– Келишдик, – деди майор Уиллоуби. – Мен бутун соҳил бўйлаб ҳаво йўлагини сизлар учун очтириб қўяман. Илож бўлса Дейтонгача сув устида бўлишга ҳаракат қилинг. Окей?

– Яхши.

– Командир, – Клариссанинг хавотирли овози эшитилди. – У асабийлашяпти.

– Унга ҳозир учишимизни айтиб қўй, – деди Литтлжон ва биринчи двигателни ишга туширди.

Авиалайнер бурила бошлади, двигателлар гувиллади, сўнг шовқин бир текисда авж олди. Улкан самолёт учиш қўниш йўлагига юришни бошлади, тезлик оширилди ва ангиллик билан ҳавога кўтарилди. Шаҳар чироқлари пастда қолди. Литтлжон самолётни соҳил бўйлаб бошқарарди. Хавфсизлик хизмати ходимининг овози эшитилди.

– Анави нима қияпти?

– Худо билади, – жавоб қайтарди Литтлжон. – У эртаминг кечми барибир ҳожатхонадан чиқади ва сув устида учаётганимизни кўради. Ўшанда кўрамиз...

– Алоқада қолинг.

– Бундан ташвишланманг.

– Командир...

– Ҳа, Кларисса?
– У чиқмоқчи...
– Кларисса! – деди командир. – Микрофон сими узун, энг яқин ўриндиққача бемалол етади. Сен ўзингни ўша сим билан ўриндиққа боғлаб ол. Милли ҳам ҳожатхонадан чиқиши билан шундай қилсин. Бу тентак ўзини пастга ташлаётган пайтда очиқ эшик олдида туришингларни истамайман, тушундингми?!

– Ҳа, сер. Бир дақиқа. Ўзимни боғлаб олдим, командир. – Клариссанинг овози ўзгарди. – Командир, улар чиқишяпти...

– Милли тузукми?

– Ранги оқариб кетибди! Милли, ўтир. Маҳкам боғлаб ол. Командир, у пастга, сувга қараяпти. Самолётни соҳилга буриш кераклигини айтяпти, акс ҳолда Милли иккаламиз билан хайрлашар экансиз. Командир...

– Буринг, – буюрди хавфсизлик хизмати ходими.

– Ҳаммаси жойида, – майор Уиллоубининг овози келди.

– Сизларни кўрдик.

Литтлжон шу заҳоти самолётни бурди.

– Командир...

– Ҳа, Кларисса?

– У айтяптики...

– Мен у билан гаплашмоқчиман.

– Ҳозир. Командир, у гаплашишни истамаяпти. Окала томон учишни талаб қияпти, кейин Нейплс шахрига бурилар экансиз. Мана шу тезликда ва шу баландликда учишни сўраяпти. Бир оздан кейин у самолётдан тушиб қоларкан.

Хавфсизлик хизмати ходими орага суқилди:

– Айтганини қилинг, командир. Таваккал қилиб бўлмайди. Майорнинг самолётлари сизларни кўрди, биз эса полицияга хабар бердик, улар барча йўлларни назорат қилиб туришади.

– Флориданинг марказий қисмида кимсасиз худудлар кўп, аммо ўзингиз биласиз... – буйруққа бўйсунди Литтлжон. – У ҳолда бизга ҳаво йўлаги очиб, бирорта меҳмонхонадан жой буюриб қўйинглар.

– Тушунарли.

– Командир, – деди Кларисса яна. – У сакраётган пайтда биз сизнинг хонангизга кириб турар эканмиз.

– Бўпти, – деди Литтлжон.

Нихоят эшик очилиб, кизлар тор кабинага кириб келишди. Миллининг юзи оқариб кетган, Кларисса унинг елкасидан тутиб турарди. Литтлжон стюардессаларга савол назари билан қаради.

– Ҳаммаси жойида, – деди Кларисса унга қараб.

Литтлжон пастга қаради. Пастда, ерда Дейд-Сити кўзга ташланар, нарёқда эса жануби-ғарбий Флориданинг кимсасиз кенгликлари ястаниб ётарди. Тез орада ғарб томонда чироқлар кўзга ташланди. Радист нигоҳини кўтарди.

– Нейплсга яқинлашяпмиз, – деди у.

Ҳамма пастга қаради. Литтлжон иккинчи учувчига ўтирилди.

– Майк, эшикни ёпиб кел. Эҳтиёт бўл.

– Хўп, – деди учувчи ва стюардессалар ёнидан ўтиб салонга чиқди. У орқа эшикни ёпиб қайтиб келди.

– Ҳаммаси жойида.

– Уни кўздан йўқотдик, – маёр Уиллоубининг овози эшитилди.

– Хавотирланманг, уни топамиз, – деди хавфсизлик хизмати ходими. – Штатнинг барча полиция бўлинмалари оёққа турган. Командир, Маямига учишингиз мумкин. Хайрли тун.

– Раҳмат, – деди Литтлжон ва радиоалоқа қурилмасини ўчирди. – Хўш, бугун оғир кун бўлди. Энди дам оламиз.

Командир Литтлжон парвоз хариталарини четга сурди ва
 топ чиқарди.

– Ҳар биримизга эллик мингдан, – деди у хотиржамлик
 билан. – Бир неча соатлик иш, режа ва аниқ ҳисоб-китоб
 учун ёмонмас. Айниқса, бу пуллардан солиқ ҳам
 олинмаслигини ҳисобга олсак.

– Мен кўпроқ олишим керак, – деди Милли норози
 оҳангда. – Беш соат, роппа-роса беш соат тор ҳожатхонада
 ўлик билан ўтирдим!

– Мен-чи?! – эътироз билдирди Кларисса. – Менга нима
 дейсан? Уни тор эшикдан мен ташлаб юбордим. Ўзимни
 боғлаб олган бўлсам-да, ўзимни худди унинг ортидан пастга
 олиб кетадигандай сездим.

– Бу бахтиқарони мен ўлдирдим, – гапга аралашди
 радист.

Иккинчи учувчи ҳамкасбларининг баҳсларига эътибор
 бермади. У ўзига тегишли пулни дипломатга бир текисда
 тахлаётганди.

– Чарльз Вагнер... – деди у. – Ҳожатхонада ажал кутиб
 турганини билмади. Қизик, у қаерда ишларди экан?

Рус тилидан

Дилшодбек Асқаров таржимаси

ҚАЛТИС ВАЪДА

Мэрайлибоун-Хай-стритдаги “Поттерс” ресторани қиммат ресторанлардан бири эканини кўчада овқатланиш одати бўлган лондонликлар яхши билишади. Унинг унжарангдор бўлмаган номи одатда ижара хонасида ёки арзтамаддихоналарда овқатланишни маъқул кўрувчи Николай Хоуторнни чалғитди чоғи, Аннабелнинг “Поттерс” борайлик” деганига индамай рози бўлган эди.

У кизни биринчи марта ресторанга таклиф қилиши эди. Аннабель ҳақида миқтидан келган, ёқимтойгина киз дейиштарли бўлса керак. Кичик юзига нисбатан жуда катта туюлувчи кўзлари худди ўзига чорлаётгандай таассурот уйготарди. “Учар тулкига ўхшаб кетади”, деб ўйлаган Николай.

Аннабель “Поттерс” гача такси тутишни таклиф қилди. Мэрайлибоун-Хай-стритнинг қоқ ўртасида жойлашган маҳобатли бинони кўрган Николаснинг хаёлидан “пиёра юрсак, таксиди келишдан осонроқ бўларди” деган ўй ўтди, лекин тилига чиқармади.

У бу ерда овқатланиш қанчага тушишини чамалаб бошлади. “Поттерс”нинг кўҳналикдан далолат берма турган катта-катта, шаффоф ойналари бироз тоб ташлаган тезобланган қорамтир эман эшиклари эса эллик йилдан буён ҳар куни сайқаллаб туриладигандай кўринишда эди. Тортқўйилган дарпардалар ички интерьерни яшириб турган боис қандайдир хусусий қароргоҳ ёки бойларнинг шахсияти ичидаги данғиллама ҳовлисидай таассурот қолдиради кишида.

Эшикдан кираверишдаги шинам барда қора чарм креслоларда уч жуфтлик ўтирган эди. Аннабелнинг пальтоси қабул қилиб олган официант уларни ресторан залидаги стол

мон бошлади. Ёш бўлса-да, синчков Николас ўзи каби
ннабелнинг ҳам бу ердаги ҳашамдан довдираб қолишини
тган эди. Лекин Аннабель ўзини пальтосига кўшиб
ртинчоклигини ҳам ечиб ташлагандай тутди ва официант
арга менюни берганида дадиллик билан “перно”
тносидан бошламоқчилигини маълум қилди.

Буларнинг барчаси унга қанчага тушар экан? Нархларга
раб дами ичига тушиб кетган Николас кредит картасини
м олволишни кўнглига солгани учун ич-ичидан Яратганга
укур қилар эди.

Аннабель ўзига сарсабил шўрва ва менюдаги энг қиммат
вкат – ковурилган каклик буюртирди. Николас сабзавотли
ўрва ва тўқмоқланган гўштга буюртма берди. У қиздан
изил ёки оқ винодан қайсисини маъқул кўришини
ўраганида “Барибир бир шиша билан қутулолмайсан,
тундай экан, иккаласидан ҳам буюраверамиз” деди.

Овқатланаётганларида Аннабель бир оғиз ҳам
пирмади. Николас қачонлардир ўқиган бир шеърини
слади, унда мактаб ўқитувчисига таҳсин айтаётган шоир
иргина бошга шунча кўп билим қандай сиққанидан
айратга тушади. Николас эса қизнинг мана шу митти
уссасига шунча егулик қандай жой бўлаётганидан лол эди.
овурилган каклик ва унга кўшиб тортилган картошкани
ам, қизил карамдан тайёрланган салатни ҳам, ловия
латини ҳам паққос туширган қиз официантнинг кўшни
олдагиларга димлаб пиширилган артишок таклиф
илаётганини эшитиб, ундан ҳам татиб кўришни ихтиёр
ди. Николас у яна бирор нима буюриб қолмасин, деб
рагини ҳовучлаб турган бир пайтда ялтоқи официант
айин қилгандай десерт тўла аравагани филдиратиб келиб
олди.

– Бизда барра кулупнай бор, хоним!

– Ноябрда-я? – деди ҳайратланиб Аннабель. – Қандай
жойиб!

Винонинг охирини хўплар экан, Николас унинг кулупнайни қаймоққа булаб ейишини кузатиб ўтирди. Аннабель бу орада шоколадли рулет келтиришларини сўрашга ҳам улгурди.

– Ликёр хохламайсизми, жаноб?

Николас алам билан бош чайқади. Аннабель “шартрез” бўлса йўқ демаслигини айтди. Николас бу энтансик, турган гапки, энг қиммат ликёр эканини биларди.

Шу пайтда уни ҳисоб-китоб ҳақидаги ўйлардан ҳам кўпроқ фаросатсиз очкўзликнинг томошаси кўпроқ азоб солаётган эди. У Аннабелдан озгина вақтга бўлса узоқлашгиси келди. Қиз у билан бор-йўғи бурнида чиккунча еб, эсини йўқотгунча ичиш учунгина келганини яширишнинг истамаётган эди. У узр сўради ва чикки хожатхона томон кетди.

У ерга бориш учун бар орқали ўтишига тўғри келар эди. Ўртадаги столни банд қилган жуфтликни айтмаганда, баулар келган пайтдаги каби ҳозир ҳам деярли бўш эди. Кумушранг сочлари куюк, силлиқ юзи офтобда бироқорайган ўрта ёшлардаги эркак ёнидаги жудаям ёш жудаям чиройли малласоч қизнинг елкасидан кучганч кулоғига нималарнидир шивирлар эди.

Николас уни дарҳол таниди – у отаси кўп йилла коммивояжер бўлиб ишлаган, икки йил олдин эса қулай баҳона билан ишдан бўшатиб юборилган компаниянинг раиси эди. Компания “Соренсен ва Мак-Гилл” деб номланар, кумушранг сочли киши эса Жулиус Соренсен эди.

Отасини жудаям яхши кўрадиган Николас, турган гапни Соренсендан нафратланар, бироқ нимадир қилиш учун анёшлик қиларди. Кўзлар тўқнаш келганда истамайги “салом” деб минғирлаб қўйиб, эркаклар хожатхона томонга ўтиб кетди.

Ҳамёнидаги бор пулини санаб, кредит карточкаси орқали компаниядан қанча қарзга киришини чамалаб кўрди. Отасидан қарз олишига тўғри келади, шекилли. Анави драмас Соренсен ишдан ҳайдаганидан буён отасининг топиши ҳам ўртамиёна бўлиб қолган. Шунинг учун у имкон қадар отасидан пул сўрамасди.

У тушқун кайфиятда қайтиб ўтаётганида Соренсен ва унинг хуштори бир-биридан узоқроқ ўтиришган экан. Улар Николас томонга қарашмади, у ҳам улар томонга қарамасликка уринди.

Аннабель птифур ширинлигини очкўзлик билан ютаркан, иккинчи рюмка “шартрез”ни ҳам ичиб тугатди. Николас олдинроқ унинг юзини учар тулкиникига ўхшатган эди, шу дақиқада эса бу бор-йўғи бир тур кўршапалакнинг чиройли номи экани эсига тушди. Мағизли апельсинни еяётган Аннабель ростдан ҳам кичкина, мечкай кўршапалакни эслатарди.

– Мени уйку босди, яна ғалати бўлиб кетаяпман, – деди у. – Ё биронта вирус юктириб олдиммикан? Тезроқ ҳисоб-китоб қивормайсанми?

Николас официантнинг эътиборини қаратгунча бироз кутиб қолди. Унинг имлаётганини кўрган официант учиб келди.

– Ҳисобни келтирсангиз, – у буни Цезарга юзланган гладиаторнинг “Ўлим билан юзлашаётганлар сени шарафлайди!” деганидай бир оҳангда айтди.

Зум ўтмай қайтиб келган официант уни метрдотель сўраттирганини айтиб, у билан боришини сўради. Николас ажабланганча бош силкиб қўйди. Нима бўлди экан?

Аннабель креслога ўзини беўхшов тарзда ташлаб юборган, кўзлари сузилган, оғзидан сўлаги оқаётганини ҳам пайқамайдиган ҳолатда эди. Улар, афтидан, тезроқ уни бу ердан олиб кетишимни сўрашса керак, деб ўйлади официантнинг ортидан бораётган Николас.

Соч турмагидан пингвинни эслатувчи гавдали киши унга
“Сиз учун ҳисоб-китоб қилинган, сэр” деганида Николас
унга қараб анқайиб қолди.

– Тушунмадим, бу билан нима демокчисиз?

– Отангиз тўлади, сэр. Менга шуни айтиб қўйиш
топширилган.

Николас беҳад енгил тортди. Ўзини бўйи бир қарич
ўсгандай ҳис қилди. Бундан чикди, ҳозиргина кимдир унга
... совға қилди. Ҳм, қанча? Олтмиш фунт? Етмишми?
Дафъатан у тушунди. Соренсен тўлаган. Йигитнинг
отасиман деб. Отасини ишдан бўшатгани учун кичкинагина
компенсация. Олтмиш фунт тўлаш билан гўёки айбини
ювмоқчи, адолатсизликни озгина бўлсаям тўғрилашни
истаганини кўрсатмоқчи бўлибди-да!

– Марҳамат қилиб менга такси чақирсангиз! – деди ўзига
ишончи ортган Николас. Сўнг ўзини ҳақиқий лордлардай
тутиб, пинакка кетган Аннабелни уйғота бошлади.

Баланд кайфият уни анча вақтгача, мудраб бораётган
Аннабелни уйига ташлаб, ўзининг ижарахонасига
қайтганидан кейин ҳам тарк этмади. У кечки газетани олиб
кроссворд ечишга тутинди. Эҳтимол, ана шу кроссворд
бўлмаганида ҳаммаси бошқача бўлармиди.

“Вертикал бўйлаб ўн икки: қалбингизни коррупцияга
мубтало этувчи хатти-ҳаракат (тўрт ҳарф)”. “П” ва “А”
ҳарфлари бор эди. Николас шу ондаёқ жавобни топди
“Пора!”

У газетани ғижимлаб отиб юборди.

Соренсендай одам қилган адолатсизлиги учун изтироб
чекиши ёки бир сония бўлсаям ўзининг ҳақлигига
шубҳалани-шига ишониш учун одам қанчалик аҳмоқ
қанчалик лақма бўлиши керак? Турган гап, Соренсен ҳеч
қанақанги компенсация ҳақида ўйламаган. Ва, албатта, у бў
пулни меҳри тошгани ёки пушаймонлик таъсирида ҳам
тўламаган.

Буни шунчаки, ўша малласоч қиз билан ноқулай аҳволда кўриб қолган Николаснинг оғзини ёпиш учун қилган. Яъни, сирларидан бошқалар воқиф бўлишини истамаган оилали, бунинг устига, кўпчиликнинг эътиборидаги одамнинг одатдаги хатти-ҳаракати. Бу коррупция билан доим қўл ушлашиб юрадиган пора эди.

Уч йилча бурун Соренсен ходимлари учун уюштирган зиёфатга Николас ҳам отаси билан бирга борган эди. Ўшанда меҳмонларни Соренсен хоним кутиб олувди. Николас кичкинагина, нимаси биландир сичқонга ўхшаб кетадиган, ёшига нисбатан қаримсиқ кўринган қўнғир сочли аёлни эслади.

Соренсен ана шу аёл, яъни рафикаси унинг ёшгина, қизи тенги келадиган жазмани борлигини билишини истамагани учунгина саховат кўрсатибди.

“У мени сотиб олди, — деб ўйлади Николас, — сотиб олди ва тубан бир кимсага айлантириб қўйди. Ҳеч бўлмаганда, шунга уриниб кўрди. Лекин бундай бўлмайди. У Хоуторнларнинг яна биттасини боладим деб ўйлаётган бўлса, адашибди. Бир мартасиям етар”.

Николас тунни қийналиб ўтказди. У ўз шаъни, ғурури деб бир неча ҳафта ишлаб топганидан воз кечишига тўғри келишини тушуниб турарди. Уйғонгач, бир тўхтамга келди. Чек дафтарчаси жойида эканига ишонч ҳосил қилиб ишга отланди.

У “Соренсен ва Мак-Гилл”га телефон қилиш учун ўзида журъат топгунича бир неча соат ўтиб кетди. Соренсен учрашишни истамаса-чи? Қани энди банкдаги ҳисоб рақаида беш юз минг фунт бўлса-ю, икки энлик қиборона хатта қўшиб тўлдирилмаган чек жўнатиб юборса.

— “Соренсен ва Мак-Гилл”. Эшитаман сизни!

У телефончи қизнинг ўша, бир пайтлар отасига телефон қилгандаги таниш овозини эшитди.

Николас бугун жаноб Соренсен билан зарур бир масал юзасидан учрашмоқчилигини айтди. Уни Соренсеннинг котибаси билан улашди. Кутишга тўғри келди. Қиз ян гўшакни олди. Николас “йўқ” жавобини эшитишга тайё эди.

– Жаноб Соренсен кундузги соат бир сизга тўғри келадими, деб сўради.

Тушликдан кейин? Албатта, тўғри келади!

Жин урсин, уни кўриш учун Соренсен шоҳона дастурхон устидаги тушлигидан воз кечармиди?

Николас унинг кутилмаганда учрашишга розилиги бергани сабабини ўйлаганча Беркли-скверга отланди. Қалбининг туб-тубидан эшитилаётган умиднинг ожизгина ингичка овози кечаги фикрларини инкор этишга киришди.

Балки Соренсен ростдан ҳам яхшилик қилгиси келгандир? Николас унинг олдига борганида кечки овқат учун тўлов беғараз, шунчаки ўзининг собиқ ходимининг ўғлига қилинган арзимас совға эди деса-чи? Балки, анави чиройли қиз Соренсеннинг кизи бўлиб чиқар? Николас унинг фарзандлари ҳақида ҳеч нарса билмас эди. Ростанан кизи бўлса-чи?

Бундан чикди, аллақандай коррупция, пора ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ахир чин дилдан таклиф қилинган сигаретни рад этиш ёки бўлмаса, мезбоннинг меҳмондўст-лигидан хижолат тортишга на ҳожат?

“Соренсен ва Мак-Гилл” компаниясида уни танишар эди. У отаси билан бу ерга кўп келган, бундан ташқари, у отасига жуда ўхшар эди. Анави соҳибжамол қиз эси Соренсенга умуман ўхшамасди...

Котиба уни компания раисининг хонасига бошлади. Соренсен қизғиш ёғочдан ишланган, юзаси нақшинкор ёзу столи олдида, жигарранг чарм креслода ўтирар эди. Унинг орқасидаги деворни Модильяни қаламига мансуб суратла безаб турарди. Котиба қиз стол устидаги тўлиб кетган тў

яшил нефритдан ишланган кулдонни янгисига, оч яшил нефритдан-ишланганига алмаштириб чиқиб кетди.

– Салом, Николас, – деди Соренсен. – Қани, ўтиринг.

Николас хонадаги ягона, янгича дизайндаги, металл ва чарм уйғунлигида ишланган пастак стулга чўкди. Ростакамига чўкди. Яъниким, у курсига эмас, полга ўтириб қолгандай хис қилди ўзини. Олдидаги қора ойнадан ясалган, чарм билан хошияланган столда қандайдир журналнинг яланғоч қизлар тасвири туширилган бетлари очиб қўйилган эди.

Шундай одамлар бўладики, улар бошқаларни ноқулай вазиятга солиб қўйишнинг уддасидан чиқа олишади.

Соренсен чекди ва Николасга ҳам сигарет таклиф қилди. У йигитга ўйчан қараб туриб, бошини чайқаб қўйди.

– Мен шундай бўлишини кутгандайман...

Соренсен гапиришга оғиз жуфтлаган Николасни қўл ишораси билан тўхтатди.

– Бир дақиқа, гапиришга ҳали улгурасиз, – унинг гап оҳанги шафқатсиз ва шиддатли тус олди. – Сиз кеча мен билан кўрган қиз тасодифий танишим эди. Уни барда илинтирувдим. Илгари ҳечам кўрмаганман ва бундан кейин ҳам уни бошқа кўрмасам керак. У ҳар қанақасига олганда ҳам менинг жазманим эмас. Шошилманг! – у яна нимадир дейишга чоғланган Николаснинг гапини кесди. – Мен гапимни тугатиб олай, кейин гапирасиз. Хотинимнинг соғлиғи унчалик яхши эмас. Ўтган тунда мен қаерда ва ким билан бўлганимни билса, шубҳасиз, бу унга жуда ёмон таъсир қилади. Унинг яна тоби қочиб қолса, турган гапки, мен бундан қаттиқ сиқиламан, дилим вайрон бўлади. Аммо... – у буни чўзиб айтди, – аммо ҳеч қачон ва ҳеч қанақасига мени шантаж қилишларига йўл қўймайман. Тушунарлими? Мен кеча сиз еган овқат учун тўладим – орамиз очиқ. Тўғри, сиз кўрган нарсани хотиним билишини истайман. Аммо сиз буни унга айтишингиз, бу ҳақда

дунёга жар солишингиз мумкин, нима қилсангиз қилинг, барибир, сизга бошқа бир пенс ҳам тўламайман.

Бу гаплар, айниқса, “шантаж” деган сўз Николаснинг юрагига наштардай қадалди, юзига қон тепди. Бу ерга ўз шаъни учун келган эди, аммо буни мутлақо нотўғри тушунишибди!

– Гап умуман бундамас, мен умуман... нима учун менга бунақа гапираяпсиз?

– Буни эшитиш жудаям ёқимсиз-а, тўғрими? Нима десанг ҳам моҳият битта! Ахир олдимга яна пул беришимни сўраб келдинг-ку, тўғрими?

Николас жойидан туриб кетди.

– Мен пулингизни қайтариш учун келган эдим.

– Э, шунақами!? – Соренсен буни ғалати – урфдан қолган назокат ва сурбетлик қоришган бир оҳангда, аммо қизиқсиниш билан айтди. Сигаретини кулдонга босиб ўчирди. – Тушунаман. Ёшлик – ғўрлик. Айтмоқчисизки, сиз сотилмайсиз, шундайми?

– Ҳа, мен сотилмайман.

Николас тоқат қилолмади. Бориб Соренсеннинг столига қўлларини тиради. Лекин улар ҳамон титраб турарди.

– Мен ҳеч қачон ҳеч кимга кўрганларимни гапирмайман. Сўз бераман! Лекин менинг еб-ичганим учун сиз пул тўлашингизга ҳам йўл қўя олмайман. Ўзингизни менинг отамга тенглаштиришингизга ҳам! – Унинг кўзлари ёшга тўлган эди.

– О, худо ҳаққи, ўтиринг! Шантаж қилиш ниятингиз бўлмаса, тилингизни тийиб юрмоқчи ҳам экансиз, унда олдимга нега келдингиз? Одоб юзасиданми? Ё эркакчасига, кеча кечаси қизлар билан қилган кўнгилхушликлар ҳақида лақиллашгани келдингизми? Биласиз-ку, сиз ҳам, отангиз ҳам мен оғайнигарчилик қиладиган одамлар сирасига кирмайсиз.

Николас бироз тисланди. У бу одамнинг кучини энди ҳис қилди. Бу пулнинг ва пулдор одамларгагина хос бир куч эди. У ҳозир Соренсеннинг илгари ҳеч илғамаган қандайдир жиҳатини кашф қилди. Соренсен унга металлдан қуйилгандай туюлди — териси мисдан, сочлари кумушдан, костюми эса қалай ва кўрғошин қотишмасидан.

Николаснинг кўзини нимадир қоплаб олгандай, кўраётганларининг бари чаплашиб кетгандай бўлди.

— Ўша ҳисоб бўйича сизга қанча беришим керак? — дея олди у базўр.

— Худо ҳаққи, қўйсангиз-чи!

— Қанча?

— Олмиш етти фунт, — тиржайди Соренсен, — тахминан. Унинг буларнинг барига шунчаки эрмак деб қараётгани билиниб турарди.

Николас учун бу катта пул эди. У чек дафтарчасини олиб, Ж.Соренсен номига чек ёзиб, унга узатди:

— Мана пулларингиз. Лекин сиз кўпам хавотирланманг, сизни кўрганимни ҳеч кимга гапирмайман. Сўз бераман!

Шундай дер экан, у ўзини бениҳоя олижаноб, ҳақиқий қаҳрамондай ҳис қилди. Боягина оқиб тушишга шай турган кўзёшлар қуриди.

Соренсен чекка бир қараб қўйди-да, уни йиртиб ташлади.

— Жудаям хира йигит экансиз. Тоқатим тугади, ҳозирок кетинг бу ердан!

Николас бошини баланд кўтариб чиқиб кетди.

Орадан икки кун ўтди. Поездда тонгги газета ўқиб кета туриб, манфур Соренсен фамилиясига кўзи тушганда унга яна битта чек жўнатиш ҳақида ўйлай бошлади. Аввалига у газетадаги мақолада гап “унинг” Соренсени ҳақида кетаётганини ўйламаган эди. Қарасаки, ўша ҳақида: сарлавҳанинг йирик ҳарфлари “Ўрмондан аёл кишининг жасади топилди. Пул магнатининг хотини — қотиллик қурбони” демоқда эди.

“Ўтган тунда Хертфордшир графлигидаги Хатфилд ўрмонида ташлаб кетилган автомобиль ичидан аёл кишининг жасади топилган, — дейилган эди мақолада. — Ўлим бўғилиш оқибатида юз берган. Бугун аёлнинг шахси аниқланди: Уинфред Соренсен хоним, 45 ёшда, Итон Плэйс, Белгрэйвиа. Мархум офис жихозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Соренсен ва Мак-Гилл” компанияси раиси Жулиус Соренсеннинг рафиқаси экани ҳам маълум.

Соренсен хоним онаси Мэри Клиффорд хонимникига меҳмонга борган. Мэри Клиффорд хоним бу ҳақда шундай деди:

— Қизим меникида яна икки кун қолмоқчи эди. Сешанба куни кечаси уйига, Лондонга кетмоқчилигини айтганида ҳайрон қолган эдим.

— Сешанба куни рафиқам келишини кутмаган эдим, — дейди жаноб Соренсен. — У нима учун кўнғироқ ҳам қилмасдан йўлга чиққанини тушунолмадим. Унинг йўқолганидан хабар топишим билан полицияга хабар бердим.

Полиция буни қотиллик деб ҳисобламоқда”.

— Бечора, — ўйлади Николас. — Жуфти ҳалоли ўз уйига, эрининг қошига уни соғиниб, унинг маслаги-ю муҳофазасига мушток бўлиб отланган бир пайтда, у ҳатто кимлигини ҳам билмайдиган аллақандай қиз билан кўнгилхушлик қилиб ўтирган. Энди афсус чекаётган бўлса керак. Жуда аянчли ҳолат: Соренсен анави қиз билан оғиз-бурун ўпишиб, қадах уриштираётган бир пайтда хотини хилват бир зимистонда, ёлғиз ўзи қотилга ожизгина қаршилиқ кўрсатаётган бўлган.

Николас бу ишни Соренсеннинг ўзи қилганида ҳам ҳайрон қолмаган бўлар эди. Умуман, у Соренсендан ҳамма нарсани кутиш мумкинлигини билар ва у нимаики қилмасин, ҳеч ҳам ажабланмас эди.

Аммо-лекин Соренсен бу ишни қилмагани бошқалардан ҳам кўра кўпроқ Николасга аён эди. Шунинг учун кечкурун уйига қайтганида йўлакда уни кутиб турган икки полициячини кўриб ҳайрон бўлди.

– Безовта бўлманг, жаноб Хоуторн, – деди ўзини қидирув полициясининг инспектори деб таништирган ёши каттароғи. – Бу шунчаки расмиятчилик. Сиз бугунги газетадан Уинфред Соренсен хонимнинг ўлими ҳақида ўқиган бўлсангиз керак?

– Ҳа, хабарим бор.

– Ижозатингиз билан ичкарига кирсак.

Улар Николас билан юқорига, унинг хонасига кўтарилишди.

Буларга нима керак? Николас баъзан детективлар ўқиб тургани учун миясида турли-туман фикрлар чарх ура бошлади. Қизик, булар “Соренсен ва Мак-Гилл” компанияси билан сал-пал алоқам бўлгани учун Соренсеннинг феъл-атвори, оиласига бўлган муносабати ҳақида сўрашмоқчимиз? Унда, келиб тўғри қилишибди.

Эҳ, буларга нималарни айтсам экан-а?! У рашк ва шубҳа-гумонлар гирдобидида қолган бахтиқаро Соренсен хонимнинг нима учун кўкқисдан онасиникидан икки кун аввал чиқиб, уйига қайтишга қарор қилганини осонгина изоҳлаб бериши мумкин. У эрини шахсан ўзи хиёнат устида ушламоқчи бўлган. Албатта, у эрини ўша қиз билан ўз уйида тутиб олган бўлар эди, афсуски етиб келолмаган. Қандайдир маньяк унинг жонига қасд қилган. Ҳа-ҳа, у буларни бажонидил айтиб бериши мумкин.

– Аниқланишча, – дея гап бошлади инспектор, – Соренсен хоним сешанба куни кечаси соат саккиз билан ўнлар орасида ўлдирилган.

Николас маъқуллаб бош силкиб қўйди. У ўзини зўрға ушлаб турарди. Агар ҳозир буларга ташқаридан ҳурматга сазовор кўринган ўша бизнесменнинг асл башарасини очиб

берса борми, лол бўлиб қолишлари турган гап. Аммо бир сония ичида Николас оғзини очганча анграйиб қолди.

– Ўша кечаси соат ўнда жаноб Жулиус Соренсен, яъни мархумнинг эри Мэрайлибоун-Хай-стритдаги “Поттерс” ресторанида ёшгина бир қиз билан бирга бўлган. Буни бизга унинг ўзи айтди.

Соренсен уларга айтибди! У тан олибди! Унинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Сиз ҳам ўша вақтда ўша ресторанда бўлгансиз, шундайми?

Николас секин жавоб қайтарди:

– Ҳмм... Ҳа, мен ўша жойда эдим.

– Эртаси куни сиз, жаноб Хоуторн, “Соренсен ва Мак-Гилл” офисига боргансиз ва жаноб Соренсен билан ўрталарингизда суҳбат бўлиб ўтган. Қайси мавзуда суҳбатлашганингизни айтиб беролмайсизми?

– Биз... Мен уни кечаси “Поттерс”да кўрганим ҳақида гаплашдик. Унинг талабига кўра мен...

Николас тутилиб қолди. Унинг юзи ҳаяжондан қизара бошлади.

– Бир дақиқа, сэр! Менимча, сизни нима безовта қилаётганини тушунгандайман. Ижозат берсангиз, буни изохлаб берсам – бунинг хижолат тортадиган жойи йўқ. Сиз ҳали жуда ёшсиз, ёшлар эса хиёнат ва садоқат тушунчалари тўқнаш келганда кўпинча иккиланиб қолишади. Тўғрими?

Нима деярини билмай турган Николас бош ирғаб унинг гапини тасдиқлаб қўйди.

– Аммо сиз ҳақиқатни гапиришингиз керак. Бунга тайёрман деб ўйлайсизми?

– Ҳа, албатта.

– Яхши. Жаноб Соренсен сизни сотиб олишга ҳаракат қилдими?

– Ҳа. – Николас чуқур нафас олди. – Мен унга сўз бердим.

– Жаноб Хоуторн, бу энди ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ижозатингиз билан яна такрорлайман. Соренсен хоним саккиз ва ўн орасида ўлдирилган. Жаноб Соренсен бизга бу вақтда “Поттерс”да бўлганини айтмоқда. Бардаги официантлар уни эслай олишмади. У билан бирга бўлган хонимчанинг фамилияси эса, унинг айтишича, унга номаълум. Унинг гапига қараганда, сиз уни ўша ерда кўргансиз. – Инспектор ёрдамчисига қараб қўйиб, яна Николасга тикилди. – Бунга нима дейсиз, жаноб Хоуторн? Бу фавкулодда муҳим савол.

Николасни яна ҳаяжон босди, бироқ бунинг билинтирмасликка тиришди. Улар шундоқ ҳам тушуниб туришибди.

– Мен “Поттерс”да соат саккиздан тахминан ўн яримгача бўлдим. – деди у ҳақиқатдан чекинмасликка тиришиб. – Сешанба куни жаноб Соренсен билан унинг офисида учрашганимизда уни ресторанда кўрганим ҳақида гаплашган эдик. Ва... у менинг овқатим учун пул тўлади.

– Тушунарли.

Инспекторнинг нигоҳлари тешиб юборгудай ўткир эди! У ўзини ёшлик ва кексалик, донолик ва гўллик, айбсизлик ва коррупция ҳақида жуда кўп нарса биладигандай тутарди.

– Шундай қилиб... Сиз ҳақиқатан ҳам сешанба куни кечкурун “Поттерс”да жаноб Соренсенни кўрдингизми?

– Мен берган сўзимдан қайтолмайман, – секин, аммо катъий оҳангда деди Николас.

У бундай қила олмасди ҳам. Полиция Соренсенни қотилликда айблаши учун ундан бор-йўғи берган сўзида туриш талаб қилинаётганини туйқус англади. Ва кўзларини яширган қўйи, айбдорона, бўғик овозда деди:

– Мен уни кўрганим йўқ. Тўғриси, кўрмадим.

*Рус тилидан
Шавкат Ёдгоров таржимаси*

БУ КИШИ ЎЛСА...

Кечки пайт Эдгар Крафт Саратогдаги тўртинчи йўлда иштирок этаётган Чипор Тасма лақабли отга икки юз доллар тикди. Шейла лақабли от ғолиб бўлиши тахмин қилинганди, аммо у биринчи бурилишда муваффақиятсизликка учради ва Чипор Тасма маррага яқинлаша бошлади. Крафт эндигина ютган пулини ҳисоб-китоб қилмоқчи эди, аммо Чипор Тасма сакраб чопишга ўтди ва у маррага етиб келганидан сўнг пойгадан четлатилди. Крафт бор пулидан айрилиб уйига қайтди.

Табиийки, эрталаб унинг кайфияти жуда ёмон эди. Кутилмаганда шу мактуб келиб қолди. У ҳаммаси бўлиб олгита хат олганди. Дастлабки бештаси у ҳали-бери тўлай олмайдиган тўлов талабномалари эди. Шунинг учун уларни бошқа талабномалар турган тортмага ташлади. Олтинчи хатжилддан эса унинг бахтига талабнома ҳам, кредитга олинган автомобили ва мебелини мусодара қилиш ҳақидаги огоҳлантириш ҳам чиқмади. У ўртасида бир нечта сўз ёзилган варақни ўқиди. Унда дастлаб кимнингдир исм-шарифи ёзилганди:

“Жаноб Жозеф Г. Найманн”.

Пастда эса қуйидаги сўзлар бор эди:

“Бу киши ўлса, сиз беш юз доллар оласиз”.

У ҳозир ҳазил кўтарадиган аҳволда эмасди. Бутун пойга давомида олдинда борган от маррага етай деганда сакраб чопса, одамнинг кайфияти, албатта, тушади. У варақнинг орқа томонига қаради. Иккинчи тарафида ҳеч нарса ёзилмаганди. У хатни яна бир марта ўқиди. Хатжилдни олди. Фақат унинг исм-шарифи ва манзили билан маҳаллий почта бўлимининг муҳри бор, холос. Крафт аҳмоқона ҳазил

килган нотанишни бўралаб сўкди ва хатжилдни бурда-бурда қилиб ахлат челака ташлади.

Кейинги ҳафта давомида у бу ғалати мактуб ҳақида эсламади ҳам. Ўзининг муаммолари етарли эди. У ҳеч қандай Жозеф Г. Найманни танимас, шунинг учун унинг ўлиmidан кейин беш юз доллар олишига умид қилмасди. У бу мактуб ҳақида хотинига индамади. Бундай қутилмаган мерос ҳақида қарзни сўраб кўнғироқ қилган “Суперфинанс” уюшмаси ходимиға ҳам лом-мим демади.

У ойлик маоши харажатларига етмаслиги ҳақида ўй сурганча ишға бориб-келишда давом этди. Икки марта пойғаға борди. Бир марта ўттиз доллар ютди, иккинчисида йигирма уч доллар ютқазди. У Жозеф Г. Найманни бутунлай унутиб юборди.

Шунда иккинчи мактуб келди. У шошиб-пишиб хатжилдни очди. Букланган варақни олди. Стол устиға эллик долларлик ўн дона пул тушди. Варақда эса шундай сўз ёзилганди:

“Миннатдорман”.

Эдгар Крафт икки хат орасидаги боғлиқликни дарров англаб етмади. У беш юз доллар жўнатишгани у ёқда турсин, қайси қилган иши учун ундан миннатдор бўлишгаётгани ҳақида узоқ ўйлади. Шу пайт эсига биринчи хат тушиб қолиб кўчаға югурди, тонгги газета сотиб олди ва таъзиялар саҳифасига кўз югуртирди.

Ростдан ҳам бир кун олдин, узоқ касалликдан сўнг Парк-Плейсдаги 413-уйда яшаган Жозеф Генри Найманн олтмиш етти ёшида округ касалхонасида вафот этганди. Ундан бир бева, уч фарзанд ва тўрт набира қолганди.

Крафт уч юз долларни банкка қўйди, икки юзини ҳамёниға жойлади. Автомобил учун навбатдаги тўловни, уй ҳақини, майда-чуйда қарзларини тўлади. Тўғри, унинг қарзлари ҳали ҳам бор эди, лекин Жозеф Генри Найманнинг

ўлими шарофати билан у эркинроқ нафас олиш имконига эга бўлганди.

“Суперфинанс” уюшмаси ходими қарзнинг маълум қисми қайтарилганидан қаноатланди ва уни бирмунча вақт безовта қилмади.

Ўша оқшом Крафт ипподромга хотини билан борди. Ҳатто хотинига ҳам истаган отига пул тикишига ижозат берди. У қирк доллар ютқазди, аммо асло қайғурмади.

У кейинги мактубни очмади. Хатжилд устидаги босма харфларданок у хат жўнатувчи ким эканлигини билди ва бир неча дақиқа очмасдан ушлаб турди. У сахий нотаниш нимадир сўраши ва олган беш юз доллари эвазига бирор нима қилиб беришидан хавотирда эди.

Ниҳоят хатжилдни очди. Ҳеч қандай илтимос битилмаганди. Бошқа исм-шариф ёзилган оддий варақ.

“Жаноб Раймонд Андерсен”.

Пастроқда қуйидаги ёзув:

“Бу киши ўлса, сиз етти юз эллик доллар оласиз”.

Кейинги бир неча кун давомида Эдгар Крафт жаноб Раймонд Андерсенга ҳеч қандай ёмонлик тиламаётганига ўзини ишонтириб юрди. У бу кишини танимас, у ҳақда эшитмаган, унга ўлим тиламасди. Аммо барибир...

Ҳар куни эрталаб у газета сотиб олар ва дарҳол таъзиялар саҳифасини очиб беихтиёр жаноб Раймонд Андерсеннинг исмини кидирарди. “Мен унга ёмонлик тиламайман”, дерди у ҳар сафар ичида. Аммо етти юз эллик доллар... Агар жаноб Раймонд Андерсенга бирор нима бўлганида эди, у пулли бўлиб қоларди. Лекин Андерсенга нариги дунёга равона бўлишига ёрдам бермайди. Йўқ, йўқ, фақат бу эмас. Аммо унга бирор нима бўлса...

“Бирор нима” юз берди. Беш кундан сўнг у тонгги газетада узоқ касалликдан сўнг вафот этган қария Андерсенга ёзилган таъзияномани ўқиди. Унинг юраги гупиллаб уриб кетди. У ўзини айбдордек ҳис қилди. Аммо

нима учун ўзини айблаши керак? У ҳеч қандай ёмон иш қилгани йўқ-ку. Андерсендек қари, касал чол оғир азоблардан қутулгани учун ўлимидан фақат хурсанд бўлиши керак.

Лекин унга нима учун кимдир етти юз эллик доллар тўлаши керак?

Аммо тўлади. Мактуб эртасига эрталаб, уйқусиз тундан сўнг келди. Крафт кечаси билан хат келиш-келмаслигини ўйлаб ухлай олмасдан у ёнидан бу ёнига ағдарилиб чиқди. Етти юз эллик доллар пул ва “Миннатдорман” деган таниш сўз ёзилган хат келди.

Нима учун? У асло тушунмасди. У хатни тортмага ташлашдан олдин бир оғиз сўз ёзилган варақча узоқ тикилиб турди.

“Тез-тез ёзиб туринглар”, деб қўйди ичида.

Икки ҳафта хат келмади. У “саховатпеша нотаниш мени унутиб қўймайди” деган умидда ҳар куни почта қутисини текшириб кўрарди. Баъзан йигирма-ўттиз дақиқа бўшлиққа тикилганча пул ва хат ҳақида ўйлаб ўтирарди. У иш қилмоқчи бўлар, лекин хаёли сирли саховатпеша томон кетиб қоларди. У йилига беш минг доллар олар ва бу пул учун ҳафтасига қирқ-эллик соат тер тўкиб ишларди. Энди эса иккита хат билан бармоғини ҳам қимирлатмасдан бу пулнинг чорак қисмини топганди.

Етти юз эллик доллар уни қарзларидан батамом қутқармаган бўлса-да, анча ёрдам берди. Хотини қутилмаганда уйни таъмирлатмоқчи бўлди. Уй ҳақи, автомобил учун пул тўлаш вақти келди. Бир куни пойгада пул ютди, охир-оқибат бор ютуғига қўшиб яна йигирма долларни бой берди.

Шунда ертўла учун ҳаво тозалагич таклиф қилинган ва аллақандай хайрия жамғармасига пул ўтказиш илтимоси бўлган хатлар билан бирга учинчи хат келди. Ҳаво тозалагич ва хайрия жамғармаси хатлари ахлат челаққа

равона бўлди, учинчи хатни эса очди. Яна ўшандай, фақат исм-шариф ўзгарган.

“Жаноб Клод Пайрс.

Бу киши ўлса, сиз минг доллар оласиз”.

Хатни тортмага солган пайтда Крафтнинг қўллари қалтираётганди. Минг доллар: тўланадиган пул миқдори бошни айлантирадиган даражага етганди. Жаноб Клод Пайрс. У бирорта Клод Пайрсни танийдими? Табиийки, йўқ. Ким у? Тузалмас касалликдан ўлаётган қариями?

Крафт бунга жудаям умид қиларди. У бундай бемаъни ўйлари учун ўзидан нафратланар, аммо ўзини тўхтатолмасди. У Клод Пайрснинг ўлишига умид қиларди.

Бу сафар у маълумот тўплашга киришди. Телефон маълумотномасидан Хонидейл-Драйв кўчасида яшовчи Клод Пайрсни топди. Маълумотномани ёпди ва ишини давом эттирмоқчи бўлди, аммо бўлмади. Яна маълумотномани очди, бу киши нимадан вафот этишини тахмин қилиб телефон рақамига узоқ тикилиб турди. Крафтга унинг ўлиши муқаррардек туюлаётганди. Агар у бирор инсоннинг исм-шарифи ёзилган хат олса, ўша киши, албатта, ўлар, Эдгар Крафт эса пул оларди. Демак, Клод Пайрснинг ҳаёти ҳам қил учида турибди.

У кўнғироқ қилди. Гўшакни аёл киши олди. Крафт жаноб Пайрсни сўради.

– Жаноб Пайрс касалхонада, – дейишди унга. – Ким сўраяпти?

– Раҳмат, – деб Крафт гўшакни қўйди.

“Албатта”, ўйлади у. Улар касалхонада ўлиши муқаррар беморларни топишади ва бемор вафот этиши билан Эдгар Крафтга пул тўлашади. Нима учун пул тўлашаётгани эса Крафтни ташвишлантirmасди. Балки ўша одам телевизорда ҳикоя қилишган телбага ўхшар. Ўша телба ҳар ҳафта одамларга миллион доллардан тарқатган. Агар бирортаси

Крафтга пул жўнатмоқчи экан, Крафт бунга қаршилик қилмади.

У ўша куниеъ касалхонага кўнғирок қилди. Клод Пайрс икки кун илгари операция қилинганини айтишди. Операция яхши ўтган, бемор ўзини яхши ҳис қиляпти.

“Бу вактинчалик”, ўйлади Крафт. Пайрс ўлимга маҳкум. Пайрсга ачинди, кейин эса кечки пойгани ўйлай бошлади. Унга Малла Юлдуз лақабли от ёққанди. Бу отни у анчадан бери кузатаётганди, балки бугун ютар.

Крафт ипподромга борди. Малла Юлдуз унинг ишончини окламади. Эрталаб у газетадан Пайрсга аталган таъзияномани тополмади. Касалхонадагилар беморнинг анча тузалиб қолганини айтишди.

“Бундай бўлиши мумкин эмас”, ўйлади Крафт.

Клод Пайрс уч ҳафта касалхонада ётди ва бу вақт давомида уни даволовчи шифокордан кўра Эдгар Крафт унинг соғлигига кўпроқ қизикди. Бир куни Пайрснинг саломатлиги тўсатдан ёмонлашди ва у ҳушидан кетиб қолди. Ҳамширанинг овозида қайғу сезилди ва Крафт такдирдан миннатдор бўлди. Аммо эртасига Пайрс ўзига келди. Ҳамшира бу ҳақда қувонч билан маълум қилди, Крафт эса ғазабга минди.

Шу кундан бошлаб Пайрснинг соғлиги яхши томонга ўзгара бошлади. У касалхонадан чиқди. Крафт қанақасига бундай бўлганини ҳеч тушунолмасди. Ҳаммаси чаппасига қийланиб кетганди. Пайрснинг ўлимидан сўнг у минг доллар олиши керак эди. Пайрс касал бўлди, Пайрс ҳаёт ва ўлим чегарасига борди ва кутилмаганда Крафтни минг доллардан маҳрум қилганча ўлим чангалидан кутулди.

Крафт кейинги мактубни кутарди. Аммо мактуб келмади.

У уй ҳақини тўлайдиган муддатдан икки ҳафта ўтиб кетди. Автомобил учун тўлов ҳам кеч қолди, унга яна “Суперфинанс” уюшмаси ходими кўнғирок қила бошлади. Крафтнинг боши қотиб қолди. “Бу киши ўлса”, деб

ёзилганди хатда. Ахир, Пайрс абадий яшолмайди-ку. Ҳеч ким яшолмайди. Пайрс ўлиши билан Крафт минг долларга эга бўлади.

Айтайлик, Пайрс билан бирор нохушлик юз беради...

У беихтиёр қайта-қайта шу фикрга келарди. “Муаммо бўлмайди”, ўзини тинчлантирарди у. У Клод Пайрсга қизиқаётганини ҳеч ким билмайди. Яхши тайёргарлик кўрса, ҳаммаси силлиқ кечади. Полиция ҳеч қачон ундан шубҳаланмайди. Ахир у Пайрс билан таниш эмас-ку... Шундай экан...

“Қўлимдан келмайди, — деди Крафт ўзига ўзи. — Бундай қилолмайман. Бегуноҳ бир инсонни ўлдириш... Асло”.

У ўша минг долларсиз ҳам кун кўришга қарор қилди. Олдин шу пулсиз ҳам яшаган-ку. Ҳа, шу пуллар бўлса ёмон бўлмасди. Қандай сарфлашни яхши биларди. Аммо на илож.

Эртасига эрталаб Клод Пайрснинг исми газеталарнинг биринчи саҳифасида босилиб чиқди. Тунда кимдир унинг Хонидейл-Драйвдаги уйига кирган ва ухлаётган жойида бўғизлаб кетганди. Қотил кимлиги аниқланмаганди. Қотилликка нима сабаб бўлганини ҳам ҳеч ким айтолмасди.

Крафт бу хабарни ўқиркан, ўкчигиси келди. У Пайрсни худди ўзи ўлдиргандек ўзини айбдор ҳис қиларди. У ҳеч қандай ёмон иш қилмаганини, ҳеч кимни ўлдирмаганини яхши биларди. Аммо бу ҳақда ўйлаган, Пайрсга ўлим тилаганди.

Пул эртасига келди. Юз долларлик ўн дона — жами минг доллар пул. Ва биттагина сўз ёзилган бир варақ қоғоз: “Миннатдорман”.

“Менга миннатдорчилик билдиришнинг кераги йўқ, — ўйлади Крафт пулларни маҳкам сиқимлаганча. — Миннатдорчиликнинг кераги йўқ”.

“Жаноб Леон Деннисон.

Бу киши ўлса, сиз бир ярим минг доллар оласиз”.

Крафт бу хатни ўқиркан, юраги кинидан чиқиб кетгудек ўрарди. У хатни икки марта ўқиб чиқди, сўнг хатжилдга солиб, майда-майда қилиб йиртди ва ахлат челакага ташлади.

Крафтнинг боши оғриб қолди. У дори ичди, аммо бош оғриғи қолмади. Тушгача у ишхонада ҳеч нарса қилмасдан ўтирди. Тушлик пайтида қаҳвахонага кирди, овқат таъмини олмагандан овқатланди. Ишга қайтгач, кечки пайт Саратогда бўладиган пойга ҳақида ўйламоқчи бўлди. Аммо хатдаги ватанлар унинг кўз олдидан кетмасди. У ишдан эртароқ кетди ва кўчани айланиб юрди.

“Жаноб Леон Деннисон”.

Деннисон Кедбюри авенюдаги уйда яшарди. Гўшакни ҳеч ким кўтармади. Деннисон адвокат бўлиб, телефон маълумотномасида ишхонасининг рақами ҳам бор эди. Крафт кўнғироқ қилиб кўрди, котиба жаноб Деннисонни айтилишига кетганлигини айтди.

“Бу киши ўлса”.

“Аммо Деннисон ҳали-бери ўладиган эмас”, ўйлади Крафт. Ҳар қалай, касалхонада ўлмаслиги аниқ. Деннисоннинг жуда яхши ҳис қиляпти, ишляпти ва хатни ёзган одам бу ҳақда билади.

“Бир ярим минг доллар”.

Аммо қандай қилиб? Унинг тўппончаси йўқ, қаердан олишни ҳам билмайди. Пичоқ? Клод Пайрсни пичоклаб ўлдиришгани унинг ёдига тушди. Пичоқни топиш ҳам осон. Аммо... буни истамасди.

Унда қандай қилиб? Автомобил? Амалга оширса бўлади. Деннисонни холироқ жойда пойлаши ва босиб кетиши мумкин. Лекин полиция бирпасда топади. Ўлган шахсга тегишкан бўёқ юқидан, автомобил бамперида қолган қондан. У

ЖАНЖАЛ

Ўша куни эрталаб Дон Уитлининг қиёфаси дунё ташвиши елкасига тушгандай ғоят тунд эди. Шунинг учун ҳам бошлиқ Уитли ва унинг ёрдамчисини товламачилик билан боғлиқ иш бўйича текширишга жўнатганида почта полициясидаги инспекторлар енгил нафас олишди.

– Бўйдоқ юрганим дурустмиди, деб ўйлаб қоламан баъзида, – тўнғиллади қовоғини уйиб кетаётган Уитли хизмат машинаси Федерал почта бошқармаси биноси олдидаги кўчадан транспорт оқимига қўшилиб кетган пайтда. – Нима деб ўйлайсан, Мак?

– Билмасам, – деди машинани эҳтиётлик билан бошқариб бораётган инспектор Макинтош.

– Менга ўхшаб қирқ ёшигача бўйдоқ яшаган одамнинг оилавий ҳаётга кўникиши жуда қийин. Балки бунинг иложи ҳам йўқдир. Бунда Каролинни айблаб бўлмайди.

– Ҳаммаси изга тушиб кетади, – унинг гапини бўлди Макинтош. – Каролин билан оила қурганингга бор-йўғи беш ой бўлди, шекилли?

Уитли маъқуллаб бош силкиб қўйди.

– Лекин кўп, жудаям кўп вақт ўтгандай.

Макинтош кулиб қўйди. У машинани икки четида идоралар ва кўп қаватли уйлар жойлашган катта кўчага бурди.

– Биласанми, Дон, – деди у, – менинг ажралишлар билан шуғулланадиган адвокат дўстим бор. Истасанг, унинг телефон рақамини бераман.

Уитлининг кўзлари мугуз гардишли кўзойнак остидан тез-тез пириллаб, аччиғи чиққани чўзинчоқ юзида зоҳир бўлди.

– Ажрашиш? Наҳотки мени қандайдир бемаъни жанжал учун ажрашишгача боради, деб ўйласанг?

– Шунчаки ёрдам бермоқчийдим, – деди Макинтош пинак бузмай. – Биз қанақа топшириқ билан кетаяпмиз ўзи?

Уитли ёрдамчисига бир муддат тикилиб туриб, деди:

– “Хуббарт электроникс” компанияси. Компания соҳиби Жошуа Хуббарт эрталабки почтадан товламачилик мазмунидаги хат олган. Лекин сендан буни кутмовдим, Макинтош. Ажрашишлар бўйича адвокат эмиш, ё тавба!

– Узр, – деб қўйди бор эътиборини йўлга қаратаркан Макинтош.

“Хуббарт электроникс” шаҳарнинг шимолий қисмида, туркираб бораётган янги саноат ҳудудидаги улкан, худди хром ва кўкиш шишадан қилинганга ўхшаш бинода жойлашган эди.

Машинани тўхташ жойида қолдирган инспекторлар бинога қараб юришди. Бир неча дақиқадан сўнг улар энг юқори қаватдаги кенг ва сокин хонага кириб боришди. Шиша қопламали, салобатли стол ортидан Жошуа Хуббарт бўй кўрсатди.

– Келганингиз учун раҳмат, – деди Хуббарт. Ўрта бўй, қотмадан келган, юзини чуқур ажин қоплаган бу одамнинг кўзларида хавотир зоҳир эди. У столга ишора қилди. – Мана, марҳамат, ўша хат ва у жўнатилган конверт.

Уитли портфелини очиб ундан пинцет олди ва хатни унга авайлаб қистириб олди. Бир варақ арзон машинка қогозига босма ҳарфлар билан қўлда ёзилган хат.

– Буни ким жўнатган бўлиши мумкин, бирон тахминингиз борми? – сўради Макинтош Хуббартдан.

У бошини чайқади.

– Йўқ. Ҳеч қачон мен билан бунақа воқеа содир бўлмаган эди. Тўғри, душманларим кўп. Лекин улар бунақа аноним таҳдид ёки... шунга ўхшаш ишларга қўл урадиган одамлар эмас.

– Сизнингча шундай, – деди Макинтош.

– Менимча шундай.

Уитли хатни дераза олдига олиб бориб, хонани тўлдириб турган куз офтобининг нурларига тутиб кўра бошлади. Кейин жойига қайтиб, хатни конверт ёнига қўйди.

– Мак! – чақирди у.

Унинг ёрдамчиси энгашганча хатни ўқишга тутинди. Қаламда ёзилган матнда шундай дейилган эди: “Ж.Х. Неваранг омон қолишини истасанг бизга юз минг доллар беришинг керак. Бир хил қийматдаги йигирма долларлик ва ундан кичик банкнотдаги пул боғламларини катта қоғоз халтага тахлаб жойлаштир. Кейин халтани бугун чоршанба куни кечаси соат ўн бирда Классен ва 56-шимолий кўчаси бурчагида жойлашган парkning кириш жойидаги чиқинди қутисида қолдир. Огоҳлантираман, полицияни аралаштирма Мен кузатиб тураман, акс ҳолда Кичкина Ж.га ёмон бўлади. Сенга ва унинг ота-онасига ҳам. Ҳеч қандай хитларсиз”.

– Мистер Хуббарт, Кичкина Ж. ким? – сўради Макинтош.

– Неварам. Унинг исми Женнифер.

Хуббарт стол устидаги чарм гардишли фотосуратларга нигоҳи ила имо қилди. – Рафиқам, – тушунтириш берди у, фотосуратлардан бирида тасвирланган ўрта ёшли аёлни кўрсатиб. Бошқа фотосуратдаги ўзига бино қўйган йигит билан аёл Хуббартнинг ўғли ва келини экан. Кейингиси сепкил босган юзида беғубор кулги акс этган ўн ёшлардаги кизчанинг фотосурати бўлиб, бу ўша Женнифер эди.

– Ажойиб оила, – деди Уитли. – Тушунишимча, Женнифер – ўғлингизнинг кизи, тўғрими? Ўғлингиз бу гаплардан хабардорми?

– Ҳа, албатта. Манави лаънати хатни олишим билан унга кўнғироқ қилдим. Ҳозир у шу ерда, пастки қаватдаги хонасида. Женнифернинг мактабдамас, уйдалигига ишонч ҳосил қилиш учун хотинига кўнғироқ қилаётган бўлса

керак. Орада мен у ёкка компания хавфсизлик хизматидаги
икки нафар ходимни юбордим, улар қанча керак бўлса,
шунча вақт кўриқлаб туришади.

– Тушунарли. Яна бирон чора кўрдингизми? – сўради
Уитли.

– Қон босимимни туширадиган бир-иккита ҳапдори
ичдим, кейин полиция бошлиғи – оғайнимга кўнгироқ
қилдим. У бўлса хат почта орқали келгани учун сизларга
муурожаат қилишимни маслаҳат берди.

– Хатни ким жўнатган бўлиши мумкинлигини тахмин
қилолмайсизми?

Хуббарт кескин бош чайқади.

– Бунга жавоб топаманми деб хатни қайта-қайта ўқиб
чикдим. Фойдаси бўлмади. Эҳтимол, ходимларимдан
кимдир, балки собиқ ходимларимдан биронтаси ёзгандир.
Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ёқимсиз бўлсаям – бор тахминим
шу.

– Нимага асосланиб буни компания хизматчиларидан
кимдир қилган деб ўйлаяпсиз?

– Бу ерда, агар бошқача аташга зарурат бўлмаса, ҳамма
мени негадир “Ж.Х.” дейишади, – деди у елкасини қисиб. –
Заводдан ташқарида эса мен мистер Хуббарт ёки Жошман.
Бу ерда “Ж.Х.” эканман, демак...

– Тушунарли, сэр, – деди Уитли. – Эҳтимол, бўлимимиз
лабораториясидаги мутахассислар хатдан нимадир
аниқлашар. Ўйлашимча, сиз текшириш охирига
етказилишини истаяпсиз, шундайми?

– Албатта-да, – деди Хуббарт. – Иш неварамга дахлдор
бўлгани учун мен ўзимни қари аҳмоқдай тутишим
мумкин. Лекин товламачилик умуман бошқа масала.
Агар мана шу юз мингга тўлайдиган бўлсам, кейинги сафар
бу миқдор икки юзга кўтарилади ва ҳоказо. Йўқ, раҳмат.
Агар Кичкина Ж.ни курулли кўриқчилар қанча вақт
кўриқлашига зарурат бўлса, шунча кўриқлай қолинсин.

– Ўғлингиз ва рафикангиз-чи, улар бунга бўлишармикан? – сўради Макинтош.

– Нима? – деди Хуббарт хаёлчан. – Ҳа, ҳа. Албатта, улар мен нима десам шуни маъкул кўришади.

Уитли ва Макинтош бир-бирига қараб олишди.

– Нима ҳам қилардик, – деди Уитли хушмуомалалик билан. – Унда биз хат ва конвертни ўзимиз билан олиб кетамиз. Кейин эса...

– Нима, менга айтадиган бор гапингиз шуми? – хитоб қилди Хуббарт. – Ҳарқалай, сизлар почта хизмати суриштирувчиларисиз, бунга ўхшаш ҳолатлар, турган гапки, сиз учун одатий иш бўлиши керак.

У норози қиёфада уларга бир-бир қараб олиб, жимиб қолди.

– Мистер Хуббарт, – деди Уитли, – кўриб турибсизки, ҳозир тўлиқ экспертиза ўтказиш ва хулоса чиқариш учун бизда ҳеч қандай асбоб-ускуна йўқ. Бунинг учун бўлимимиз ёки маҳаллий полиция кўмагига таянишимизга тўғри келади. Мен сизга баъзи мулоҳазаларимни айтишим мумкин. Лекин улар исботсиз тахминлар, холос.

Хуббарт кескин ҳаракат билан рўпарасидаги креслога ишора қилиб, ўзи баланд суянчиқли креслога оғир чўкди.

– Қулоғим сизда, – деди у.

Уитли Макинтошга қараб кўйди. У елка қисди.

– Нимаям дейиш мумкин, – деди Уитли стол устидаги ирkit хат ва конвертга яна бир кўз югуртирар экан. – Почта муҳри бош почтамптда кеча кечаси тўққизда урилган. Манзил конвертга ўртача юмшоқликдаги қора қаламда ёзилган, хат ҳам шу қаламда ёзилгани кўриниб турибди. Арзон конверт ва қоғозни эса майда-чуйда сотиладиган ҳар қандай дўкондан сотиб олиш мумкин...

– Наҳотки? – деди киноя билан Хуббарт. – Бунга ўзимнинг ҳам ақлим етиб турибди. Бундан ташқари, чала-

чулпа, хатолар билан ёзилганига қараб хат муаллифининг саводи чатоқроқ эканини айтишим мумкин.

– Аксинча, у жуда яхши таълим олган, – деди Уитли. – Албатта, у ўзини чаласавод одам сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган, бироқ бир нечта жойда буни атай қилгани билиниб қолган. Гап шундаки, у “separate” сўзини тўғри ёзган. Ваҳоланки, ўртадаги “a” ҳарфи коллеж ёки ўрта мактабни тугатгани ҳақидаги шаҳодатномасидан қатъи назар, жуда кўпчиликка панд беради. Бундан ташқари, хат шаклан ва мантиқан тўғри тузилишга эга, фикрлаш тарзига кўра уни ёзган одамнинг ўқимишлилигидан далолат беради. У ўзининг дастхатини яширишга астойдил уринган ва босма ҳарфларни чап томонга ётқизиб ёзган. Аслида эса у ўнг томонга қиялатиб ёзади, нима бўлгандаям у бадхат эмас. Хатни резин кўлқоп кийиб ёзган...

– Шунақами? – хитоб қилди Хуббарт. – Буни қандай аниқладингиз?..

– Мана бу ерда, варақнинг чап томонидаги қалам доғини кўраяпсизми? Кучли ёруғда унинг бармоқ изига ўхшаш нимадир эканини фарқлаш мумкин. Бу бармоқлари учига ушлашга қулай бўлсин учун спиралсимон нақш туширилган резина кўлқопнинг изи.

Уитли сигарет учун чўнтагига кўл тикди. У лабига сигарет қистирган пайтда Жошуа Хуббарт залворлигина олтин зажигалкасини ёқиб, тутиб турарди.

Уитли паришон ҳолда миннатдорлик билдириб давом этди.

– Манави майда нукталарга қаранг, коғознинг ҳамма жойида бор. Сув доғига ўхшайди. Менимча, улар ўша йигитнинг юзидан қуйилган тер томчилари бўлса керак. У ниҳоятда ҳаяжонлангани ва асабийлашганидан терга ботган. Бу ҳарфларнинг ёзилишидан ҳам билиниб турибди, бош ҳарфларнинг кўпи маст одамдай қийшайиб турибди.

– Бу ҳаммаси яхши. Яна-чи? – бетоқат сўради Хуббарт.

– Агар булар тер томчилари бўлса ва таҳлил учун етарли бўлса, у орқали субъектнинг қон гуруҳини аниқлаш мумкин.

– Бундан ташқари, – қўшилди Макинтош, – агар у конвертнинг елимлаш жойи ва маркасини тупуклаб ёпиштирган бўлса, сўлак қолдигидан ҳам буни аниқласа бўлади. Одамнинг ташқи секрецияларидаги белгилар унинг қон гуруҳига мос келади.

– Шундай қилиб, – давом этди Уитли, – унинг асабийлашгани ва эҳтиёткорлик билан иш тутгани кўриниб турибди. Қаранг, дастлабки бир неча қатор чапдан ўнгга юқорилаб кетган. Кейин улар варақ бўйлаб тўғри кетган, хат охирига бориб эса яна пастлаган. Якунда тагин юқорига ўрлаган. Яна шуни кўриш мумкинки, ҳар бир қатор бошидаги ҳарф ва сўзлар орасидаги масофа анча катта. Саҳифанинг ўнг томонига борган сари улар тигизлашган. Ҳа, у деталларга эътибор бермаяпти. Унинг тез-тез ғайрати жўшиб туради, лекин бу ҳол дарров депрессияга айланади. У янги ишга катта иштиёқ билан киришиб, охирига етказмай шашти қайтадиган одамлар тоифасиданга ўхшаяпти.

Уитли кўк кўзларини ўйчан қисганча бошини кўтариб, сигарет тутунини ичига тортди.

– Мак, сен яна бирон нимани пайқамадингми? – сўради ёрдамчисидан.

– Йўқ, – деди Макинтош кулимсираб. – Бу ерда сен бошсан, мен бир ҳайдовчи сифатида келган бўлсам.

– Бўпти, бўпти! – деди Уитли ва Жошуа Хуббартга юзланди. – Боя айтганимдай, сэр, бўлимда экспертлар етарлича маълумот олишлари мумкин. Мен шунчаки юзаки кўриниб турганларини айтдим. Бизга керакли одам ёш, агар ўттиздан ошган бўлсаям жисмонан кучли ва соғлом йигит. “Ж.Х.” деб мурожаат қилгани, бунинг устига неварангизни “Кичкина Ж.” деб атаётганидан келиб чиқиб, у сизни

қиндан биладиган одам деган фикрдаман. Тушунишимча, “Кичкина Ж.” неварангизнинг қисқартирилган исми, шундайми?

– Нима дедингиз? – деди Хуббарт паришон хаёлларини жамлаб. – Ҳа, ҳа. Женнифер туғилгунга қадар оиламизда ўғлим Жеймсни “Кичкина Ж.” деб атардик. Кейин бу исм унга ўтди... Узр, жаноблар.

Хуббарт шундай деб селектор тугмасини босди ва котибасига:

– Сэлли, ўғлимга айтинг, буёққа келсин, – деди.

– Ҳозирча қўлимиздан келгани шу, – деди Уитли. – Шундай қилиб, биз яхши таълим олган, эҳтиёткор, шу билан бирга, бироз пала-партиш, атрофидаги ҳамма нарсaga қизиқиши бўлса-да, дамдузд ёш йигитни қидираяпмиз. Бош ҳарфларнинг кейинги ҳарфлардан икки барабар катта экани – унинг ўзига бино қўйганидан, эҳтимол, хўжакўрсинга мойиллигидан далолатдир.

Хуббарт ҳапдори солинган жимитдай пишачани очди. Оғзига икки дона ҳапдори ташлаб, ҳорғин алфозда деди:

– Бир нарсани унутдингиз. У ҳалол йўллар туриб, жудаям... жудаям тубан усулда юз минг долларни олишга тайёр.

Қарияга зимдан назар солган Макинтош унинг анчайин кексайиб қолганини, айна пайтда эса бир неча дақиқа олдингидан-да қариб қолганини тушунди.

– Кимдандир шубҳаланаяпсизми? – сўради у.

Хона эшиги шиддат билан очилиб, бир йигит оппоқ дастрўмоли билан юзидаги терини артганча шошилиб кириб келди.

Хуббарт хўрсиниб қўйди.

– Жаноблар, менинг ўғлим билан танишинг...

– Кўнгилсиз воқеа, – деди Макинтош Уитли билан компания биносидан узоқлашганларида. – Отаси буровга

олган пайтда йигит ерга кириб кетса керак, деб ўйловдим. У бўлса ёш боладай йиғлаб ўтирибди.

— Такасалтанг деганлари шунақа бўлади, — минғирлаб қўйди Уитли.

— Ёқимсиз нусха, — давом этди Макинтош. — Гарчи қизини ўлдириш нияти бўлмаса ҳам ўз фарзандининг ҳаётига таҳдид қилиб отасидан пул ундирмоқчи бўлган-а.

Уитли жавоб бермади. У ён ойнага кўз ташлаб қўйиб, ғамгин бир қиёфада ёрдамчисига қаради.

— Биласанми, Каролин билан ўртамиздаги бемаъни жанжал нимадан чиқди? У кеча кечқурун янги қўйлақда экан, мен эса буни пайқамай қолибман. — У оғир хўрсиниб қўйди. — Нимаям қила олардим, деталларга эътиборсизман-да шунақа.

Рус тилидан

Шавкат Ёдгоров таржимаси

МУМ ҲАЙКАЛЛАР МУЗЕЙИ

Музей ходимлари сўнгги томошабинларни кузатиб қўйишаётганда, бошқарувчи Раймонд Ньюсонни хонасига чорлаб, унинг таклифини эшитди. Музей бошқарувчиси мухбирнинг эғнидаги оҳори тўкилган костюмга қараб бу одамнинг ҳаётда омади чопмаганини тушунди. Ўзига ишонч билан сўзлаётгандек туюлса-да, Ньюсоннинг гап оҳангида сезилар-сезилмас ўтинч бор эди. Ҳаётда рад жавобини эшитавериб безиган одамлар шундай гапирди.

– Бизга бунақа таклиф билан тез-тез мурожаат қилишади, – деди бошқарувчи. – Ҳафтасига уч-тўрт марта шунақа илтимосларни эшитаман. Одатда, музейимиздаги “Қотиллар макони”да тунаб, тенгдошлари орасида донг таратишни истаган ёшлар рухсат сўраб келади. Қанча пул ваъда қилишмасин, шу пайтгача уларга бирор марта ҳам рухсат бермаганман. Қўрққанидан бирортасининг эси оғиб қолса бошимиз балога қолади-ку, ахир. Лекин сизнинг илтимосингиз бошқа масала.

– Газета мухбирининг эси оғиб қолса майли экан-да? – деди Ньюсон жилмайиб.

– Йўғ-э, менинг журналистларга хусуматим йўқ. Бунинг устига газетада музейимиз ҳақида мақола чиқса, омманинг қизиқиши ортиб, яхши реклама бўларди.

– Унда келишдикми?

– Ҳойнаҳой, мақолангиз учун биздан мўмайгина мукофот пули ундирмоқчидирсиз? – деди бошқарувчи мийиғида кулиб. – Гап-сўзларга қараганда, мадам Тюссо ўзининг “Ваҳималар хонаси”да тонггача ўтириб чиққан бир довюракка юз фунт тўлаган экан. Олдиндан огоҳлантириб қўйай, биз сизга бунча пул беролмаймиз. Айтганча, гувоҳномангизга кўз югуртирсам майлими, мистер Ньюсон?

– Ҳозирча таҳририятларда доимий иш жойим йўқ, – деди мухбир ўйғайсизланиб. – Лекин мақолаларим газеталарда тез-тез чикиб туради. Музейдан репортажни, масалан, “Тонг садоси”да эълон қилдиришим мумкин. “Мэрринер музейи қотиллари даврасида бир кеча” деб сарлавҳа қўйсак, шов-шув бўлиб кетади.

Бошқарувчи иягини қашлаб, ўйланиб қолди.

– Мақолани қандай услубда ёзмоқчисиз?

– Жиндек ҳазил-мутойиба қўшилган, этни жунжиктирувчи ваҳимали репортаж услубида.

– Шунақа денг. Майли, бўлмаса олдиндан келишиб олайлик, мистер Ньюсон, агар мақолангиз “Тонгги садо”да чиқса, фирмамиздан беш фунт стерлинг оласиз. Лекин қандай ишга қўл ураётганингизни яна бир бор ўйлаб кўринг. Шахсан мен “Қотиллар макони”да тунашга сираям рози бўлмасдим.

– Нега?

– Қандай тушунтирсам экан? Бир қарашда мумдан ясалган ҳайкалларнинг ҳеч қандай кўрқинчли жойи йўқдай туюлади. Мен уларни кийимсиз ҳолатда ҳам, кийинтирилган ҳолатда ҳам кўрганман. Ҳайкалларнинг қандай ясалишини ҳам биламан. Лекин уларнинг ёнида тунда ёлғиз қолишга юрагим дов бермайди. Аслида ўша ҳайкалларнинг кўғирчоқлардан фарқи йўқ. Аммо улар билан бир хонада узоқроқ ушланиб қолсангиз, тирилган мурдалардек сизга ола қарай бошлашади. Тун бўйи ҳайкалларнинг ёнида ўтирмоқчи экансиз, демак, жуда довюрак одамсиз, мистер Ньюсон. Лекин айтиб қўяй, бугун оқшом мижжа қоқолмай чиқасиз.

Қандай ишга қўл ураётганини мухбирнинг ўзиям жуда яхши биларди. Музей бошқарувчисининг гапларини юзида ним табассум билан пинак бузмай тинглаётгандек туюлса-да, унинг кўнглига аллақачон ғулғула тушганди. Аммо хотин, бола-чақасини боқиш, солиқ ва қарзларини тўлаш

учун Ньюсонга пул керак эди. Макола учун қалам ҳақи олиб, музей бошқарувчисидан беш фунт ундирса, хотинининг чакаги бир-икки ҳафтага ўчади. Агар репортажи “Тонг садоси” муҳарририга ёкса, балки Ньюсонга доимий иш таклиф қилишар? Хуллас, бу имкониятни қўлдан чиқаришга Ньюсоннинг ҳаққи йўқ эди.

– Гуноҳкор ва мухбирларнинг ҳаёти синовга тўла, – деди у жилмайиб. – “Қотиллар макони”нинг беш юлдузли меҳмонхона эмаслигини тушуниб турибман.

– Яна бир савол... Инс-жинсларга ишонасизми-йўқми? Айтишларича, мухбирларнинг тасаввури жуда кенг бўларкан.

– Билсангиз, қуруқ далиллар билан газетхонни қизиқтириш қийин. Шунинг учун баъзан нонга сарёғ суртгандек маҳоратни ишга солиб уларни бироз бежаймиз. Лекин кўнглингиз тўқ бўлсин, мен билан ишлаган муҳаррирлар доим: “Сенда тасаввурдан асар ҳам йўқ”, дейишади.

Музей бошқарувчиси жилмайиб ўрнидан кўзғалди.

– Томошабинлар кетган бўлса, “Қотиллар макони” залига тушаверсак ҳам бўлади. Лекин аввал менга музейда чекмайман, деб сўз беринг. Бугун бир ҳазилкаш ёнғин сигнализацияси тугмасини босган экан, ҳаммамиз шошиб қолдик. Яхшиям пастда томошабинлар кам эди, акс ҳолда ур-йикит бўлиб кетарди.

Мухбир ва бошқарувчи кирол, киролича, генерал ва машҳур сиёсатчиларнинг мум ҳайкаллари ўрнатилган олтига залдан ўтиб, ниҳоят “Қотиллар макони”га етиб келишди. Бошқарувчи музей ходимларидан бирини чақириб, “энг юмшоқ курси”ни келтиришни буюрди.

– Буёғига сизга ёрдам беролмайман, – деди у Ньюсонга. – Тунингиз осуда ўтишига умид қиламан.

Улар улкан даҳмани эслатувчи залга киришди. Кираверишда турли даврларнинг қийноқ куроллари – омбур, болта, қисқич ва пичоқлар, суякни эзувчи ва

пармаловчи, терини куйдирувчи, бошни танадан жудо қилувчи мосламалар ўрнатилганди. Нарирокда, хира фонусларнинг ёруғи остида машхур қотилларнинг мумдан ясалган ҳайкаллари саф тортиб турарди. Ҳар бирининг ёнига ўрнатилган лавҳага қотилнинг таржимаи ҳоли ва қўл урган жиноятлари ёзилганди.

– Манави Криппеннинг нусхаси, – деди музей бошқарувчиси ҳайкаллардан бирини кўрсатиб. – Пашшагаям озор бермайдиган одамга ўхшайди, тўғрими? Наригиси Армстронг. Қиёфаси ҳақиқий жентльменларни эслатади. Уч-тўрт йил бурун одамлар бу разилларнинг исмини тилга олишга ҳам чўчишарди. Бу эса Лефрой – Лондоннинг чекка даҳаларида яшовчиларни зир титратган газанда.

– Анави ким? – деди мухбир негадир шивирлаб.

– О, бу доктор Бурдетт. Қонхўрларнинг энг ашаддийси. “Қотиллар макони” қаҳрамонлари орасида ўлим жазосидан қутулиб қолган ягона каллакесар.

Эгнига жигарранг камзул, бошига қалпоқ кийдирилган жиккаккина докторнинг гажак мўйловли маккорона қиёфаси унинг француз эканидан далолат берар, митти қора кўзлари одамга еб қўйгудек тикилиб, юракка ғулғула соларди.

– Мен бу қотилнинг исмини аввал ҳам қаердадир эшитганман, – деди Ньюсон.

– Агар француз бўлганингизда, у сизга кўп нарсаларни гапириб берарди. Доктор Бурдетт ўз вақтида бутун Парижни зир титратган. Кундуз куни беморларни даволаб, тунлари уларнинг кекирдагини кесган. Пулнинг унга қизиғи йўқ эди, доктор фақат роҳатланиш учун одам ўлдирар, устарадан бошқа қурол ишлатмасди. Ўндан ортиқ кишининг ёстиғини қуритгач, у ортидан полиция тушганини билиб қолиб, дом-дараксиз йўқолди. Англия ва Франция полицияси ҳамон уни қидираяпти. Газанда ўзини ўлдирган деган миш-мишлар ҳам йўқ эмас. Ҳарқалай, доктор ғойиб

бўлгач, бор-йўги икки марта унинг услубида қотиллик қилинган. Булар ҳам тақлидчиларнинг иши бўлса керак.

– Жуда турки совуқ нусха экан, – деди Ньюсон. – Кўзлари худди тирик одамникидай-а!

– Ҳа, докторнинг ҳайкалини боплаб яшашган. Тирик қотилнинг ўзгинаси! Ҳақиқий санъат асари! Айтишларича, бу жаллод қурбонларини аввал гипноз қилиб, кейин ўлдиаркан. Полициянинг маълумотига кўра, бояқишлар ҳатто қаршилик қилишга ҳам улгуришмаган.

– Мени ҳа деб кўркитаверманг-да, энди, – деди Ньюсон овози хириллаб.

– Бу тафсилотлар сизни қизиқтиради деб ўйлабман, – деди музей бошқарувчиси жилмайиб. – Тунда залнинг панжарали эшиклари очик бўлади. Бу ерда ўтиришга юрагингиз дов бермаса, дарров юқорига чикинг. Кечқурун тепада доим уч-тўртта қоровулимиз навбатчилик қилади, бемалол чакчақлашиб ўтирасиз. Афсуски, бу ерни ёритиб беролмайман. Томошабинлар кўрқиши учун зални атайлаб нимқоронғи қилиб жиҳозлаганмиз.

Кўп ўтмай мухбирга курси келтиришди.

– Кўрсини қаерга қўяй, сэр? – деб илжайди қоровул тамакидан сарғайган тишларини кўрсатиб. – Криппеннинг ёнига қўяйми, гурунглашиб ўтирасизлар.

– Шу ерга қўйиб кетаверинг. Жойини ўзим топарман, – деди Ньюсон.

– Унда хайрли тун, сэр. Мен тепада ўтираман. Керак бўлсам, чакиринг. Манави махлуқлардан эҳтиёт бўлинг. Булар кўзни шамғалат қилиб бўйнингизга чанг солишдан ҳам тоймайди.

Ньюсон кулиб қоровулга хайрли тун тилади-да, курсини залнинг ўртасига қўйиб, доктор Бурдеттнинг ҳайкалига тескари қараб ўтириб олди. Чунки гипнозчи конхўрнинг турки уни аллақачон чўчита бошлаганди. Ғира-шира ёруғда қатор турган бошқа ҳайкаллар ҳам ваҳимали кўринар, зал

сув куйгандек жим-жит, тик этган товуш эшитилмасди. Мухбир рўпарасидаги ҳайкалларга шоша-пиша кўз югуртириб чикди. Мумдан ясалган, одамга ўхшаб кийинтирилган жонсиз қўғирчоқлар қилт этмай турарди... Унда нега у анави французнинг нигоҳидан чўчияпти? Мухбир ўтирилиб докторнинг нусхасига қарашдан ўзини зўрға тийиб турарди.

“Ҳалитдан асабим қақшаяпти. Бу аҳволда тунни қандай ўтказаман?” деб ўйлади Ньюсон.

Кейин у кўрқоқлиги учун ичида ўзини бўралатиб сўқди-да, курсини шартта буриб, докторнинг тўғри юзига қаради. Ҳайкалнинг арвоҳникидек оппоқ юзида совуқ табассум котиб қолганди.

– Сен бор-йўғи кийим кийдирилган, мумдан ясалган қўғирчоқсан, – деб шивирлади Ньюсон.

Ниҳоят у бироз дадиллашди ва фикрини чалғитиш учун чўнтагидан блокнотини олиб бўлажак мақоланинг режасини туза бошлади.

“Ваҳимали сукунат. Мумдан ясалган ҳайкалларнинг совуқ нигоҳи юракни ёрай дейди. Гипнозчи доктор Бурдетт. Қарамай турганингизда ҳайкаллар қимирлаётгандек туюлади”.

Шу пайт мухбир ниманидир илғаб блокнотни шартта ёпди-да, Лефройнинг нусхасига қаради. У эса “Мен қимирлаганим йўқ” дегандек тиржайиб турарди. Криппеннинг боши ҳам қийшайиб қолибди. Боя у қария Армстронгга қараб турган эди-ку. Бошини ким бурди?.. Ньюсонга ортидаги бошқа ҳайкаллар ҳам қимирлаётгандек туюлаверди.

– Сенда тасаввур йўқ деб муҳаррирлар ёлғон гапирган экан, – деб шивирлади у лаблари титраб. – Йўқ, ўзимни қўлга олишим керак. Бари асабдан. Ахир, булар оддий қўғирчоқлар-ку. Бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш керак... Роза билан болаларим хавотирланиб мени кутиб ўтиришгандир...

Лекин дахмани эслатувчи залдаги аллақандай мудҳиш куч Ньюсоннинг кўнглига аввалгидан ҳам баттар гулгула сола бошлади.

У бурилиб доктор Бурдеттга қаради-да, кейин дарров нигоҳини Криппенга кўчирди. Криппеннинг кимирлагани аниқ эди. Ньюсон муштини кўрсатиб пўписа қилди.

– Агар бирортанг қилт этсанг, бошларингни ёраман! Гапимни эшитдиларингми?

Аммо мум ҳайкаллар унинг кўзини шамғалат қилиб барибир кимирлашар, бир-бирига ишшайиб, шивир-шивир гаплашишарди. Улар ўқитувчини калака қилаётган мактаб болаларидек устоз доскага қараганда тилларини чиқариб, ортга ўгирилганда тек қотишарди.

Ньюсон кўрққанидан кўзлари чакчайиб нима қиларини билмай қолди.

– Сен кимирладинг, лаънати таскара! – деб ўшқирди у ҳайкаллардан бирига. – Мени лақиллатмай кўяқол!

Охири унинг юраги қинидан чиккудек дукиллаб, кўз олди қоронғилашиб кетди ва оғзидан кўпик келиб курсига хушсиз йиқилди.

Ана шунда доктор Бурдеттнинг ҳайкалига жон кирди. У жимитдек қора кўзлари йилтираб беҳуш ётган мухбирнинг ёнига келди.

– Салом, месье, – деди француз совук илжайиб. – Бугун бизларни кўргани келиб зап иш қилибсиз-да. Ортикча уринмаслигингиз учун гипноз қилиб, сизни сулайтириб қўйдим. Лекин овозимни бемалол эшита оласиз. Очиғини айтсам, жуда куёнюррак одам экансиз, дўстим. Нима, сиз мени анави ҳайкаллардан бири деб ўйладингизми? Йўқ, қаршингизда ҳақиқий доктор Бурдетт турибди.

У шундай деб энгашди-да, оёқларини уқалади.

– Кечирасиз, бир жойда какқайиб тураверганим учун оёқларим увишиб қолибди. Тириклигимга ҳалиям ишонмаётган бўлсангиз, ҳозир сизга барини сўзлаб бераман.

ҚАСОСКОР МУШУК

Хелстонга ўзиюлар аравачада ўтирган қария касалга, нимадандир қаттиқ кўркқан ва ўлишга тайёрга ўхшаб кўринди. Унга бундай манзара таниш эди. Ўз касбининг усталари ичида Хелстон танҳо эди. “Фаолияти” давомида у ўн саккиз эркак ва олти нафар аёлни ўлдирган, ўлим нима эканлигини биларди. Уй совуқ ва жимжит эди. Жимжитликни каминдаги оловнинг овози ва ташқарида эсаётган ноябрь шамолининг увиллаши бузарди, холос.

– Сиз зарба беришингизни истайман. – Қариянинг овози эски қоғознинг шитирлашини эслатарди. – Билишимча, сиз айнан шу нарса билан шуғулланасиз.

– Сизга ким айтди? – қизикди Хелстон. Унинг ёши ўттиз иккида, барваста қоматли эди. Аммо унинг ҳаракатлари енгил, худди инсон қиёфасидаги ақулага ўхшарди.

– Менга Сол Ложиа исмли киши айтди. Сиз уни танир экансиз.

Хелстон бош ирғади. Агар Сол тавсия қилган бўлса, демак, ҳаммаси жойида.

– Кимга зарба беришим керак?

Дроган аравачасидаги қандайдир тугмани босди ва аравача худди шиша ичига қамалиб қолган пашша сингари овоз чиқариб олдинга силжиди.

– Курбонингиз орқангизда турибди, – деди Дроган.

Хелстон кескин ҳаракат қилди. Ҳаёти тез ҳаракат қилишга боғлиқлигини билгани учун унинг мияси ҳам, гавдаси ҳам доим тайёр турарди. У дивандан ирғиб турди, бир тиззаси билан чўккалаб ўтирди ва шу билан бирга плаши чўнтагидан 45-калибрли тўппончасини чиқаришга ҳам улгурди. Сония ичида у тўппончасини... мушукка ўкталди.

Хелстон ва мушук лаҳза давомида бир-бирига қараб туришди. Хелстон учун бу кутилмаган ҳол эди. Мушук унга зинашдек кўринди.

Унинг тумшуги худди иккига бўлингандек: ярми оқ, ярми қора эди. Ярим қоронғи хонада унинг кўзлари катта-катта, камин шуъласи акс этган қорачиқлари эса чўгдек кўринарди.

Хелстоннинг миясида ғалати бир ўй чакнаб ўтди: биз бир-биримизни биламиз. У тўппончасини қўйнига солди ва уридан турди.

– Сизни отиб ташлашим мумкин эди, – деди у Дроганга. Мен ҳазилни ёқтирмайман.

– Мен ҳазиллашаётганим йўқ, – жавоб қилди қария. – Тиринг. Мана буни олинг. – У тиззасини ёпиб турган аёл естидан қалин хатжилд олди ва Хелстонга узатди.

Хелстон ўтирди. Мушук унинг оёғига суйкалди. У бир оз Хелстонга қараб турди, сўнг ғужанак бўлиб олди.

Хелстон савол назари билан Дроганга қаради.

– У ўзини дўстона тутади, – деди қария. – Бошланишига. Бу мушук уйимда уч кишини ўлдирди. Битта мен қолдим. Мен қари, касалман... Аммо ажалимдан беш кун бурун олишни истамайман.

– Ишонгим келмаяпти, – минғирлади Хелстон. – Сиз мени мана шу мушукни ўлдириш учун ёлладингизми?

– Марҳамат, хатжилдни очинг.

Хелстон уни очди. Хатжилд юз ва эллик долларлик пулларга тўла эди. У уч минггача санаб, санокни тўхтатди.

– Бу ерда қанча бор?

– Олти минг доллар. Қолган олти мингини эса мушук... йўқ килинганлигини исботлаганингиздан сўнг оласиз. Жаноб Ложа сиз ишингиз учун шунча пул олишингизни айтганди.

Хелстон жимгина бош ирғаб, тиззасига чикиб мудраётган мушукни силади. Хелстон мушукларни ёқтирарди. Унга

ёқадиган ягона жонивор деса ҳам бўлади. Улар ёлғиз юришади. Худди Хелстон каби.

– Сизга ҳеч нарсани тушунтирмаслигим ҳам мумкин эди, – деди Дроган. – Эҳтиёткорлик – куролланиш демакдир, бу ишга менсимай қарашингизни истамайман. Бундан ташқари, ўзимни оқлаш учун сабаблар ҳам бор. Шунчаки, сизга тентакдай кўринишни хоҳламайман.

Хелстон яна бош силкиди. У ичида бу ишни осонлик билан амалга оширишига ишонч ҳосил қилиб бўлганди, ортиқча изоҳга ҳожат йўқ эди. Аммо Дроган гапирмоқчи экан, майли, эшитади.

– Кимлигимни билсангиз керак? Пулни қаердан топишимни?

– Дроган дори ишлаб чиқариш корхоналари, – деди Хелстон.

– Ҳа. Американинг энг йирик дори ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири. Бизнинг молиявий муваффақиятимиз асоси эса мана бу. – У халати чўнтагидан шишача чиқарди ва Хелстонга узатди. – Три-дормал-фенобарбин, “Ж” таркиби, – деди Дроган. – Тузалишига умид қолмаган беморлар учун мўлжалланган. У оғриқ қолдирувчи дори. Умидсиз беморларга яхши таъсир кўрсатади.

– Сиз ҳам шундан ичасизми? – сўради Хелстон.

Дроган унинг саволини жавобсиз қолдирди.

– Дори бутун дунё бўйича кенг тарқалган. У эллигинчи йилларда бизнинг Нью Жерсидаги тажрибахонамизда яратилган. Биз дорини мушукларда синаб кўрганмиз, чунки уларнинг асаб тизими мураккаб тузилган.

– Нечта мушукни шу тарзда нариги дунёга жўнатгансиз? Дроган қунишди.

– Бундай савол беришингиз нотўғри.

Хелстон елкасини қисди.

– Дори ишлаб чиқарилган ва федерал фармацевтика ассоциацияси томонидан тасдиқлангунига қадар ўтган тўрт йил давомида беш мингта мушук... э-э, йўқ қилинган.

Хелстон хуштак чалиб юборди. У мушукни аста силарди.

– Энди эса, бу мушук сизни ўлдиргани келган, шундай деб ўйлаяпсизми?

– Мен ўзимни айбдор ҳисобламайман, – деди Дроган, мининг овози қалтираб чиқди. – Беш мингта мушук юз минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун қурбон қилинган.

– Келинг, бас қилайлик, – деди Хелстон. У ўзини қўлларига тоқат қилолмасди.

– Мушук уйимизда етти ой илгари пайдо бўлди, – давом этти Дроган. – Шахсан менга у ҳеч ҳам ёқмасди. Инфекция ташувчи мавжудот... Дуч келган жойда юраверди... Ёки қўлат титади... Опам уни боқмоқчи бўлди. Ҳаммаси шандан бошланди. Опамга бу қимматга тушди. – У мушукка нафрат билан қаради.

– Сиз мушук уч кишини ўлдирганини айтгандингиз.

Дроган қалтироқ овоз билан ҳикоясини бошлади. Мушук Хелстоннинг тиззасида ухлар, қотилнинг кучли бармоқлари билан силарди. Баъзи-баъзида камин ичида ёнаётган ўтин ёнмасини силлаб овоз чиқарар, шунда мушукнинг мускуллари қўлди пўлат пружинадек таранг тортарди. Ташқарида совуқ шамолнинг увиллаши эшитиларди. Бу шамол қиш совуғини элтаклаб келаётганди. Қариянинг овози эса борган сари тижириллаб чиқарди.

Етти ой илгари улар бу ерда тўрт киши эдилар: Дроган, етмиш тўрт ёшли опаси Аманда, дугонаси Керолайн Бродмур ва уйда йигирма йилдан бери хизмат қиладиган Ричард Гейж. Ёши олтмишдан ошган Гейж “Линкольн” машинасини ҳайдар, овқат тайёрлар ва кечки пайт ичимлик қалтирарди. Кундузи хизматкор аёл келиб-кетарди. Шу тарзда улар тўртталаси ўзига хос бой қариялар жамоаси

сифатида икки йилга яқин яшаб келишди. Уларнинг ягона машғулоти кутиш эди – ким кимдан узоқроқ яшайди. Кейин эса мушук пайдо бўлди.

– Биринчи бўлиб уни Гейж кўриб қолди, – сўзида давом этди Дроган. – Дастлаб у мушукни ҳайдашга уринди, уни тош, таёқ билан уриб ҳайдади. Аммо мушук кетмади. Уни овқат иси ўзига тортарди. Ўзи ҳам териси суягига ёпишиб кетган мушук эди. Унақа мушукларни машина йўлига очидан ўлсин деб ташлаб кетишади. Жониворни очидан ўлишга мажбур қилиш – қандай даҳшат, шафқатсизлик.

– Нима, ундан кўра уларнинг асаб тизимини синаб кўрган маъкулроқми? – сўради Хелстон.

Дроган унинг саволини эшитмаганга олди ва ҳикоясини давом эттирди. Унинг мушукларни кўргани кўзи йўқ эди. Мушук кетмаслиги маълум бўлгач, у Гейжга мушукни захарлашни буюрди – мушуклар овқатига три-дормал-фенобарбин аралаштириб берди. Бу овқатга мушук қараб ҳам қўймади.

– Бу вақт ичида Аманда Дроган мушукни кўриб қолди ва уни боқаман деб туриб олди. Дроганнинг ўзи бунга қаршилиқ қилди, аммо опаси устун келди. Опаси доим бунга эришарди.

– Ҳа, Аманда айтганини қилди, – деди Дроган. – Мушукни уйга олиб кирди. У худди ҳозир сизга суйкалаётгандек Амандага суйкаларди. Лекин менинг ёнимга бирор марта яқинлашмади. Ҳа, яқинлашмади... ҳозирча. Опам унга идишга сут қуйиб берарди. “Бечора оч қолибди”, опам йиғлаб юборай деганди унинг сут ичишини кўриб. У ва Керолайн мушукнинг атрофида парвона эдилар. Улар мушукларни ёмон кўришимни билганлари учун менинг жиғимга тегишарди. – У Хелстонга қайғули назар ташлади. – Аммо бу уларга қимматга тушди.

Май ойининг ўрталарида Гейж одатдагидек уйдаги чироқларни ёқиш учун соат олтида ўрнидан турди. Унинг

кичкириги Дроганни ҳам, Керолайнни ҳам уйғотиб юборди. Аманда Дроган зина олдида ликоп синиклари ва “Мушукчалар” кутиси — мушуклар учун овқат — устида ётарди. Унинг қорачиклари шифтга тикилганича қотиб қолганди. Унинг оғзи ва бурнидан қон оқиб ётарди. Аманданинг умуртқаси, бир оёғи синган, бўйни эса мажакланиб кетганди.

— Мушук унинг хонасида ухларди, — деди Дроган. — Менимча, у Амандани миёвлаб уйғотган, Аманда ликоп олиб пастга йўл олган — унга мушук “Мушукчалар” овқатини қуруқ емайдиганга ўхшарди. Шунинг учун сутга аралаштириб берарди. У ликопга сут қуйиш учун пастга тушмоқчи бўлган. Аманда зина четига етиб келганида мушук унинг оёғига ташланган. Аманда қариб қолган, оёқлари камқувват эди. Бунинг устига уйқусираётган бўлган. Бир сўз билан айтганда, мушук уни чалиб юборган...

“Ҳа, — ўйлади Хелстон, — шундай бўлган бўлиши мумкин...” У кампирнинг зинадан думалаб тушаётганини, кичкиришга ҳам улгурмаганини тасаввур қилди. “Мушукчалар” атрофга сочилади, ликоп синади, кампир эса полга гурсиллаб тушади. Унинг суяклари синади. Мушук эса атрофга сочилиб ётган овқатни ейиш учун пастга тушади...

— Терговчи нима деди? — сўради Хелстон.

— Бахтсиз ҳодиса. Лекин мен билардим.

— Лекин нима учун мушукни йўқотмадингиз?

Аманданинг ўлиmidан сўнг?

Чунки у агар мушукни йўқотса, Керолайн Бродмур уйдан кетишини айтганди. У касал эди, вақт-вақти билан у турли бемаъни хаёлларга ўралашиб қоларди. Бир куни у Дроганга Аманданинг руҳи мушукка ўтганини айтганди.

Хелстон бировларнинг фикрини ўқишга уста эди, шунинг учун ҳам у Дроган ва Керолайн Бродмурлар бир

пайтлар ўйнаш бўлишганини, бир мушук учун қария ундан ажралишни истамаганини дарҳол англади.

– У ростдан ҳам кетиб қолиши мумкин эди. Бу эса ўз жонига суиқасд қилиш билан тенг, – деди Дроган. – Ахир унинг ҳеч кими йўқ эди. У бу ерда иккинчи қаватда яшарди. У етмишга кирганди, жаноб Хелстон. Мен унинг шу ерда қолишини истадим ва мушук ҳам қолди...

Хелстон бош ирғар ва соатига қараб қўйди.

– У июнь охирларида ўлди, – деди Дроган, – ўлим уйку пайтида юз берган. Шифокор бунга хотиржамлик билан ёндошди... Шунчаки келиб ўлим ҳақидаги далолатномани қайд этиб кетди, бор-йўғи шу. Лекин унинг хонасида мушук бўлган! Бу ҳақда менга Гейж айтди.

– Лекин кампир барибир касалликдан ўлиши керак эди-ку, – деди Хелстон.

– Албатта, – деди Дроган юзини буриштириб. – Шифокор ҳам айнан шундай деди. Лекин мен биламан. Ҳаммаси эсимда. Онам айтиб берганди. Мушуклар қариялар ва чақалоқларни айнан улар ухлашаётганда ўлдиришни хуш кўришади. Уларни бўғиб ўлдиришади.

– Бу афсона-ку, шундай эмасми?

– Бошқа афсоналар сингари ҳақиқатга асосланган афсона, – эътироз билдирди Дроган. – Мушуклар тирноқлари билан юмшоқ нарсаларни юмдалашни ёқтиришади. Ёстик, қалин гилам ёки... аёл. Чақалоқларнинг ёки қарияларнинг аёлини. Заиф одамнинг устида қўшимча юк бўлишади...

Дроган жим бўлиб қолди, Хелстон эса бу манзарани тасаввур қилди. Киролайн Бродмур хонасида ухляпти, унинг касал ўпкасидан хириллаб нафас чиқяпти. Оқ-қора тумшукли мушук унинг устига сакраб чиқади ва қариянинг ажин босган юзига чўғдек кўзларини тикади. Сўнгра у кампирнинг қоксуяк кўкрагига ётиб олади... Нафас аста-секин тўхтади... Мушук эса кампирнинг жони узилишини кузатиб туради.

У анча-мунча нарсадан таъсирланмасди, аммо хаёлидаги манзарадан эти жимирлаб кетди.

— Дроган, — Хелстон мушукни силашда давом этди. — Лекин айтинг-чи, нима учун ветеринарга олиб бориб, ўша ерда ўлдиртирмадингиз? Амаким ўтган йили итидан шунақа қилиб қутулганди ва бу унга йигирма долларга тушган.

— Кўмиш маросими биринчи июль куни бўлиб ўтди, — Дроган Хелстонни эшитмаётгандек эди. — Ксролайнни опамнинг ёнига кўмдик. Учинчи июль куни Гейжни шу хонага чақирдим ва унга мушук солинган халтани бериб Милфорддаги ветеринарга олиб боришини буюрдим. У “Хўп бўлади, сер”, деди ва халтани олиб чиқиб кетди. Уни шундан сўнг тирик кўрмадим. “Линкольн” соатига олтмиш мил тезликда кўприкнинг бетон тўсиғига урилган. Дик Гейж тил тортмай жон берган.

Унинг юзида саноксиз шилинган жароҳатлар бўлган.

Хелстон жим бўлиб қолди. Унинг хаёлида навбатдаги даҳшатли манзара пайдо бўлди.

Дик Гейж “Линкольн”да Милфорд томон бурилишга яқинлашяпти. Унинг ёнидаги ўриндикда халта турибди. Дикнинг эътибори йўлга қаратилган, эҳтимол у юк машинасини қувиб ўтаётгани учун эски халтани йиртиб чиққан оқ-қора тумшукли мушукни сезмай қолгандир. У юк машинасини қувиб ўтаётган пайтда мушук унинг юзига ташланади ва ўткир тирноқлари билан чанг солади. Ёвуз панжалар унинг кўзини ўйиб олиш учун чўзилади. “Линкольн” ўнг томонга оғади, юк машинаси ҳайдовчиси жон ҳолатда сигнал чалади, аммо Дик ҳеч нарсани эшитмайди. Улкан ўргимчак мисол бу махлук Дикнинг юзига бутун танаси билан ёпишиб олган. Унинг яшил кўзлари худди дўзах чироқларидек ёнади, оғзидан кўпик сачрайди, кучли орқа оёқлари қариянинг бўйнига тирноқларини ботиради. Гейж кўприк четига урилаётганини кўриш тугул англаб ҳам етмайди. Мушук машинадан

сакрайди, “Линкольн” эса ўқдек келиб бетон тўсикқа урилади. Гейж машина рулига урилади ва кўкраги мажакланади...

Хелстон ғалати товуш чиқариб ютинди.

– Мушук қайтиб келдими? – минғирлади у. Дроган бош ирғади.

– Бир ҳафтадан кейин. Аникроғи, Дик Гейжни кўмишган кун.

– У автохалокатда ҳам тирик қолибдими? Соатига олтмиш мил тезликда-я? Бунга ишониш қийин.

– Айтишларича, уларнинг тўққизта жони бўларкан. Ўшандан сўнг мен унинг иблис мушук эканлигини ўйлаб қолдим. У мени...

– Жазоламоқчими?

– Билмадим. Лекин шундан кўрқяпман. Мен уни боқаман, тўғрироғи – уйни йиғиштирадиган аёл. Бу мушукни ўша аёл ҳам ёқтирмайди. Унинг айтишича, бундай тумшукли мушук қарғиш экан. Тангрининг қарғиши. Уни ўлдиришингизни истайман, – деди қария. – У билан яшаётганимга тўрт ой бўлди. У тунлари хонамга киради. У мени кузатади. Чамаси, у... Кутяпти. Охир-оқибат, мен Сол Ложиа билан гаплашдим ва у сизни тавсия қилди. Сизни у...

– Ёлғиз иш қилади, дедими? Яъни, шеригим йўқ.

– Ҳа. У яна шундай деди: “Хелстон ҳеч қачон қўлга тушмаган. Ҳаттоки ундан биров шубҳа ҳам қилмаган. У доим ерга оёғи билан тушади... Худди мушукка ўхшаб”.

Хелстон қарияга қаради. Кутилмаганда унинг бармоқлари мушукнинг белини сикди.

– Йўқ! – кичқирди Дроган. У ҳансираб нафас оларди. Унинг рангпар ёноқлари қизариб кетди. – Йўқ... Бу ердас.

Хелстон маъюс жилмайди. У мушукни оҳиста силай бошлади.

– Яхши, – деди у, – келишдик. Унинг жасади керакми?

– Худо ҳаққи, йўк! – кичкирди қария. – Уни ўлдилинг!
Кўмиб ташланг! – У бир оз жим турди. – Менга унинг
қаватгина думи керак, – деди у. – Уни ўтга ташлаб, қандай
ёнишини томоша қилмоқчиман.

Хелстон ўзининг 1972 йилда ишлаб чиқарилган
“Мустанг” автомобилида кетаётганди. Дроганнинг уйдан у
соат тўққиз яримларда чиққанди. Ноябрь окшомининг увада
булутлари орасидан совуқ ой кўриниб турарди.
Машинанинг барча ойналари очик эди. Совуқ худди
ичокдек Хелстоннинг баданига санчилар, аммо бу унга
хуш ёқарди.

У Плейсерс-Глендан бурилди ва шаҳардан ташқарига
чиқди. Хелстон тезликни соатига ўттиз беш милдан
пиширмасди. 35-шоссега етгачгина у “Мустанг”ига эрк
берди. Энди машина соатига етмиш мил тезликда юриб
борарди.

Мушук икки қаватли хўжалик халтасида ётар, халта
каноп ип билан маҳкам боғланганди. Ғалати топширик,
ўйлади Хелстон ва буни топширик деб ҳисоблаётганидан
ўзи ҳам ажабланди. Энг ғаройиби, мушук унга жуда
яқин қолди. У уч нафар қарияни ўлдирибдими, демак, унинг
қуввати озмунча эмас экан... Айниқса, уни ветеринар билан
“учрашув”га олиб кетаётган Гейж ҳақида гапирадиган
бўлсак. Хелстон шартномани бажармаслик ниятида
бўлмаса-да, мушукни ўзига яқин сезди. У мушукни тезда ва
соҳирона ўлдиради. Машинани дала четида тўхтатиб,
мушукни халтадан чиқаради, унинг бўйнини синдиради,
ўнгра қарияга кўрсатиш учун думини кесиб олади. Кейин
қария, ўйлади у, мушукни кўмаман.

У мана шуларни ўйлаётган дақиқаларда мушук
қўқисдан унинг рўпарасида пайдо бўлди – унинг ок-қора
думи ваҳшиёна жийирилганди.

– Жин урсин! – деди Хелстон беихтиёр халтага қараб –
икки қаватли халтада катта тешик пайдо бўлганди. У яна

рўпарасига қаради ва худди шу лаҳзада мушук унинг юзига чанг солди. У ўзини орқага ташлади... Ва “Мустанг” ғилдиракларининг чийиллашини эшитди.

Машина у ёқдан-бу ёққа чайқалди. Хелстон мушукни бор кучи билан урди, йиртқич пихиллади, лекин жойидан жилмади. Хелстон уни яна урди, мушук эса қочиш ўрнига унинг юзига сапчиди.

“Гейждақа бўлди, – ўйлади Хелстон. – Худди Гейждақа”. У тормозни босди. Мушук унинг бошида ўтирганича тирноқларини янада чуқурроқ ботиришга уринди. Унинг қорни Хелстоннинг кўзини тўсиб қўйганди. У мушукни урди, кейин яна, яна урди. Шу лаҳзада у кучли зарбадан қалқиб тушди. У мушукка яна зарба беришга куч топди, лекин қўли мушукнинг бакуват мускулларига таъсир қилмади. Унинг қўли сирғалиб пастга тушди.

Шунинг баробарида унинг онги зулмат қаърига сингиб кетди.

Ой уфқ ортига яширинаётганди. Тонг отишига бир соатча вақт қолганди. “Мустанг”нинг олд қисми темир-терсак уюмига айланганди.

Хелстон аста-секин ўзига кела бошлади. У кўзини очиб биринчи кўрган нарсаси тиззасида ўтирган мушук бўлди. У хотиржам миёвледи ва яшил кўзларини Хелстонга қадади. Хелстон оёқларини ҳис қилмади.

У машинанинг олд қисми пачоқланганини, двигателнинг бир қисми унинг оёқларини мажақлаб ташлаганини, ўзини эса ўриндиққа қисиб қўйганини кўрди. Қаердадир бойқуш сайради.

Мушук унга тиржаяётгандек кўринди.

Хелстон унинг ўрнидан туриб керишганини кўрди. Кутилмаганда мушук Хелстоннинг елкасига сакради. У мушукни юлқиб олиш учун қўлини кўтарди. Лекин қўли ҳаракатга келмади.

“Умуртқам, – ўйлади у худди малакали шифокорлардек. Умуртқа суягим синибди. Мен фалажман”.

Мушук унинг кулоғига миёвлади ва бу миёвлаш унга момакалдирокдек туюлди.

– Йўқол! – кичкирди Хелстон. Унинг овози курук чикди. Мушук бир лахзага сергак тортди. Бирдан унинг тирноқлари Хелстоннинг ёноқларини тилди. Кучли оғриқдан унинг томоғига бир нарса тикилгандек бўлди. Иссиқ қон окди. Сезиш қобилияти йўқолмабди.

У бошини ўнгга бурди. Унинг юзига юмшоқ юнг урилди. Хелстон мушукка бақирди. Мушук ўриндикқа сакради. У нафрат тўла кўзларини Хелстондан узмасди.

– Бундай қилмаслигим керак эдими? – хириллади Хелстон.

Мушук тишларини иржайтирди. Хелстон Дроган нима учун уни иблис мушук деб атаганини тушунди. У... Тирсаклари ва елкасида оғриқ туриб унинг фикри бўлинди.

Сезиш қобилияти тикланыпти.

Мушук тирноқларини чиқариб унинг юзига отилди.

Хелстон кўзларини юмди ва оғзини очди. У мушукни қорнидан тишламоқчи эди, аммо бир парча юнгни тишлашга улгурди, холос. Тирноқлар унинг кулоқларига санчилди. Чидаб бўлмас оғриқ турди. Хелстон қўлларини кўтаришга уринди. Қўллари сал қимирлади, аммо тиззасидан кўтарилмади.

У бошини олдинга эгди ва чўмилиб чиққан одамдек билкиди. Мушук маҳкам ёпишиб олганди. Хелстон ёноқларидан қон оқаётганини ҳис қилди. Кулоқлари худди тичида қолгандек қизиётганди.

У бошини орқага ташлади ва бақириб юборди – унинг ўйини энди оғриб кетди. Лекин мушукни бошидан тушира олишга эришди.

Хелстоннинг бир кўзига оқаётган қон кирди. У кўзини шқалаш учун қўлини кўтаришга уринди. Унинг қўллари

калтиради, аммо тиззасидан кўтарилмади. У кўлтиғи остида 45-калибрли тўппончаси турганини эслади.

“Агар тўппончамни чиқара олсам, сенинг тўққизта жонингдан асар ҳам қолмайди”.

Кўлида яна оғриқ турди. Двигател мажаклаган оёқларида ҳам санчик турди.

“Балки захирада жоним қолгандир?”

Энди мушукни бир ёқли қилиш керак. Энг асосийси шу. Кейин мана бу темир-терсак ичидан чиқиб олиш керак — балки бирортаси шу атрофдан ўтиб қолар. Бу кимсасиз йўлдан биров ўтиши, айниқса сахар соат бешда ўтиши амримаҳол, аммо жиндай бўлса-да имконият қолган эди. Ва... Мушук нима қияптикин?

У мушукнинг яна юзига сапчишини истамасди, аммо унинг орқада, назардан четда туришини ҳам хоҳламасди. У пешойна орқали мушукни кўрмоқчи бўлди, бироқ ҳеч нарса чиқмади. Пешойна зарба таъсирида қийшайиб қолган, унда йўл чети кўриниб турарди.

Хелстон кута бошлади. Сезгилари қайта бошлади. Тонг отиб келаётганди. Қаердадир қуш сайради.

Хелстон кўлини қимирлатиб кўрди, аммо тиззасидан сал юқори кўтара олди, холос.

Ён ўриндикда қандайдир товуш эшитилди. Хелстон ёнига ўтирилди ва чўғдек ёнаётган кўзларни кўрди. Хелстоннинг у билан гаплашгиси келди.

— Ҳали бирор марта топшириқни уйдаламаган куним бўлмаган, — деди у. — Бу мушукча биринчиси бўлиши мумкин эди. Лекин тез орада кўлларим ўзига келади. Беш, бор ана, ўн дақиқадан сўнг. Маслаҳат берайми? Ойнадан ўзингни ташла. Ҳамма ойналар очик. Тезда ўзингни ол.

Мушук ундан кўзини узмасди. Хелстон яна кўлини қимирлатиб кўрди. Кўли бир ярим сантиметрча кўтарилди. Мушук унга қараб тишларини иржайтирди.

Мушук нима қилмоқчи эканлигини тушунган Хелстон бор кучи билан қичкириш учун оғзини очди.

Мушук унинг юзига ўқдек отилди. Шу лаҳзада Хелстон ниҳоят, мушук ўлдириш истагида ёнаётган махлук эканлигини тушуниб етди.

У ола-була қотилнинг нафрат тўла нигоҳини кўрди. У уч нафар қарияни тинчитган, энди унинг, Жон Хелстоннинг навбати келганди.

Мушук тўғри унинг оғзини нишонга олиб сапчиганди. Хелстон ўқчиб юборди. Унинг оқ-қора тумшуғи аллақачон Хелстоннинг оғзи ичида эди.

Хелстоннинг танаси бир силкиниб тушди. Сўнг яна бир марта. Кафтлари мушт бўлиб тугилди, кейин аста бўшашди. Кўзлари эса шишадек қотиб қолди.

Унинг оғзидан оқ-қора думнинг учи чиқиб турарди. Кейин эса дум ғойиб бўлди.

Қаердадир яна куш сайради... Тез орада Коннектикут далалари тонг нуридан ёришди.

Фермернинг исми Уилл Росс эди.

У далада қолган тракторини таъмирлаш учун кетаётганди. Тонг ёруғида у йўл четида турган машинани кўрди.

– Э, Худо, ўзинг асра!

Рулда ўтирган кишининг юзи қонга бўялганди. Қотиб қолган нигоҳлар узоқ-узоқларга тикилиб турарди.

Уилл рулдаги кишининг хужжатларини кўриш мақсадида унинг плаши чўнтагини титкиламоқчи бўлди. У эндигина кўлини чўзган ҳам эдики, мурданинг қорин қисми дўппайиб турганини кўрди.

– Бу нимаси? – деди Росс. У жасаднинг кўйлагини кўтарди ва кўрган нарсаси бир умрга ёдида қолди.

Уилл Росс бўкириб юборди. Хелстоннинг қорни ёрилган ва унинг ичида мушукнинг қонга бўялган боши кўриниб

турарди. Мушукнинг кўзлари Уиллга ғазаб билан
тикилганди.

Росс қичқирганича ўзини орқага ташлади. Бўм-бўш
даладан ўнлаб қарғалар чўчиб осмонга кўтарилишди.
Мушук ташқарига чиқди ва керишди.

Сўнгра эса югуриб кетди. Росс уни кузатиб қолди.
Мушук шудринг босган ўтлар устидан чопиб борарди.

Гўёки унинг тугалланмаган яна қандайдир зарур иши
бордек эди.

*Дилшодбек Асқаров
таржимаси*

ҚОЧКИН

Мени ошхонага кўйиб кўйишганди. Радиога айтишганидек, махбусларнинг эмас, қоровулларнинг қоринини қаппайтиришга кўз-қулоқ бўлиб турардим. Бундан аввал бирхонада тер тўқдим, лекин сассиқ суюқ совундан қўлоғимнинг бармоқлари шишиб, қулоғим шанғиллай бошлади, ошхонага ўтказишди. Айтмоқчи, ўзимни таништиришни унутибман. Исмим — Ред Конли. Мени эслолмаётган бўлсангиз, кутубхонага бориб эски Лос-Анжелес газеталарини титиб кўринг. Мен ҳақимда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларни ўқийсиз. Уларда қаламқаш суваракларнинг бари Ред Конлини ўлдига чиқаришган.

Тонг бўйи ёмғир қуйди, соат ўн бирларда эса ичига гўшт тўлдирилган юк машинаси келди. Уни ҳовлига ўтказиб юборишгач, Куки юкни тушириш учун Багз Коленсо иккимизни чақирди. Багз бешинчи марта турмага тушиб, биратўла уч модда бўйича судланган. Шу моддаларнинг учинчиси муддатидан олдин қамокдан озод этилиш шартларининг бузилганлиги ҳақида бўлса ҳам, судьялар майдақашлик қилиб ўтирмай, унинг аввалги “хизмат”ларини ҳам инобатга олиб суробини тўғрилаб кўйишган. Багз, тахминан 2042 йили озодликка чиқарди. Шунда ҳам агар қамокда ўзини яхши тутса. Аканг қарағайни эса, тепаликдаги Маллиннинг гаражидан яп-янги филдиракларни ўмарганим учун турмага тикишган. Филдиракларни гумдон қилиш ғояси зўр эди-ю, лекин қўлга туширишганда ҳали уларнинг филофини ечишга ҳам улгурмагандим. Қамокқа тушганимга бир йил бўлган, ҳаммаси о-кей эди. Агар бирор ишқал чиқмаса, бир ойлардан кейин муддатдан олдин озод бўлардим.

Қисқаси, Багз иккимиз гўштни тушира бошладик, ёш бўлганим учун гўшт бўлақларини ўзим таширдим. У эса,

илмокқа илиб турар, чунки бу ишнинг ҳадисини олганди. Гавданинг чорак кисмини елкамга ташлаб, муз камерасига олиб борардим. Бағз эса уни шифтдаги симга ўрнатилган илмокларга осарди. Кейин тугмани босарди ва гавданинг тўш кисми бир томонга, орқа кисми бошқа томонга тахланарди. Юк машинасида тўртта новвоснинг гавдаси бор эди — иккитаси турма учун, қолгани эса бошқа ёққа олиб кетиларди. Демак, ҳаммаси бўлиб саккиз бўлак. Юкни туширишга ўн дақиқача вақт кетди. Чунки бу гўшт, парранданинг пати эмас, баъзан нафасни ростлаб олишга тўғри келади. Гўштни туширганимдан кейин Бағз қичқириб ҳайдовчини чақира бошлади. Чунки, одатда, кўчада турадиган ҳайдовчи ёмғирдан қочиб бинонинг бир бурчагига уриб кетганди. Бағз узоқ қичқирди, овози йўлақларда акс-садо берди, ҳайдовчини оғзига нима келса аямай бўралаб сўкди. Тўғрида, Калифорния штатининг ҳалол солиқ тўловчилари гўштни кўзлари тўрт бўлиб кутишса-ю, бу бетамиз қимирлай демаса. Лаънати ҳайдовчи машинасини ҳовлидан аллақачон чиқариши керак эди. Бағз шуни айтиб қичқираётганди. Ҳайдовчи эса, бу пайтда Куки билан гап сотаётганди. Кейин уларга яна уч-тўртта йигит қўшилди ва ҳаммаси ҳазил-хузил қилиб отдай кишнаб кула бошлашди. Бу, албатта, қонунга хилоф, лекин одам баъзан кўнгил ёзиши ҳам керак-ку.

Бағз бўсағада туриб, менга жилмайиб қаради. Кейин туйкусдан лаб-лунжини йиғиштириб, жиддий тикилди. Шу пайт осмонда моторларнинг гурриллагани эшитилди. Хуллас, нимага шама қилаётганимни тушунгандирсиз. Ошхонанинг эшиги орқа ҳовлига очилар, ҳовли девори устида соқчи турганди. Лекин соқчи ҳам ўзимизга ўхшаган одам. Ҳар хил ҳарбий ўйинчокларга бефарқ эмас, техникани томоша қилишни ёқтиради. Турган гапки, у қўлида куроли билан донг қотиб, осмонда нима учаётибди, деб тепага қаради. Шу пайт булутлар ортидан ҳар бири узун-узун оқ из

қолдириб утқа икки моторли самолёт учиб чикди. Бағз эса, қулай фурсатни қўлдан бой бермади. У менга қўл силкигач, биз икки қадам олға юрдик. Кейин Бағз олдинга бир қараб олди. Мен ортга тисарилдим. Шу пайт у юк машинасига қараб югурди. Табиийки, мен ҳам ортидан чопдим ва биз тушт бўлаклари орасига ётдик.

Юзтубан ётишимиз билан ошхонадаги йигитлар қуршовидан ҳазилни давом эттирганча ҳайдовчи чиқиб келди. Машинага ўтириб, моторни ёқди-да, бир оз юргизиб тормозни босди. Унинг дарвоза ёнида турган соқчилар билан гаплашаётгани эшитилди. Кейин у яна моторни ёқиб газни босди ва тепаликдан шунчалик катта тезликда эна бошладики, шамол ўпкамни ёриб юбормаслиги учун чакагимни маҳкам ёпишга мажбур бўлдим. Мана шунақа гаплар! Бағзнинг аҳволига ҳам ҳавас қилиб бўлмасди, лекин икковимиз ҳам тишни тишга босиб, ҳайдовчи пайқаб қолмаслиги учун сичқондай пусиб ётардик. Пак-пакана, бақалоқ ва бесўнақай ҳайдовчи машинани ғизиллатиб, "Турма кўшиғи"ни расвосини чиқариб айтарди. Тепалик ортда қолгач, у тезликни пасайтирди. Шу пайт Бағз елкамдан ушлаб ўрнидан турди. Қаддини ростлагач, унинг юзига кўзим тушди. Афти буришган, кўзлари восвосларникидек чақчайганди. Қўллари эса, ҳайдовчининг жигилдонидан олишга тайёр.

Шунда, ниҳоят, ақлимни йиғдим. Ё худо, ахир, бир ойдан кейин қамоқдан чиқаман-ку, нима қилаяпман ўзи?.. Қотил билан юк машинасида ўтирибман. Бундан чикди, буёғига у нимага қўл урса мен шерик саналаман, икковимизни баб-баравар жазолашади. Бор овозда ҳайдовчига бақирдим. У тормозни босиб, ортга ўгирилди, аммо кеч бўлганди. Бағз мувозанатни йўқотиб ҳайдовчининг устига қулади ва уни бўға бошлади — бояқишнинг тили осилиб қолди. Мен Бағзга ёпишиб, уни ниятидан қайтармоқчи бўлдим. Кейин қутилмаганда машина ўз ҳавонида кетаётганини пайқадим.

- Машинани ҳайда.
- Ҳайдаяпман-ку.
- Айтган жойимга ҳайда.
- Гапир. Қаёққа ҳайдай?

У йўл кўрсатгач, машинани жилпанглатиб ҳали ўнга, ҳали чапга бура бошладим. Баъзан катта йўлга чиқиб, кейин яна оддий йўлга бурилардик. Фаҳмимча, биз Лос-Анжелесга кетаётгандик, шаҳарга яқин қолганди. Бир яшил енгил машина мудом олдимизни тўсарди. Аввалига Бағз тортмадаги олмаларнинг тагидан топган шоколадли конфетчаларни чайнаб, машинага индамай тикилиб турди. Кейин қаддини ростлаб деди:

- Қани, орқасига бир турт-чи! Турт деяпман!
- Турт деганинг нимаси?
- Турт, йўлни бўшатсин.

Яшил машинага секин яқинлашдим-да, газни босиб орқасидан бориб урдим. Эсимни йиғиб бундай қарасам, Бағз юк машинадан сакраб тушиб, йўл-йўлакай револьверни шимининг камарига тикқанча олдинга югурыпти. Турган гапки, яшил машинадан бир йигит ташқарига чиқди ва Бағз унга кўли билан юк машинамизни кўрсатиб ўшқира кетди. Лекин кўринишидан йигит унинг дўқ-пўписаларини тушунмаётганди, чунки тушунадиган аҳволда эмасди. Бояқиш юзи қонга бўялган Бағзга бакрайиб қарар, унинг арзимаган тўқнашувда башарасини қандай қилиб бунчалик бежаб олганини ақлига сиғдиrolмасди. Бағз эса, унга тинмай ўшқирар, лекин шу пайт йўлдан бирин-кетин тизилиб юк машиналари ўтаётгани учун таваккал қилмоқчи эмасди. Ҳайдовчилар йигитни ҳимоя қилиши мумкин эди-да. Лекин машиналар ўтиб кетиши ҳамоно бу мараз револьверни чиқарди-да, йигитга кийимини ечиб, бор пулини беришини буюрди. Шу пайт эс-хушимни йиғиб, юк машинадан сакраб тушдим ва ўнг томондан айланиб ўтиб, яшил машинанинг рулига ўтирдим.

Лекин Бағз буни ҳам олдиндан сезган экан. Рулга ўтиришим биланок йигитни туртиб олдиға солиб, йўлимни тўсиб қўйди. Энди бу ландовур бир сўз демай Бағзнинг буйруғини бажара бошлади – уст-бошини бирма-бир еча кетди. Бағз эса, кийимларни капотга тахлаб, устиға унинг ёмғирпўшини ёпиб турди. Охири қипяланғоч қолган йигит совқотиб тишларини такиллатганча “Мени тинч қўйинг”, деб ялинишға тушди. Ана шунда Бағз уни биқинидан дарча очиб қўйди – худди кинодагидай. Иккови кийим тахланган капотнинг олдида туришганди. Қарсиллаган ўқ овози эшитилди. Қарасам, Бағз жойида турибди, йигит эса йўқ. Кейин Бағз кийимларни тўдалаб қўлтиққа урди-да, мен ўтирган енгил машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди ва “Ҳайда!” деди. Моторни ёқиб, рулни бор куч билан чапға бурдим, машина бир силкиниб тушди. Қандайдир юмшоқ нарсани босиб ўтгандик.

Ярим соатлардан кейин Бағз ёнимга, олдинги ўриндиққа ўтди. Қарасам, эғнида анови йигитнинг кийими. Башарасидаги қонни ҳам чала-чулпа артибди. Лекин барибир турқига қараб бўлмасди. Бироқ мендан фарқли ўларок, турманинг иштонидан кутулган. У шошилиб пул санарди. Тортиб олган пули оз бўлса ҳам қайта-қайта санади, кейин гап бошлади:

- Яна анавини нега ўлдирдинг, деб сўрарсан ҳали?
- Ўзинг пиширган ош, Бағз.
- Э, бунақа мишиқи... унинг кимга кераги бор ўзи? Бунинг устиға, кимлигини ҳали-бери аниқлашолмайди, билдингми? Ахир, ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам, давраларда тақадиган галстуғи ҳам, камзулида ёрлиғи ҳам энди йўқ. Демак, ҳали-бери унинг кимлигини аниқлашолмайди. Биз вақтдан фойдаланиб газни босамиз, тушундингми, эси паст? Машинада кетаяпмиз, уни қаёқдан олганимизни, эғаси кимлигини бирор зот билмайди. Ҳеч

ким ҳеч нарса билмайди. Бунинг устига энди гўшт ташимаймиз! Тушундингми?

– О, зўр тушунтирдинг-да. Энди тушундим.

– Гумдон қилганимнинг сабаби, хитларга гуллаб қўймасин, дедим. Ортиқча сасимасин, дедим. Етиб бордимми? Бунинг устига, икковимизга ҳам маълумки, уни сен ўлдирдинг.

– Ҳай. Майли.

– Майли, деганинг нимаси?

– Сен шундай деб турибсан, демак, мен ўлдирганман-да.

– Ақл ўргатишни бас қил.

– О-кей.

– Тишингни ҳам такиллатма.

Машина билан боғлиқ шу воқеа рўй берганда кўрқув ва зўриқишдан роса терга ботдим. Бағз шоколадларидан бермади ва совуғу очликдан тинкам қуриб, тишларим такиллай бошлади. Жағларимни маҳкам юмган эдим, босилгандай бўлди. Соат тўрт ё бешлар эди, биз аллақачон Лос-Анжелесга киргандик. Шунда ўйлаб қолдим: Бағз нега мени ўлдирмаяпти? Ахир, энди унинг ҳамма нарсаси бор-ку. Машина, камзул, ёмғирпўш, пули ҳам бор, ҳатто. Энди унга керагим йўқ. Нафасим ичимга тушиб кетди: у мени ўлдириш учун пайт пойлаётганди. Ёнимда ўтириб, баъзан мен томонга қараб-қараб қўярди, револьверни эса тиззасига қўйиб қўйганди. Англадимки, машина тўхташи билан Бағз мени гумдон қилади. Шу пайт чорраҳага яқинлашдик, қизил чирокқа тўхтамай машинани ҳайдаб ўтиб кетдим. Бағз кутурган итдай иржайди.

– Эсинг жойидами, нега қизилда ўтиб кетдинг?

– Кўрмай қолибман.

– Маҳмадоналикни бас қил, демаганмидим.

– Чин сўзим, кўрмай қолибман!

– Хитлар ушладини хоҳлаяпсан, шундайми?

– Одам қизил чирокни пайқамаса, нега тўхтади, ахир?

– Кейингисида тўхташни унутма.

– Албатта. Тўхтамай қаёққа ҳам борардим.

Кейинги чорраҳадан соатига етмиш миль тезликда учиб ўтдим ва Бағз ақлдан озгандек ўкириб тўппонча билан биқинимга ниқтай бошлади. Лекин бунақа катта тезликда ўқ узишга юраги бетламади. Машинанинг мен ўтирган рул томонида орқани кўрсатадиган ойна бор, у ўтирган томонда йўқ эди. Ойнадан орқада ярқираётган чироқчани кўриб қолдим. Аввал чироқча битта эди. Сўнг ортидан иккинчиси пайдо бўлди. Кейин учинчиси кўринди. Ҳамон етмиш миль тезликда елаётган бўлсам ҳам, улар кувиб ета бошлашди. Кейинги чорраҳага яқинлашгач, худди машинани тўхтатаётгандек тезликни пасайтирдим. Шунда Бағзнинг кўзи ола-кула бўлиб, тўппончани секингина кўтарганини ҳис қилдим. Тезликни қирққа туширдим ва бирдан тормозни босиб, рулни бурдим. Машина турган жойида гириллаб айлана бошлади. Шу пайт ўқ узилди ва салондаги ҳамма нарса портлаб кетгандай туюлди. Полга қулаган Бағз таваккалига тепкини босаётганди. Уни урдимми, йўқми, эслолмайман. Лекин эшикни ланг очиб машинадан сакраб тушганим ёдимда. Машинанинг ичида ҳамон гумбурлаб ўқ отилар, ташқарида, кўчада эса сиреналарини чийиллатиб полиция мотоцикллари йиғила бошлаганди. Уч нафар полициячи ўқ уза бошлашди. Мен қоча бошладим, кейин қўққисдан чуқур бир нарсанинг ичига тушиб кетдим. Лекин қулашнинг ўрнига пастга шўнғийвердим. Кейин сувга тушиб, чўпдай оқиб кетдим. Қаддимни кўтаришга, бирор нимадан ушлаб олишга қанчалик уринмай, қўлимдан ҳеч нима келмасди. Сўнг кутилмаганда борлиқ зулмат қаърига фарқ бўлди ва мен фақат қаёққадир кулаб тушаётганимни ҳис қилдим. Бир маҳал гурсиллаб тошларнинг устига куладим, умуртқам майда-майда бўлиб кетгандай бўлди. Сувнинг шилдираётгани эшитилди, қаерда ётганимни билиш учун атрофни пайпаслай бошладим.

Канализация қувурининг ичида эканман.

Шаҳарларда бунақа қувурлар тикилиб ётибди. Айримлари кичкинагина, сополдан ясалган, бошқалари катта, бетонли. Кўчаларнинг остидан ўтган бу қувурлар жала вақтида сувни оқизиб юборишга мўлжалланган. Тўлиб қолганда ичига тушиб уларни тозалаш учун асфалтда махсус қудуқлар қазилган, йўлларнинг четида эса сувни тортиб оладиган панжарали тешиқлар бор. Тасодифан тушиб кетган одам қайтиб чиқиши учун қудуқларга темир нарвон ўрнатилганини билардим, лекин нарвон кўринмасди. Бу қувурнинг қанчалик кенглигини ҳам билмасдим. Кенглиги тахминан уч футлар чиқса керак, деб тусмолладим. Сув юзимга урилар, ҳар нафас олганимда оғзим сувга тўларди. Сувни туфлаб ташлаб, яна оғзимни очардим.

Бу аҳвол қанча давом этганини аниқ айтолмайман. Балки бир соатдир, ҳозир менга негадир бир дақиқа чўзилгандек бўлиб туюлади. Кейин олдинда ғира-шира ёруғлик кўринди ва кўзим бошқа бир қувурнинг панжарасига тушди. Кўлимни чўзиб панжарани ушламоқчи бўлдимув сув оқими ортга тортиб кетаверди. Кейин яна қора қувурнинг ичида оқа бошладим. Бўғилиб йўталиб оғзимни катта очиб зўрға нафас олаётган бўлсам ҳам, ҳар қалай, энди миям ишлай бошлаганди. Олдинда яна битта қудуқ борлигини пайқадим, уни ўтказиб юбормаслигим керак. Темир нарвонни маҳкам ушлаб олишим даркор... Лекин мен нарвонни олдинги қудуқда кўрганимдагидек ўнг томонда бўлса керак, деб ўйлагандим, у чап тарафда экан. Хуллас, яна нарвоннинг ёнидан оқиб ўтиб кетдим. Кейин яна иккита қудуқни ўтказиб юбориб, бўкира бошладим. Балки ҳаётим беҳуда ва маънисиздир, лекин каламушдек сув қувурларига чўкиб ўлиш ниятим йўқ эди. Жиғилдоним сувга тўлган бўлса ҳам восвослардек бор кучим билан ўкира кетдим.

Олдинда яна ёруғлик кўринди, тайёрлана бошладим. Лекин бу сафар қудукнинг ўрнига мен оқаётган қувурга уланган бошқа бир катта, тўртбурчак қувурга бориб тушдим. Бу кенг-мўл қувурда энди бемалол қўл-оёғимни силкита олардим, нафас олишим енгиллашган, белим ҳам деворга урилмасди. Бошимни кўтариб, тепада ҳаво учун икки футча жой борлигини кўрдим. Лекин хурсанд бўлишимга ҳали эрта экан. Қувурлардан шариллаб тушиб катта ҳовузни тўлдираётган сувнинг сатҳи борган сари кўтарилаётганди. Ҳаял ўтмай бу ерда ҳаво қолмайди. Мен энди бақирмай қўйдим. Таслим бўлгандим. Латта қўғирчокдек олдинга оқиб кетавердим. Чунки энди менга барибир эди.

Кўп ўтмай нимадир бурнимни тирнаганини ҳис қилдим. Пайпаслаб кўргач, ўтакам ёрилай деди. Бошимнинг шифтга тегишига бир қаричча қолганди. Оқим янада кучайиб навбатдаги қувурга яқинлашаётганимни ҳис қилдим. Аҳволим чатоқлигини тушуниб, чуқур нафас олдимда, бошим тўсиққа урилиши биланоқ тагидан сузиб ўтиш учун пастга шўнғидим. Тор бир қувурнинг ичига тушиб қолдим. Нуқул белимга нимадир илашар, ўзимга ўзим: “Нафас олма! Нафас олма!”, деб ичимда тинмай такрорлардим. Бир неча сония умрим қолганди, ўпкамдаги ҳаво тугаса – тамом. Шу пайт томоғим бўғилганини ҳис қилдим. Юк машинасида тепаликдан тушаётганимизда ҳам худди шундай бўлганди. Кейин биқинимни бир нимага уриб олиб беихтиёр оғзимни очдим. Нафас олувдим, ўпкам тоза ҳавога тўлди. Кўзимни очсам, атроф қоп-қоронғу. Узоқда кўча чироклари милтилляпти. Сув мени бетон деворга қапиштириб қўйганди. Ҳамма ёқ сув, йигирма футлар нарида думалок қора тешик бор эди. Оқим мени қувурдан пуркаб чиқарган экан. Хушдан кетишдан аввал дарёда ётганимни пайкадим.

Дарёдан қандай чиққанимни батафсил айтиб ўтирмайман. Машинада кетаётган бир йигит мени кўриб

қолиб, қаёқдандир резина ичак топиб келди-да, учини узатиб чиқариб олди. Кейин уйига олиб бориб, кўрпага ўради ва иссиқ шўрва, сутли кофе билан меҳмон қилиб, каравотга ётқизди. Йўқ, агар у ҳақида кўп гапирсам кимлигини билиб қолишингиз мумкин. Кейин менинг бир тийинга қиммат ҳаётимни сақлаб қолгани учун боши ғалвадан чиқмайди. Сизга бошқа нарса ҳақида, ўша йигит тонгда мен ётган кичкина хонага кириб каравотнинг бошига ўтиргач, дилдан суҳбат қурганимизни гапириб бермоқчиман. Аввалига у хотини, боласини олиб дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш учун қариндошлариникига кетганини айтди. Тушундимки, суҳбатимиздан бирор тирик жон хабар топмаслиги керак. Кейин исмимни сўради.

– Бад. Исмим – Бад О`Брайан.

– Қизиқ! Мен сени Конли деб ўйлабман.

– Конли деганингиз ким?

– Конли деган бир маҳбус бор эди. Шу десанг, кеча қамоқдан қочибди. Иштонингдаги белгига қараганда сен ҳам маҳбуссан, тўғрими?

– Хўш, нима қилибди?

– Сен ҳақингда нималар деб ёзишганига бир кўз югуртирмайсанми, Конли?

– Майли.

У хонадан чиқиб ҳар бирининг бош саҳифасида мен ва Багз ҳақидаги янгиликлар мана ман деб турган бир даста газета кўтариб келди. Газеталарда Багз иккимизнинг гўшт ташийдиган юк машинага беркинганимиз, ҳайдовчини, кейин яна бир йигитни ўлдирганимиз, унинг машинасини олиб қочиб, полициячилар билан отишмада қатнашганимиз ҳақида батафсил ёзилганди. Мақолаларда ёзилишича, Багз битта хитни яралабди. Лекин охири уни барибир қўлга олишибди. Менинг жасадим эса канализацияга оқиб кетганмиш. Қизиғи, канализацияга тушиб кетишимдан аввал полициячилардан бири мени таниб қолгани учун оқиб

кетган одам айнан мен эканлигимга ҳеч ким шубҳаланмаган. Қисқаси, шуларни ўқиб чиққач, халоскоримга бор гапни рўйи-рост айтиб бердим. Ҳеч кимни ўлдирмаганимни қайта-қайта тушунтирдим. Ахир, ростдан ҳам бировни ўлдирмагандим-да. У гапларимни индамай эшитди, бир оз сукут сақлаб, кейин гап бошлади:

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Мақолаларни ўқиб, Каленсоннинг жинойтлари билан сеникини солиштирдим. Майли, сенга ишонаман. Йўқ, ростдан ҳам ишонаман. Сен ҳеч кимни ўлдирмагансан. Ўзинг эса ўлгансан. Хитларга келсак, чўкиб кетганингга уларнинг ишончи комил. Демак, бугун, якшанба куни сен учун янги ҳаёт бошланади. Хўш, бу ёғига нима қилмоқчисан? Ўзингнинг янги ҳаётингда нималар қилмоқчисан?

Хўш, ўзингиз айтинг-чи, бу саволга нима деб жавоб бера олардим? Охирги марта ҳаёт ҳақида ердан ўн футча пастда, сувида хасдек оқавериб, чўкиб кетишимга бир баҳя қолган қувурнинг ичида ўйлаган бўлсам. Хуллас, унинг саволига нима деб жавоб берсам экан, деб иккиланиб қолдим. Кейин энди жинойт йўлига киргандан кўра ўлганим яхши, иш топиб ҳалол меҳнат қиламан, деб бир нималарни ўлдирдим. У индамай эшитиб турди-да, охири шундай деди:

– Бу кам, Конли.
– Унда, билмадим, яна нима қилиш...
– Ёшинг неччида?
– Йигирма учда.
– Мамлакатимиз жанг қилаётган ҳозирги кунда сен тенги йигит учун борадиган биттагина жой бор. Шу жой ёдингдан чиқибди.

– Э, ҳалиги... Аслида мен ҳарбий хизматга чақирилганлар рўйхатида эдим.

– Ростданми?

– Чин сўзим! О-кей, аскарлик бўлса, аскарлик-да. Лекин ўзингиз ўйланг, агар турмада ётмаганимда ҳозир шундоқ ҳам хизматда бўлардим.

– Чакирув қоғозинг қаерда?

Яна бир муддат шу мавзуни муҳокама қилдик-да, ҳарбий соҳада мен учун йўл ёпиқлигини, комиссияга учраб бошқа исмни айтсам ҳам бармоқ изларим кимлигимни фош қилиб қўйишини тушундик. Шунда мен бундай дедим:

– О-кей, мистер, сизни тушундим. Бизнинг қўшинларимиз менга мутлақо тўғри келмайди. Чунки у ёққа бурнимни суқсам, Калифорния штати Каленсоннинг ҳамма кирдикорларини бўйнимга қўйиб, мени ўлимга ҳукм қилади. Лекин қўшинларимиз дунёда ягона эмас. Бошқа қўшинлар ҳам бор...

У бошини кўтариб, менга узоқ тикилди. Кейин ёнимга келиб қўлимни сикди. Шу тариқа худди бизникидек адолат учун жанг қилаётган, йигитларга ҳам бизникидек муҳтож бегона қўшинларни қидириб йўлга тушдим. Бу хатни ғарбга сузаётган юк кемасининг палубасида ўтириб ёзаяпман. Халоскоримни алдамаганимни, сўзимнинг устидан чиққанимнинг исботи сифатида хатни унга почта орқали юборишим керак. Агар бундан кейин ҳам ҳаммаси бир текисда давом этса, у бу қоғозларни бирор жойга яшириб қўяди, вассалом. Лекин агар, худо кўрсатмасин-у, кемамиз минага йўликса ёки қандайдир йўл билан уни алдаганимни сезса, ёзганларимни бирор йигитга бериб, газетага чиқартиради. Албатта, агар арз-додимни ўқийдиган одам топилса. Шундай экан...

Умуман олганда, ёзганларим қизиқ. Бу газетачилар яхши мақолани хидидан билишади. Шундай экан, ҳикоямни ўқиган бўлсангиз, демак, Ред Конли ўлган! Ёки гапим ёлғонми?

*Рус тилидан
Алишер Отабоев таржимаси*

ҚИЗИЛ ИПАК ШАРФ

Одатдагидек уйидан барвақт чикиб суд биноси томон йўл оларкан, Перголез кўчаси бўйлаб ўзидан олдинроқда кетаётган кишининг қуюшқондан ташқари хатти-ҳаракатлари инспектор Ганимарнинг эътиборини тортди. Бу йўловчининг эғнидаги кийимлари жуда ночор, декабрь ойи бошланганига қарамасдан похол шляпани бошига бостириб кийиб олган. Ўттиз ёки қирқ метр юргач тўхтар, шимини тўғрилар, ботинкасининг ипини боғлар ё бўлмаса эгилиб ердан ниманидир оларди. Ва ҳар сафар бир бўлак апельсин пўчоғини яширинча йўлак четига қўярди. Балки бу ғалати одамнинг ўйлаб топган ўйини ёки болаларга хос эрмак бўлиб, ҳеч кимни қизиқтирмаслиги мумкин. Лекин Ганимар шунақа кузатувчан, зийрак, ҳамма нарсага эътибор берадиган, токи мантиқий жавоб топмагунча тинчимайдиган кишилар жумласидан. Шу боис Ганимар бу ажабтовур одамнинг изидан тушди. Нотаниш йўловчи Гране Армее кўчасига бурилгач, йўлнинг нариги четидан бораётган болага сирли бир ишора қилганини пайқаб қолди инспектор. Йўловчи тўхтади ва шимининг пойчасини тўғрилади. Шу жойга бир бўлак апельсин пўчоғи билан белги қўйди. Худди шу лаҳзада йўлнинг нариги четидаги бола ўзи яқинлашган уй деворига бўр билан хоч расмини чизди ва уни айлана ичига олди. Улар шу тариқа йўлда давом этишди. Бир дақиқадан кейин яна тўхташди. Похол шляпа эгаси ердан игна тўғноғич топиб олди ва бу жойга ҳам бир бўлак пўчоқни яшириб қўйди, бола эса ўша ердаги уй деворига хоч чизиб, уни доира ичига олди.

“Юпитер ҳақиқа қасам ичаман! — ўйлади инспектор ва унинг юзида шайтоний бир кулгу зухур этди. — Бу жуда

қизик ва кўп нарса ваъда қилувчи ҳолат... Бу иккови нима қилмоқчи ўзи?"

Ғаройиб жуфтлик Фридланд ва Форбург – Сент-Оноре кўчаларидан ўтишди, лекин диққатга молик бир ҳолат рўй бермади. Вақти-вақти билан улар кўшалок белги кўйишар ва буни гўё беихтиёр бир ҳаракат билан бажарардилар. Шунга қарамай шляпали одам уй деворига хоч белгиси чизилганига ишонч ҳосил қилмагунча апельсин пўчоғи билан белги қолдирмасди. Бундан кўринадики: ғаройиб йўловчилар ўртасида қандайдир келишув бор, инспектор бунга қизиқиб қолди.

Бове майдончасида шляпали эркак ўйланганча бироз тўхтаб турди. Кейин хаёлида қандайдир айёрликни ўйлаб, шимининг пойчаларини икки марта кўтариб туширди. Шундан сўнг бола ички ишлар бошқармасини кўриқлаб турган соқчи рўпарасига ўтирди-да, иккита кичкина хоч шаклини чизди. Елисей саройига яқинлашганда улар ўша ҳолатни яна такрорлашди. Фақат йўлак бўйлаб у ёқдан бу ёққа юриб турган соқчи олдида энди иккита эмас, учта хоч чизиб қолдирилган эди.

– Жин урсин! – ғулдиради Ганимар ҳаяжондан ранги бўзариб ва сирли найрангбозларнинг ҳаракатини кузатаркан азалий душмани Люпен унинг ёдига тушди.

– Жин урсин, булар ниманинг аломати ўзи?

Иккаласининг ҳам ёқасидан бўғиб олгиси келди. Лекин у етарлича ақлга эга бўлиб, чуқур ўйламасдан бир ишга қўл урмасди. Кейин нотаниш одам сигарет чекди, бола ҳам лабига сигарет қистириб, тутатиб олиш учун унинг олдига келди. Улар бир-икки оғиз гаплашиб олишди. Бола яшин тезлигида ниманидир унга оширди. Инспекторга бу револьвер бўлиб туюлди.

Кейин улар шошилганча Сюрен кўчаси бўйлаб кетишди. Инспектор уларнинг диққатини тортмаслик учун эҳтиёткорлик билан кузатиб бораркан, ҳалиги ғаройиб

жуфтликнинг учинчи ва тўртинчи каватларидан бошқа каватлардаги деразалари ёғоч эшиклар билан беркитилган эски бино дарвозаси ортига ўтиб кетганларини кўриб қолди. Юқорига кўтарилиб очик турган эшикка кўзи тушди. Шовқинга бироз кулоқ тутиб тургач, нафасини ичига ютиб, эҳтиёткорлик билан ичкарига қадам кўярдикан, стуллар билан полни уриб тақиллатаётган ҳалиги икковини кўрди. Шу лаҳза кўшни хонадан кимдир чиқиб келди. Бу 28-30 ёшлардаги кўринишидан русларга ўхшаш бакенбардли ва мўйловдор, кўзойнак тақиб олган киши эди. Эғнида смокинг.

— Хайрли тонг, Ганимар, — дўстона саломлашди у ва инспекторга сирли бўлиб туюлган одам билан болага қаради. — Раҳмат сизга дўстларим, муваффақиятли чиққан иш учун менинг табригимни қабул қилинглар. Мана сизга ваъда қилинган мукофот, — шу сўзларни айтаркан, уларнинг кўлига юз франкли битта банкнот туқазди. Ғаройиб жуфтлик пулни олиб хонадан чикди. Уларнинг ортидан эшик ёпилди.

— Узр, ёшулли, — кечирим сўради навқирон киши, — сиз билан гаплашмоқчи эдим... — Ганимарнинг таажжубланиб турганини кўриб сўздан тўхтади у. — Сиз нима гаплигини тушунмадингизми? Мен бўлсам, сизни ўта ақлли деб ҳисоблагандим! Сиз билан учрашиш ниятида эдим... Айтинг-чи, энди нима қилсам бўлади? — Йўк, йўк, ёшулли, янглишасиз. Агар сизга хат ёзганимда ёки кўнғирок қилганимда, ҳеч шубҳасиз, олдимга келмасдингиз... Лекин сизни олиб келиш учун бир полк аскар керак бўлди. Сиз билан ёлғиз учрашиш ниятида уларни жалб қилиб, апельсин пўчоғи ва деворларга чизилган хоч белгилари ёрдамида эътиборингизни тортишимга тўғри келди. Сиз ҳамон саросимадамисиз? Йўғ-е, мени танимадингизми? Мен — Люпенман... Арсен Люпен. Хотирангизни титкилаб

кўринг... Наҳотки, бу ном сизга ҳеч нарсани англатмаётган бўлса?

– Ярамас малъун! – деди тишланганча Ганимар.

Арсен Люпеннинг пешонаси тиришди ва деди:

– Жаҳлингиз чиқаяптими? Ҳа, мен буни кўзларингдан пайкаб турибман. Ўша Дагривал иши туфайлида-а? Лекин бу суҳбатимизга соя солмаслиги керак эмасми? Аваллари сира бундай бўлмасди. Ишонтириб айтаманки, бундан кейин...

– Сен қабих одамсан! – ғазаб сочди Ганимар.

– Мен эса қувончадан! “Бу учрашувлар ёшулли Ганимарнинг ҳам қувончига сабаб бўлади”, деб ўйлагандим. Ахир биз жуда узоқ вақт учрашмадик.

Ганимар ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган ва саросималанганча атрофига алангларди, кейин Люпенга қаради, ўзини чимчилаб кўрди ва тушундики, тушида эмас, ўз душманини ҳушида кўриб турарди.

– Гапир, – деди у. – Вақтимни олма, бекор қолган вақтим йўқ.

– Бу жуда соз, – жавоб қилди Люпен. Гаплашиб оламиз. Суҳбат учун бу ердан тинчроқ жойни тополмаган бўлардик. Бу қадимий уй герцог Ришеллега қарашли. Герцогнинг ўзи бу ерда яшамайди, рассом ва безакчи сифатида менга ташлаб кетган. Тинч жой. Мен собиқ вазир мсе Дебрейл номида юраман. Тушундингизми? Одамлар эътиборини тортишни хоҳламайман...

– Бу сафсаталарга мени ишонди деб ўйлайсизми? – унинг сўзини бўлди Ганимар.

– Жуда соз. Гапни қисқа қиламан. Сиз шошилмоқдасиз, мени кечиринг. Сизни узоқ ушлаб турмайман... Беш дақиқа ва тамом. Шундай қилиб бошладим... Сигарет чекасизми? Йўқми?

У столга ўтираркан бармоқлари билан уни черта туриб ҳикоясини бошлади:

– 17 октябрь 1599 йил. Кузнинг илиққина куни... Эшитяпсизми? Билмадим, Генрих IV хукмронлиги тўғрисида ва Понт-Неф курилиши ҳақида сизга гапириб беришнинг ҳожати бормикан? Ўйлайманки, Франция тарихидан хабардор эмассиз, бу ҳикоям билан сизни чалғитаман, холос. Кеча тунда юк кемасида сузиб келаётган бир одам Понт-Неф кўприги остидан ўтаётиб чап соҳилдан нимадир сувга ташлаб юборилганини пайқаган. Ниманидир Сена дарёси тубиги ташлаб юборишган. Кема бортидаги ит ўзини сувга отиб, дарёдан қандайдир тугунни кўтариб чиққан. Ҳалиги киши тугунни олган, итни сувдан чиқарган ва тугун ичида нима борлигини аниқлаш учун каютага кирган. Топилдиқ уни қизиқтириб қолган ва у менга одам юборган. Ўша куни эрталаб мен тугундаги сирли нарсга эга бўлдим ва баъзи бир нарсаларни аниқладим. Мана улар.

У стол устидаги газета бўлакларига ишора қилди. Ўша ерда катта шиша сиёҳдон бўлиб, унга боғлаб қўйилган бир бўлак шардуз кўриниб турарди. Шиша синиқлари, ғижимланган картон, латта бўлаклари ҳам бор. Ва ниҳоят, стол устида қизил рангдаги бир парча шоҳи матоҳ.

– Кўряпсизми, бизнинг топилдигимизни, ёшлигимнинг дўсту ҳамроҳи, – деди Люпен. – Шубҳа йўкки, ит тугунни сувдан олиб чиқаётганда нарсаларнинг бир қисми тушиб қолган, акс ҳолда бу топишмоқни осонгина ечса бўларди. Аммо ўйлайманки, масаланинг тубига етиш учун шуларнинг ўзи ҳам етарли. Фақат бунга сизнинг ақлингиз ва қобилиятингиз бўлса бас. Сизни қизиқтираяптими бу иш?

Ганимар ҳолатини ўзгартирмади. У масхараомуз сўзлар билан Люпен устига ташланишга тайёр эди, аммо ўзини босди.

– Шуниси аёнки, биз бир хил фикрлаймиз, – деди Люпен инспекторнинг сукутига эътибор бермай. – Мен мана бу нарсаларга таяниб, ўз фикримни қисқагина баён этмоқчиман. Кеча соат тўққиз билан ўн икки оралиғида ёш

ва латофатли бир аёл пичоқ билан ярадор килинган ва кўзойнакли ёш, ғоят келишган ҳамда спорт билан шуғулланадиган жаноб томонидан бўғиб ўлдирилган. Ана шу жаноб билан ҳалиги аёл емакхонада ўтириб, учта эклер еган ва кофе ичган.

Ганимар сигарета чекди ва Люпеннинг енгидан ушлади.

— А-ҳа, бу сизга ёқмади инспектор. Жиноят қидирув ишлари фақат полицияга тааллуқли, бошқалар учун бу имконсиз деб ўйлайсиз-да?! Тўғри эмас, азизим! Сиз, Люпен фақат алдашга қодир деб ўйлайсизми? Менинг хулосаларим жуда ҳайротомуз ва жуда оддий, — деди у ва стол устидаги нарсаларни навбатма-навбат қўлга олиб ҳикоясини давом эттирди.

— Айтганимдай, бу воқеа кеч соат тўққиздан кейин рўй берган. Мана, газетанинг кечаги сони. Унинг тепасида эса “Кечки нашр” деб ёзилган. Мана бунга қаранг. Сарик қоғоз изларини кўрдингизми? Бу одатда обуюначининг манзили ёзиладиган, нарса ўраш учун ишлатиладиган қоғоз бўлакчаси. Газетанинг кечки сони қоидага кўра, соат тўққиздаги почта билан келади. Мен: “келишган эркак” дегандим. Мана бу шиша синиғига қаранг, бу ерда бор-йўғи бир хил шиша. Демак, бу лорнет (дастали кўзойнак, изоҳ бизники), мана дастасининг изи ҳам бор. Юқори табақа кишиларида бўлак ким лорнет олиб юради. Олифта кийинган эркак пишириклар дўконига кирган. Картон бўлаклари пирожний қутисиники. Мана, эклер кремидан қолган излар ҳам бор.

Ана шу пакетни қўлтиқлаб олган бизнинг лорнетли ёш аслзодамиз қандайдир ажойиб бир хоним билан учрашади. Бу хонимнинг ажойиблиги шундаки, у алвонранг шарф ўраб юарди. Аёл билан учрашгандан кейин — бизга ҳозирча номаълум сабабларга кўра — унга пичоқ уради ва сўнгра мана шу шарф билан бўғиб ўлдиради. Дикқат билан қарасангиз, инспектор, шарфда қорамтир-қизғиш доғ

борлигини кўрасиз. Мана бу жойига пичокни артган, бу жойини қонли панжалар гижимлаган. Жиноят содир этилгач, котил изини йўқотишга уринган. У чўнтагидан газетани (дарвоқе, худди шу газетада от спорти ҳақидаги хабарлар босилади) ва ипни олади. Бу унинг спортга қизиқишини кўрсатмайдими? Кейин у шарфни қайчи билан қирқади. Шарфнинг иккинчи бўлаги мурданинг кўлида қолади. Шарфдаги қонли излар, ҳеч шубҳасиз, қурбон бўлган аёлники. Кейин уларни картон бўлагига ўрайди, ҳозир Сена тубида ётган пичокни ҳам унинг ичига солади. Тутунчани ип билан боғлаб, кема ўтаётган пайтда сувга ташлаб юборади. Умуман, ҳаммаси – шу! Фу! Оғир иш. Нима дедингиз?

У ҳикояси қандай таассурот қолдирганини билиш учун Ганимарга қаради. Инспектор ҳамон жим эди.

Люпен кулди.

– Кўриб турибман, бу воқеа сизни ҳайратга соляпти ва зардангизни қайнатяпти. Сиз: “Қандай шайтон чалиб Люпен котилни ўзи топмасдан ва ундан катта пул ундирмасдан бу ишни менга тиқиштиряпти?” деб ўзингизга савол бераяпсиз. Ўринли савол. Лекин, масаланинг битта “лекини” бор. Гап шундаки, менинг вақтим йўқрок.

Ҳозирги пайтда ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Лондонда, кейин Лозанада кулфбузарлик рўй берган, Марселда ёш бола ўғирланган. Бунинг устига айни пайтда бир қизнинг ҳаёти ўлим хавфи остида турибди. Умуман, айтадилар-ку, бахтсизлик кўша-кўша юради деб. Шуларни ўйлаб: “Бу ишни қадрдон дўстим Ганимарга топширсам-ку бўлади, ҳаммасини у аниқ ва осонгина ҳал қилади. Қаранг, мен унга қандай ёрдам беряпман! Бу ишда Ганимар ўзининг нималарга қодирлигини намоиш этади!” дедим ўзимга-ўзим. Ва эрталаб соат саккизда йигитларни сафарбар этдим. Ва мана, сиз менинг ҳузуримда турибсиз!

Люпен ўрнидан турди, инспекторга яқинлашди ва деди:

– Бўлгани – шу. Энди сизга ҳаммаси маълум. Жасадни дархол топа оласиз. Тахминимча, у бирорта концерт залининг ўйинчиси ёки кўшиқчиси. Жиноятчи эса менинг тахминимча, дарёнинг чап соҳилида, Понт-Неф кўприги яқинида яшайди. Ва ниҳоят, сизга манави ашёлар. Улар сизнинг ихтиёрингизда. Ишни бошланг. Фақат мен мана бу бир бўлак шарфни олиб қоламан. Агар сизга унинг зарурати бўлса, жасад бўйнида қолган қисмини олиб келарсиз. Бутун 29 декабрь, соат 10. Роппа-роса тўрт ҳафта кутаман. Бемалол ишонаверинг, ҳеч қаёққа кетмайман. Кўркманг, касам ичиб айтаманки, булар ҳаммаси жиддий иш, ёшлигимнинг дўсти-ҳамроҳи. Ҳазил қилаётганим йўқ. Шаъним ҳақи, сўз берман.

Энди бораверинг. Ҳа, дарвоқе, агар ўша одамни қўлга олиш зарурати туғилса, огоҳ бўлинг, у чапақай.

Кўришгунча хайр, дўстим, омад сизга ёр бўлсин!

Инспектор хушини тўплаб олишга улгурмай, Люпен ортига ўтирилди ва хонадан чиқиб кетди. Инспектор унинг ортидан отилди ва англадики, эшик унга маълум бўлмаган қандайдир усул ёрдамида қулфланиб қолган эди. У уйдан чиққунича йигирма дақиқа ўтди. Арсен Люпенни камоққа олиш тўғрисида энди ўйлаб ўтириш бефойда. Бунинг устига ҳозир камоққа олишни истамасди ҳам. Люпен уни руҳлантириб юборди ва инспектор ўзининг собиқ душманига нисбатан янги бир ҳиссиёт туйди. Кўркув, кўролмаслик, қойил қолиш ҳаммаси аралашиб кетганди. У ишига йўл олди ва йўл бўйи бўлиб ўтган воқеани мулоҳаза қилди. Қизил шарф воқеаси уни кизиқтириб қўйганди. Бу жуда кизиқ ва одатдан ташқаридаги воқеа бўлиб туюларди. Арсен Люпеннинг хулосалари қатъий мантиққа асослангани билан инспекторни қойил қолдирди.

– Йўқ, у ҳазиллашмаяпти, – деди ўзига-ўзи.

Ганимар Соҳилбўйи Орфеврдаги полиция маҳкамасига кадам кўйганида ҳам бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ўйларди.

— Сиз шефни кўрдингизми? — сўради ундан инспекторлардан бири.

— Йўқ.

— Сизни йўқлаштирган эди.

— Шундайми?

— Яхшиси, унинг ҳузурига боринг.

— У қаерда ўзи?

— Берни кўчасида. У ерда тунда қотиллик рўй берган.

— Жабрланувчи ким экан?

— Анигини билолмадим. Қанақадир кўшиқчи қиз?

— Вой, худойим-ей! — ғўлдиради Ганимар.

Ўлдирилган қиз санъат соҳасида дунёга танилган ва Женни Сафир деган саҳнавий ном олган кўшиқчи эди. У одатдаги уйларнинг бирида, иккинчи қаватдаги кичкина хонада яшарди. Полициячи катта инспекторни юқорига бошлаб чиқиб хонани кўрсатди. Икки хонали квартира аллақачон ҳукумат намоёндалари ва мсе Дюдуи бошчилигидаги жинойт кидирув органи ходимлари билан тўла эди.

Ганимар хонани тааажжуб ичра кўздан кечирди, кенг ва юмшоқ диван устида қўлига қизил шарф боғланган ёш аёлнинг жасади ётарди. Унинг кўксида пичок зарбидан қолган ва қони қотган иккита яра, юзида даҳшат ифодаси.

Хирург текширувни тамомлади ва деди:

— Биринчи хулоса аниқ. Унга икки марта пичок урилган, кейин шарф ёрдамида бўғилган. Ўлим бўғиш оқибатида рўй берган.

— О, худойим-а! — яна ғўлдираб қўйди Ганимар Арсен Люпеннинг гапларини эслаб.

— Лекин бўйнида бармоқ излари кўринмайди, — лука ташлади изқуварлардан бири.

– Уни сочиқ ёки кўл рўмолча ёрдамида бўғган бўлиши ҳам мумкин, – тахминлади врач.

– Албатта, шундай бўлган, – бу фикрга қўшилди шеф ва қўшимча қилди: ўша шарфдан фойдаланган бўлишлари ҳам мумкин. Кўраяпсизми, кўли шарфнинг бир бўлаги билан боғланган, иккинчи бўлаги уни бўғиш учун ишлатилган шекилли.

– Лекин нима учун шарфнинг фақат бир бўлаги қолган? – сўради магистрат аъзоси. – Иккинчи бўлаги қаерда?

– Иккинчи бўлагида қон излари қолган бўлса, қотил уни ўзи билан бирга олиб кетган. Қаранг, у шарфни қайчи билан шошилиш тарзда кесган.

– Ё парвардигор! – гулдиради Ганимар. – Люпен, ҳатто жиноят содир бўлган жойни кўрмасдан ҳам ҳаммасини билади.

– Жиноят нима учун рўй берган? – сўради магистрат аъзоси. – Бу ерда ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилинган. Бу ҳақда сиз бирор фикр билдирмоқчи эмасмисиз, мсе Дюдуи.

– Мен хизматкор аёлнинг тушунтириш хатига асосланаман. Яхши қўшиқчи сифатида танилган бу қиз икки йил аввал Россиядан сарой аъёнларидан бири совға қилган ажойиб зумрад тошни олиб келган. Женни ҳеч қачон уни тақмаган бўлса-да, бундай совғадан жуда фахрланиб юрган. У ҳатто ўзига шу тошга уйқаш исм ҳам танлаган – Сафир. Агар биз жиноят ана шу зумрад туфайли рўй берган деб хулоса чиқарсак, ҳақиқатга яқин борган бўламиз.

– Хизматкор аёл бу тошнинг қаерда сақланишидан хабардор бўлганми?

– Йўқ, бунга ҳеч ким билмаган. Хонадаги тартибсизликдан кўринадики, жиноячи тошнинг қаердалигидан хабарсиз бўлган.

– Хизматкор аёлни сўроқ қиламиз, – хулоса қилди магистрат аъзоси.

Мсе Дюдуи ўтирилиб қараб бош инспекторни кўриб қолди.

– Ҳорғин кўринасиз, Ганимар. Нима гап? Бировдан шубҳангиз борми?

– Йўқ, шеф.

– Афсус. Биз бу иш юзасидан шов-шув кўтарсак департаментда шуҳрат қозонган бўлардик. Бу энг ноёб жиноятлардан бири. Биз зудлик билан жиноятчини топишимиз зарур.

– Бу осон кечмайди, шеф.

– Топишимиз керак. Қулоқ солинг, Ганимар. Оқсоч аёлнинг айтишича, Женни Сафир ҳаётдан лаззат олиб яшашни яхши кўрган. Бот-бот меҳмон қабул қилган. Ўша кеча у концерт залидан ўн бир яримда эркак киши билан қайтган. Ярим тунгача бирга бўлишган. “У аслзодалардан. Менга уйланиш ниятида”, дер экан Женни. Аслзода одам деганлари ўта эҳтиёткор ва сезгир киши бўлган. Шунчалик эҳтиёткор эканки, дарвозабон олдидан ўтаётиб пальтосининг ёқасини кўтариб, шляпасининг четларини тушириб оларкан. У келишидан олдин Женни Сафир оқсоч аёлни жўнатиб юбораркан. Ана шу одамни қидиришимиз керак.

– Ундан бирор белги қолганми?

– Ҳеч нарсаси. Кўриниб турибдики, у ярамас жуда ақлли, жиноят қилишдан аввал уни роса пишиқтирадиган ва ҳеч қандай из қолдирмасликнинг йўлини биладиган одам. Уни қўлга олиш бизнинг муқаддас бурчимиз. Бу ишни сизга ишонаман, Ганимар.

– Наҳотки, менга шеф? – деди инспектор, – яхши, ўйлаб кўрамиз... Биз ўйлаб кўрамиз... Мен айтмоқчи эмасдим... Фақат...

У жуда ҳаяжонланарди. Бу ҳолат мсе Дюдуининг энсасини қотирди.

– Фақат, – давом этди Ганимар, – қасам ичиб айтаманки, шеф, мен қасам ичаманки...

– Нимага қасам ичасиз?

– Ҳеч нарсага... Биз ўйлаб кўрамиз, шеф... Ўйлаб кўрамиз...

Ганимар ёлғиз қоларкан, узоқ вақт ўзига келмади. Сўнгра шефига таъкидлаган ўша гапнинг давомини айтди.

– Фақат осмон ҳақи қасам ичаманки, уни қўлга олиш менинг вазифам эди, ахир бу ишнинг калитини ярамас Люпен менга тутқазганди. О, лекин бундай қилолмайман!

Ганимар Люпен томонидан таклиф этилган масалани ечишга узоқ бош қотирди.

Энди ҳаммаси унинг айтганини тасдиқлаб турибди, шунга қармай, Люпен далиллар бўшлиғидан қандай қилиб бу даражада аниқ хулоса чиқара олдийкин. Ҳар ҳолда агар Люпен ҳақ бўлса, ғалаба инспекторнинг қўлида.

Ганимар емакхонада шоша-пиша тамадди қилди-да, кўчага чикди, аммо йўлда ажабланганча тўхтаб қолди. У Люпен томонидан алдаб олиб борилган ўша Сюрен кўчасидаги чоғроқ уйнинг дарвозаси олдида турарди. Бу ерга уни иродасидан ташқари қандайдир куч етаклаб келган эди. Сирнинг калити шу ерда, фақат шу ерда. Тахминлар ва эҳтимоллар аниқ ва ҳақиқатга шу қадар яқин ҳамда шу қадар ғаройибу беҳато эдики, худди бу ўзининг одатдаги хусусий ишига ўхшарди.

Инспектор барча шубҳаларга қўл силтаб уйга кирди-да, зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Хона эшиги очик эди. Ҳалиги нарсалар жой-жойида турарди. Инспектор шошқин бир тарзда уларни чўнтагига тикди-ю, чикиб кетди. Ўша лахзада инспектор қандайдир кўзга кўринмас куч таъсирида фикрлар, беихтиёр ҳаракат қилар, унга қаршилик кўрсата олмас ва унга бўйсунарди.

Понт-Неф кўприги яқинида яшайдиган номаълум кимсани қидиришдан аввал оқшом пайти ишлайдиган

шираворлар дўконини топиш керак эди. Бу кўп вақтини олмади. Сен-Лазар вокзали яқинидаги қандолат дўқонида унга дарёдан топилган тугундагига ўхшаш картон қути беришди. Бунинг устига сотувчи қизлардан бири ўша окшом мавсумий палтосининг ёқасини кўтариб олган бир жаноб дўконга келганини ва унинг лорнети ҳам борлигини кўрганини айтиб берди.

— Мана, муаммонинг калити, — хаёлдан ўтказди инспектор, — демак, у лорнет олиб юради.

Кейин инспектор матбуот тарқатувчига газета бўлакчасини кўрсатди. У газета парчаси “Терф Иллюстре”дан олинганини аниқлаб берди.

Ганимар таҳририятга кириб, обуначилар рўйхатини сўради. Понт-Неф кўпригидан унча узоқ бўлмаган жойларда яшовчиларнинг номларини ёзиб оларкан, Люпеннинг сўзини эслаб, чап соҳилда яшовчиларни алоҳида белгилади. Шундан сўнг маҳкамага қайтиб, бир гуруҳ ходимларни чорлаб, уларга керакли кўрсатмалар берди. Ходимлардан энг сўнггиси кеч соат еттиларда хушхабар билан қайтди. Мсе Превале исмли “Терф” газетасини олувчи киши Августчилар соҳилидаги квартирада яшаркан. Унинг эғнида мавсумий палтоси бўлган, дарвозабоннинг хотинидан хат ва газетасини олиб чиқиб кетганича ярим тунда қайтган. Унинг лорнети ҳам бўлган. У ипподромнинг доимий мижози бўлиб, ўзининг оти ҳам бор экан. Отини гоҳида ўзи минар, гоҳида ижарага бераркан.

Қидирув узоқ чўзилмади, олинган маълумотлар эса Люпен айтган ҳикоянинг айнан ўзи бўлиб, изкуварлар берган маълумотлар эса Ганимарни ҳам чарчатди, ҳам зериктириб юборди. Шунча йил жиноят қидирув ишида ишлаб бунчалик аниқликка дуч келмаганди.

Бош инспектор мсе Дюдуи ҳузурига йўл олди.

— Ҳаммаси тайёр, шеф, рухсатнома берасизми?

— Нима?

– Қамокқа олиш учун ҳамма нарса тахт деяпман, шеф.
– Сиз Женни Сафирни ўлдирган кишининг исмини аниқладингизми?

– Ҳа.

– Қандай қилиб? Қай йўл билан? Тушунтиринг!

Ганимар бироз виждони қийналаётганини сезди, бироз хижолат тортди. Шунга қарамай давом этди.

– Мутлақо тасодиф, шеф. Сенага ташланган нарсалар воситасида қотилни топдик. Тасодифий бир ҳолат туфайли сувга ташлаб юборилган тугунчани топган киши уни менга олиб келган эди.

– Ким?

– Уни олиб келган киши нохуш ҳолат рўй беришидан чўчиб номини айтишни лозим кўрмади. Лекин сирнинг калити менинг қўлимда. Бу мен кутганимдан анча осон рўй берди.

Инспектор бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

– Сиз шундай ишни тасодиф дейсизми? – таъсирланиб гапирди мсе Дюдуи. – Яна бунга осон кўчди дейсиз-а! Ахир бу сизнинг энг ёрқин ишингиз!

Ганимар ишни ниҳоясига етказишга отланди. Унинг одамлари Августчилар соҳили бўйидаги уйни ўраб олдилар. Уй эгаси у одамнинг егулик олиб келиш учун кетганини маълум қилди. Ганимарнинг одамлари кутиб туришди. Кеч соат тўққизларга яқин уй эгаси инспекторга пальто кийган баланд шляпали кишини кўрсатди. У соҳил бўйи томон тез-тез юриб келарди. Ганимар қатъият билан у томонга юрди.

– Билишимча, сиз мсе Превалесиз?

– Ҳа. Ўзингиз кимсиз?

– Сизни қўлга олиш учун менда...

У сўзини тугата олмади. Қоронғуликдан бир тўда одамлар чиқиб келишди. Мсе Превале ўзини бинога урди-да, елкаси билан дўкон эшигига тақалди.

– Кетинг! – қичқирди у – мен сизни танимайман!

Мсе Превале ўнг кўлида оғир тросни маҳкам чангаллаб турар, чап кўли билан орқадаги эшикни пайпасларди, унинг эшикни очмоқчи бўлаётгани аниқ эди.

Ганимар Преваленинг қандайдир яширин йўл орқали кочиб кетишидан кўрқиб, унга яқин борди.

– Бас қилинг, – қаршилиқ кўрсатишингиз бефойда, – деди Ганимар ва унинг кўлидаги тросга қараб Люпеннинг огоҳлантиришини эсалади: “жиноятчи чапақай”. Ганимар бирдан ерга эгилди, Превале чап кўли билан пистолетни кўтариб улгурмай унга ташланди ва мушти билан жағига зарба берди. Превале ерга қулади. Ва кўп ўтмай ўзини камокда кўрди.

Ганимар азалдан ўз ишининг маҳоратли устаси эди, аммо бу ишнинг тезкорлик билан очилиши унга шуҳрат келтирди.

Барча очилмаган жиноятлар ҳам дарҳол Преваленинг бўйнига илинди, газеталар эса бир-бирдан ўтқариб Ганимарни мақтарди.

Бу иш катта шовқин-суронга сабаб бўлди. Энг аввало, Преваленинг аслида Томас Дреклиги маълум бўлди. Биргина шу фактнинг ўзи хайратланарли эди. Аммо унинг хонаси кўздан кечирилганда жиноятга доир ҳеч нарсa топилмади. Орадан саккиз кун ўтгач ҳамма нарсa ўзгариб кетди. Шу пайтгача сўроқларга жавоб беришни истамай жим турган Превале, адвокатнинг маслаҳати билан тилга кирди ва ишончли алиби кўрсатди. Жиноят рўй берган пайтда у Фоли-Бержер театрида ўтирганлигини айтди. Ҳақиқатдан ҳам унинг костюми чўнтакларидан топилган чипта ва театр дастурида ўша окшом санаси турарди.

– Алиби аввалдан ҳозирлаб қўйилган, – эътироз билдирди судя.

– Буни исботланг, – талаб қилди Превале.

Шунда уни гувоҳлар билан юзма-юз қилишди. Қандолат дўконидан ишлайдиган қиз “танигандайман” деди. Берже

кўчасидаги дарвозабон ҳам Женни Сафир билан келадиган одам “шу деб ўйлагандим” деди, лекин ҳеч ким аниқ гап айтишга журъат қилолмади.

Тергов ишлари боши берк кўчага кириб қолганлиги сабабли судья Ганимарни чақириб олиб, унга рўй бераётган кийинчиликлар ҳақида гапирди.

– Бошқа имконим йўқ. Қўйилган айбни қувватлаб туrolмайман. – Ўзингиз ўйланг, судья, агар Превале гуноҳсиз бўлса нима сабабдан қўлга олинишига қаршилиқ кўрсатди?

– У қароқчилар ҳужум қилапти деб ўйлаган, айбланувчи шундай кўрсатув бераяпти. Шунингдек, у Женни Сафирни умрида кўрмаганлигини айтмоқда. Унинг эътирозларида ноўрин ҳеч нарса кўрмаяпмиз. Йўқолган сапфирни, биз Преваленинг хонасидан изладик, аммо тополмадик.

– Бошқа бирор жойдадир, – қатъий турди Ганимар.

– Мумкин, аммо бу унинг айбдорлигига исбот бўлолмайди. Сизга айтиб қўйишим керак, мсе Ганимар. Қизил шарфнинг иккинчи бўлагини топиш керак. Қанча тез топилса шунча яхши.

– Иккинчи бўлагини?

– Ҳа. Агар қотил уни ушлаган бўлса, бармоқ излари қолган бўлиши керак.

Ганимар индамади. Неча кундирки, бу ишнинг охири “вой” бўлиши тўғрисида ўйларди. Шарфнинг иккинчи бўлагини топиш ва уни судьяга кўрсатиш керак, бошқа бирор далил йўқ. Агар далил келтира олмаса, Превале озодликка чиқади ва Ганимар кулгига қолади. Бахтга қарши шарфнинг иккинчи бўлаги Люпенда. Уни қандай қилиб олиш керак?

Ганимар айблов ишини қайта бошдан кўриб чикди, Преваленинг ҳаётига доир ҳамма нарсага аниқлик киритиш учун одам юборди. Аммо барчаси беҳуда эди.

28 декабрда судья уни одил суд саройи йўлагида тўхтатди:

– Хўш, мсье Ганимар. Қандай янгиликлар бор?

– Афсуски, ҳеч қандай.

– Унда мен ишни тўхтатаман.

– Яна бир кун сабр қилсангиз.

– Нима ўзгаради бу билан. Бизга шарфнинг иккинчи бўлаги керак. У сиздами?

– Мен уни эрта эрталаб оламан.

– Эрта?

– Ҳа, фақат менга унинг топилган бўлагини беринг. У сизда бўлиши керак?

– Сизнинг илтимосингизни қондирсам бирор ўзгариш бўладими?

– Агар шундай қилсангиз. Мен сизга бутун шарфни тақдим этардим.

– Жуда соз.

Ганимар судья билан унинг хонасига борди ва бир бўлак қизил шоҳи шарфга эга бўлди.

– Люпен панд бермаса эртагаёқ шарфнинг ҳар иккала бўлагини кўлингизга тутқазаман.

У Люпендан шубҳа қилмасди, фақат Люпен нима сабабдан уни учрашувга чорлади? Шарф унга нима учун керак эди? Шунини ўйлаб Ганимарнинг боши қотди.

Қизиқиш ва чидамсизликдан сабри тугаган Ганимар тонг отиши билан Люпен ҳузурига йўл олди. Бу пайтда унинг одамлари ўша мавзени ўраб олишган эди.

– Агар мен учинчи қаватнинг деразасида кўринсам ёки уй ичидан бир соат ичида чикмасам уйга бостириб кириб, у ердаги кишини қўлга оласизлар, деб топширик берди у одамларига.

Сўнгра чўнтагидаги пистолетини пайпаслаб қўйиб, уй томон юрди.

Ҳамма нарсанинг авалгидек жой-жойида турганини кўриб Ганимарнинг ҳайрати ошди. Деразага бир кўз югуртириб олиб, хоналарни бир-бир қараб чиқди. Жон асари йўқ.

– Люпен кўрқибди, – дея ишончсизлик билан ғулдиради у.

– Бемаъни гапларни гапирманг, – деган овоз эшитилди ортидан.

Инспектор чакқонлик билан ўтирилиб қараб, комбинзон кийиб олган кекса ишчини кўрди.

– Ҳаяжонланманг, – деди ишчи, – мен Люпенман. – Эрталабдан бери ишлаётган эдим, энди нонушта қилишим керак.

У ажабтовур жилмайиш билан Ганимарга қаради ва хитоб қилди:

– Ўз вақтида ҳозир бўлдингиз, ёшулли! Ҳаётингиз мен учун азиз. Сизни қанчалар севишимни биласиз-ку! Бу ҳақда фикрингиз қандай? Ҳаммаси ўйлаганимдек бўлиб чиқди-ми-а?! Бошланишидан менга маълум бўлган экан-да! Хўш, бундай ишларни қай даражада эплар эканман? Қандай сезгир ақл, Ганимар. Воқеа қай даражада тикланди! Қандай топқирлик! Ҳайротомуз даражада кўра билиш! Сизга шарф керакми?

– Ҳа, иккинчи бўлаги. У сиздами?

– Албатта. Икковини бирга қўйишингизни сўрайман.

Улар қизил матоҳнинг иккала бўлагини ёнма-ён қўйишди. Қирқимлар бири-бирига тўла мос эди, ранги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

– Бирок, мен ўйлайманки, бу ерга фақат шарф учун келмагансиз, – деди Люпен, – сиз қон изларини кўрмоқчисиз. Дераза олдида борайлик, бу ер қоронғу, Ганимар.

Улар қўшни хонага ўтиб, дераза олдида боришди. Люпен шарфни дераза токчасига ёйиб қўйди.

– Қаранг, – деди у Ганимарга боши билан имо қилиб.

Инспектор шарф устига эгилди. Беш панжанинг изи аниқ кўриниб турарди. Рад этиб бўлмайдиган далил. Қотил Женни Сафирнинг шарфига из қолдирган эди.

– Бу чап кўлнинг изи, – деди Люпен. – Ёдингиздами, сизни огоҳлантирган эдим, мени жодугар деб ўйлашингизни истамайман.

Ганимар шоҳи матоҳ бўлагини дарҳол чўнтагига урди. Люпен маъкуллаб бош силкиди.

– Ҳаммаси жойида, ёшулли. Мени жуда мамнун этдингиз! Бу ерда ҳеч қанақа тузоқ йўқлигини кўриб турибсиз... Мен эски ошнам билан яқин бўлишни истагандим, холос. Лекин шарфнинг сиздаги бўлагига жуда қизиқяпман, уни диққат билан бир кўздан кечирсам... Кўркманг... Ўзингизга қайтараман... Фақат бир дақиқага...

Люпен шарфнинг иккинчи бўлагини олиб кўздан кечира бошлади, Ганимар унинг минғирлашига кулоқ тутди:

– Бундай ишларни нақадар ҳайротомуз бажаришади аёллар! Сиз оқсоч аёл берган гувоҳликнинг бир жиҳатига эътибор қилдингизми? Женни Сафир ўзига кўйлак ва шляпа тикиб кийишни маҳорат билан бажарган. Кўриниб турибдики бу шарфни ҳам унинг ўзи тайёрлаган... Буни бирдан пайқадим. Мен ҳақиқатдан ҳам жуда қизикувчанман, чўнтагингиздаги бўлакни диққат билан текшириб. Унинг учиди, пўпакларига яқин четида бечора қиз ўз кўли билан тикиб қўйган кичкина туморчани топган эдим. Бечора шу тумор бахт келтиришига ишонган. Бу таъсираланарли эмасми, Ганимар? Аммо кичкина туморча бизнинг хонимимизга унчалик фойда бермади.

Инспектор ҳайратланган кўйи Люпендан кўз узмай қараб турар, у эса давом этарди:

– Шунда мен ўз-ўзимга: “Полициянинг қўлидаги иккинчи бўлакни текшириб кўриш жуда қизиқ бўларди”, деб ўйладим. Мендаги бўлагига туморча бор эди ва мен

ўйладимки, “иккинчи бўлагига ҳам шунга ўхшаш нарсани яшириб қўйишнинг нимаси ёмон”. Сиз нима деб ўйлайсиз, кадрдон дўстим? Масалан, сапфирга ўхшаш кимиатбаҳо тош яширилган бўлса-я?

У сўзини тамомлаганда кўлида ложувард тош ялтираб кўринди.

– А-ха! Айтмаганмидим сизга, ёшликдаги кадрдон дўстим?

У бошини кўтариб инспекторнинг кўзларида ёввойи бир ифодани кўрди. Инспектор топилдиққа изтироб ичра қараб турарди.

– Ярамас, – ғулдиради инспектор, – ҳароми!

Юзма-юз туришарди улар.

– Уни менга беринг, – буюрди инспектор.

Люпен унга шарф бўлагини узатди.

– Ферузани ҳам, – қатъий талаб қилди инспектор.

– Аҳмоқликни йиғиштиринг.

– Қайтариб беринг ёки...

– Нима ёки, тентак! – ҳайқирди Люпен. – Наҳотки, мени текиндан-текинга ёрдам беради, деб ўйлаган бўлсангиз?

– Дарҳол қайтариб беринг, – ўз сўзида туриб олди инспектор.

– Сиз нимани ҳам билардингиз, мен тўрт ҳафта давомида худди охудай эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдим, сиз бўлсангиз... Қўйинг, ёшулли. Тошни сув тагида қолган деб ҳисобланг. Ўтирайлик! Сигаретга тобингиз қалай?

Ганимар ўзининг изкуварлари келишини кутиб Люпенга ғазаб билан қараб турарди. У турган хона ҳовли тарафда эди, шундай бўлса-да деразадан ўзини кўрсатишни ўйлади.

– Мен сизни тўнка деб ҳисоблаганда ҳақ эдим. Шарф қўлингизда эди, сиз бўлса уни пайпаслаб кўришни ҳам хаёлингизга келтирмагансиз. Қизгина нима учун бу шарфни ҳар доим боғлаб юргани тўғрисида ўзингизга савол бериб кўрмагансиз.

Люпен ортига ўгирилганидан фойдаланган Ганимар ўзини эшикка урди. Аммо эшик кулф эди. Люпен унинг ортида хохолаб куларди.

– Бугун ҳам сизнинг фаҳмингиз етмади. Менга тузок кўйдингиз, мен бу ҳақда билиб қолишим мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмадингиз. Ҳатто эшикнинг кулфини текшириб ҳам кўрмай ичкарига кирдингиз. Энди ўзингизни нима деб ўйлайсиз?

– Нима деб ўйлайман? – кичқирди Ганимар пистолетини чиқариб Люпенга тўғриларкан. – Қўлингни кўтар! Мана мен нима деб ўйлайман!

Люпен елка қисди.

– Ҳеч ўзгармабсиз.

– Қўлингни кўтар!

– Уни чиқиндихонага ташлаб юборинг.

– Нима?

– Қария Катрин, сизнинг оқсочингиз, кўпдан бери менинг хизматимда. Сиз кофе ичаётганингизда у пистолетингиздан ўқларни олиб қўйганди.

Ганимар пистолетни чўнтагига соларкан Люпенга ваҳшиёна назар билан қаради.

– Хўш, – деди саволомуз оҳангда Люпен инспекторнинг рўпарасида туриб.

Улар бир-бирларига анча вақт тикилиб қолишди.

Ганимар ўтмиш тажрибасидан билардики, Люпен билан олишиш ақлсизлик. Қўлидан ҳеч нарса келмаслигини ҳис этди инспектор.

– Сиз сари ҳам борайлик, – давом этди Люпен, Ганимарнинг жим турганига эътибор қилмай, – яхшиси, бу ишни ўз холича қолдиринг. Ўйлаб кўринг, ёшликдаги дўстим. Агар шундай қилсангиз бу сизга шуҳрат келтиради. Хизматда давом этиш ва қариганингизда яхши яшаш имконини беради. Ўйлайманки, сиз бечора Люпенни қамамайсиз ва ундан зумрад тошни тортиб олмайсиз. Ахир

Люпен ҳаётингизни асраб қолди... Ҳа, мсье! Бу қилган ишингиз сизнинг шунча яхшиликка билдирган миннатдорчилигингизми? Преваленинг чапақайлигини ким айтиб берди сизга? Мен сиздан рози эмасман, Ганимар.

Шу гапларни айтганча, Люпен хона бўйлаб кезинарди. Эшик яқинига бориб уни очди. Ва Ганимар англадики, у қочмоқчи. Дунёдаги ҳамма нарсани унутиб Ганимар унга ташланди, лекин қорнига берилган кучли зарбадан учиб бориб девор остига йиқилди. Ёпилган эшик ортидан Люпеннинг кулгиси эшитилди.

* * *

Ганимар орадан йигирма дақиқа ўтиб, ўзининг одамлари билан учрашаркан, улардан бири шундай маълумот берди:

– Бундан биров аввал уйдан бир ишчи чикди. Қўлимга хат туқазиб: “Бошликка бер” деди. “Қайси бошликка?” деб сўрагунимча ишчи кўздан йўқолди.

– Хатни беринг.

Ганимар хатни очди. Унда қалам билан шоша-пиша тирнаб ёзилган шундай сўзлар бор эди:

“Бу ҳаддан ташқари ишонувчанликка қарши огоҳлантириш, дўстим. Ҳар қандай гапга ишонавермаслик керак, агарда суҳбатдошингиз, ҳатто Арсен Люпен бўлса ҳам. Сизнинг биринчи қилган хатонгиз шуки, пистолетда ўк йўқлигига ишондингиз. Иккинчиси, сиз қария Катрин мени сотибди деган хаёлга бориб, унинг садоқатига шубҳа қилдингиз. У эса жуда ростгўй ва тартиб-интизомли аёл. Бир кун келиб у билан танишишдан умидворман. Ҳозирча сизга садоқат билан,

Арсен Люпен”.

*Неъмат Арслон
таржимаси*

МУНДАРИЖА

Ричард Деминг. Тажрибали аёл.....	3
Эдогава Рампо. Ой сеҳри.....	19
Жек Ритчи. Одам ўғрилари.....	36
Айзек Азимов. Фазодаги можаро.....	43
Роберт Фиш. Босқин.....	55
Рут Ренделл. Қалтис ваъда.....	66
Лоуренс Блок. Бу киши ўлса.....	80
Ричард Мэтт Эллис. Жанжал.....	90
Альфред Маклелланд Баррэж. Мум ҳайкаллар музейи.....	99
Стивен Кинг. Қасоскор мушук.....	108
Жеймс Кейн. Қочкин.....	123
Морис Леблан. Қизил ипак шарф.....	137

Дунё адабиёти дурдоналари

ОДАМ ЎҒРИЛАРИ

Детектив ҳикоялар

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:

Дилшодабону Аввалбоева

Мухаррир:

Намоз Толипов

Техник муҳаррир:

Мухриддин Ҳамроев

Мусахҳиҳ:

Моҳитобон Бузрукова

Нашриёт лицензияси: АІ № 221, 16.11.12 йил.

Босишга рухсат этилди: 30.12.2016 йил.

Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. “Times” гарнитураси.

Шартли босма табағи: 10,0. Нашриёт ҳисоб табағи: 5,0.

Адади: 3000 нусха. Буюртма: № 06-16.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашриёт манзили:

“Yurist-media markazi” нашриёти,

Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй

Тел.: 212-47-79, 230-04-74

E-mail: yurist_media@mail.ru

Босмахона манзили:

“Good group media” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-уй.

Ричард Деминг. Тажрибали аёл
Эдогава Рампо. Ой сеҳри
Жек Ритчи. Одам ўғрилари
Айзек Азимов. Ҳазодаги можаро
Роберт Фиш. Босқин
Рут Ренделл. Қалтис ваъда
Лоуренс Блок. Бу киши ўлса
Ричард Мэтт Эллис. Жанжал
Альфред Маклелланд Баррэж. Мум ҳайкаллар музейи
Стивен Кинг. Қасоскор мушук
Жеймс Кейн. Қочқин
Морис Леблан. Қизил ипак шарф

ОДАМ

ЎҒРИЛАРИ

Детектив ҳикоялар



ISBN 978-9943-4339-7-7



9 789943 433977